



**USAID**  
AMERIKA XALQIDAN



**MADAD**  
MUASSASA SHAKLIDAGI NOVAVLAT NOTIZORAT TASHKILOT

# АҲОЛИГА БЕПУЛ ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА

Қўлланма



ТОШКЕНТ – 2023

**УЎК 34:001.92(07)**

**КБК 67.0**

**72**

**A 97**

Аҳолига хуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича қўлланма [Матн]: қўлланма / тузувчилар: Ш. Умарова, Г. Сайфиева, Д. Бедилова, Э. Убайдуллаева, Ж. Сотиболдиев/ тақризчилар: М. Тошов, М. Тиллабаев. - Тошкент: Baktria press, 2023. - ? б.

**Тузувчилар:**

*Шоира Умарова*, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш вазирлиги юридик бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди. Масъул мухаррир

*Гўзал Сайфиева*, “Lochin Himoyasi” адвокатлик фирмаси адвокати  
*Дилбар Бедилова*, “Haqiqat himoyachilar hay’ati” адвокатлар ҳайъатида адвокат Элеонора Убайдуллаева, адвокат, юридик фанлари номзоди  
*Жаҳонгир Сотиболдиев*, “ESTE” адвокатлик фирмаси адвокати ва патент вакили

**Тақризчилар:**

*Mирзатилла Тиллабаев*, Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринbosари, юридик фанлар номзоди, доцент

*Муҳаммад Тошов*, Бош прокуратура Академияси бўлим бошлиғи

Мазкур тўплам АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Махсулот мазмуни бўйича масъулит Tetra Tech DPK га юқлатилган ва USAID ёки АҚШ хукумати расмий нуткази назарини акс эттириши шарт эмас.

Кўлланма USAIDнинг Хуқуқий ислоҳотлар дастури доирасида ишлаб чиқилди ҳамда чоп этилди.

ISBN 978-9943-8658-1-5

© ???, 2023

© Baktria press, 2023

# МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
І БОБ. СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ .....	7
1. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАР .....	8
1.1. Ўзбекистон Республикасида суд тизими.....	8
1.2. Фуқаролик процессуал қонунчилигининг манбалари .....	8
1.3. Фуқаролик суд иш юритуви .....	13
2. ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШДА ТЎЛАНАДИГАН ДАВЛАТ БОЖИ.....	16
2.1. Давлат божи тўланишига оид талаблар.....	16
2.2. Даъвонинг баҳоси.....	18
2.3. Давлат божини тўлашдан озод қилиш.....	20
2.4. Давлат божини қайтариш .....	27
2.5. Суд харажатларини тўлашни кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва уларнинг миқдорларини камайтириш .....	29
3. ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	30
3.1. Процессуал ҳужжатларнинг бошқа юридик ҳужжатлардан фарқлари .....	30
3.2. Процессуал ҳужжатларни тузишнинг умумий қоидалари .....	31
4. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	33
4.1. Даъво аризаси .....	33
4.2. Алоҳида тартибда иш юритишнинг айрим масалалари .....	35
4.3. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш.....	36
4.4. Юридик фактни белгилаш бўйича ариза бериш .....	37
4.5. Фарзандликка олиш .....	38
5. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҶАЙТА КЎРИШ ТАРТИБИ .....	40
5.1. Апелляция инстанцияси судига мурожаат қилиш.....	40
5.2. Апелляция тартибida шикоят берилмайдиган суд ҳужжатлари .....	41
5.3. Апелляция шикояти мазмунига қўйиладиган талаблар.....	43
5.4. Кассация инстанцияси судига мурожаат қилиш .....	44
5.5. Кассация шикояти мазмунига қўйиладиган талаблар .....	45



5.6. Конуний кучга кирган суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш .....	46
5.7. Суд хужжатларини қайта кўриш тўғрисида ариза бериш .....	47
<b>II БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ.....</b>	<b>51</b>
2.1. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати .....	52
2.2. Моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар тўлаш тартиби .....	55
2.3. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби	63
2.4. Оғир ижтимоий вазиятта тушиб қолган хотин-қизларга арzon уй-жойлар бериш тартиби.....	82
2.5. Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликлар рўйхати .....	92
2.6. Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш = ҳамда реабилитация қилиш.....	100
2.6.1. Тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг хуқуқий асослари ..	100
2.6.2. Тазийк ва зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя килиш тартиби.....	111
2.6.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари: “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”ни юритиш тартиби.....	113
2.6.3.1. “Темир дафтар”.....	115
2.6.3.2. “Аёллар дафтари” .....	123
2.6.3.3. “Ёшлар дафтари” .....	142
<b>III БОБ. МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ..</b>	<b>163</b>
3.1. Мехнат тўғрисидаги конунчилик ва меҳнатга оид муносабатларда камситиш ва мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши .....	164
3.2. Мехнат муносабати субъекти сифатида ходим, иш берувчи ва вакиллик органлари.....	167
3.3. Аҳолининг айрим тоифалари учун ишга жойлашишдаги қўшимча кафолатлар.....	170
3.4. Мехнат шартномаси .....	174
3.4.1. Мехнат шартномасини тузиш .....	174
3.4.2. Мехнат шартномасини ўзgartириш .....	179
3.4.3. Мехнат шартномасини бекор қилиш.....	181
3.5. Иш вақти ва дам олиш вақти .....	188
3.5.1. Иш вақти тушунчаси, турлари ва муддати .....	188
3.5.2. Дам олиш вақти тушунчаси, турлари ва муддати .....	190
3.5.3. Таътилларни бериш тартиби.....	193

3.6. Мехнатга ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми ва меҳнатни муҳофаза қилиш.....	196
3.6.1. Мехнатга ҳақ тўлаш тизимлари, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари.....	196
3.6.2. Мехнат интизоми ва меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги.....	199
3.6.3. Мехнатни муҳофаза қилиш ва уни таъминлаш усуллари .....	204
3.7. Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва давлат ижтимоий суғуртаси .....	206
3.7.1. Аёлларга ва оиласий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар .....	206
3.7.2. Ёшлар ва ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар учун белгиланган қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар... ..	208
3.7.3. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар ва пенсия таъминоти .....	211
3.8. Мехнат низолари .....	214
3.8.1. Мехнат низолари комиссияси ва унда низоларнинг кўриш тартиби .....	214
3.8.2. Мехнат низоларининг фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилиши .....	215
3.8.3. Тавсия этиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар рўйхати:.....	221
<b>IV БОБ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.....</b>	<b>225</b>
4.1. Никоҳ ва никоҳни тузиш.....	226
4.2. Никоҳ тузишга монелик қиласидиган ҳолатлар .....	228
4.3. Эр-хотиннинг шахсий хуқуқ ва мажбуриятлари .....	228
4.4. Эр ва хотиннинг мулкий хуқуқ ва мажбуриятлари .....	229
4.5. Никоҳнинг тугатилиши.....	235
4.6. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш .....	236
4.7. Қон-кариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш .....	237
4.8. Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.....	241
4.9. Оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари .....	252
4.9.1. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент хуқуки ва мажбуриятлари .....	252
4.9.2. Болаларнинг таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатлар .....	254
4.9.3. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбурияти .....	255

4.9.4. Никоҳдан ажралганидан кейин собиқ эр (хотин)нинг таъминот олиш ҳуқуқи .....	257
4.9.5. Қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари ..	258
4.9.6. Ташкилот маъмуритининг алимент ушлаб қолиш мажбурияти .....	260
4.9.7. Алиментни ўз вактида тўламаганлик учун жавобгарлик.....	260
4.10. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари .....	261
4.10.1. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни аниклаш ва жойлаштириш .....	261
4.10.1.1. Фарзандликка олиш.....	262
4.10.1.2. Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари .....	268
4.10.2. Васийлик ва ҳомийлик .....	271
4.11. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш .....	271
4.12. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштироқидаги оиласвий муносабатларни тартибга солиш .....	272
<b>V БОБ. УЙ-ЖОЙНИНГ БУЗИБ ТАШЛАНИШИ:</b>	
<b>МУЛҚДОР ГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР .....</b>	275
5.1. Мулк ҳуқуқининг моҳияти .....	276
5.2. Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи .....	277
5.3. Ҳусусийлаштирилган ер участкаларини сотиб олишнинг ўзига хос жиҳатлари .....	279
5.4. Ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби.....	282
5.5. Компенсация бериш тартиби.....	287
5.6. Ер участкаси, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектлари учун компенсация миқдорини аниқлаш .....	291
5.7. Маъмурий суд қарори устидан шикоят қилиш тартиби .....	301
5.8. Фуқаролик судларида ҳуқукларни химоя қилишнинг ўзига хос жиҳатлари .....	305
5.9. Фуқаролик ишлари бўйича суд қарори устидан шикоят қилиш тартиби .....	310
<b>VI БОБ. ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ СЎРАГАН ЭДИНГИЗ .....</b>	317

# КИРИШ

Ушбу қўлланма аҳолига ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилди. Унда кундалик турмуш тарзида энг кўп учрайдиган муаммоли масалаларни қонунчилик йўли билан ҳал қилиш механизмлари баён қилинди. Хусусан, фуқаролик судларига мурожаат қилишнинг тартиб-таомиллари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиблари, меҳнат муносабатларига доир бўлган масалалар, оила ҳуқуки бўйича асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар, уй-жойларнинг бузиб ташланиши оқибатида юзага келган муаммоларни барта-раф этиш бўйича қонунчиликдаги тартиблар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг асосий моддалари, бандлари, мазмуни ва моҳияти акс эттирилди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан кўчирмалар ҳам иқтиbos сифатида келтирилган.

Мазкур қўлланмадан юридик маслаҳат бюролари, бўлимларида, шунингдек аҳоли кўпроқ мурожаат қиладиган давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари, адвокатлар, ҳуқуқ фаоллари, илмий изланувчилар ва аҳоли муаммолари билан доимий ишловчи бошқа шахслар хизмат давомида фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, қўлланма ҳуқуқ соҳасида дарс берувчи педагог ходимлар, жамиятда

хуқуқий тарғибот билан шуғулланувчи шахслар, давлат идораларининг масъул ходимлари ва ахолининг кенг қатлами учун ҳам фойдали бўлади.

**Тузувчилар:**

*Шоира Умарова, Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги юридик бўлими бошлифи, юридик фанлар номзоди. Масъул муҳаррир,*

*Гўзал Сайфиеva, “Lochin Himoyasi” адвокатлик фирмаси адвокати,*

*Дилбар Бедилова, “HAQIQAT HIMOYACHILARI HAY’ATI” адвокатлар ҳайъатида адвокат,*

*Элеонора Убайдуллаева, адвокат, юридик фанлари номзоди,*


*Жаҳонгир Сотиболдиев, “ESTE” адвокатлик фирмаси адвокати ва патент вакили.*

I БОБ.

СУДЛАРГА  
МУРОЖААТ ҚИЛИШ

# 1. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАР

## 1.1. Ўзбекистон Республикасида суд тизими



## 1.2. Фуқаролик процессуал қонунчилигининг манбалари

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро шартномалардан иборатdir.

№	Фуқаролик процессуал ҳуқуқини тартибга солувчи қонунлар:	Фуқаролик процессуал ҳуқуқини тартибга солувчи халқаро шартномалар:
1	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	“Фуқаролик процесси масалаларига доир Гаага конвенцияси”, 1954 йил 1 март (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 22 декабрда ратификация қилган);

<b>№</b>	<b>Фуқаролик процессуал хуқуқини тартибга солувчи қонунлар:</b>	<b>Фуқаролик процессуал хуқуқини тартибга солувчи халқаро шартномалар:</b>
2	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодекси (2018 йил 1 апрелидан амалга киритилган)	“Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция”, 2002 йил 7 октябрда Кишинёв шаҳрида имзоланган (Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 26 августда қўшилган);
3	Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июляда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонуни	Фуқаролик ва оиласвий ишлар бўйича ўзаро хуқуқий ёрдам тўғрисида икки томонлама шартномалар

**Фуқаролик ишлари бўйича суд процесси масалалари  
юзасидан қонунчиликни тўғри қўллаш ва татбиқ  
этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий  
суди Пленуми қарорлари қўйидагилардир**

1. Фуқаролик ишларини кассация тартибida кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида (2021 йил 27 ноябрь, 35-сон)
2. Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция тартибida кўриш амалиётини тўғрисида (2021 йил 20 апрел, 14-сон)
3. Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида (2020 йил 19 декабрь, 35-сон)
4. Жисмоний ва юридик шахслар хукуклари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя килиш тўғрисида (2020 йил 3 июль, 11-сон)
5. Республика фуқаролик ишлари бўйича судларига мурожаатларни «E-XSUD» ахборот тизими орқали тақдим қилиш Тартибини тасдиқлаш тўғрисида (2020 йил 30 январь, РС-02-20)
6. Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний қучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида (2019 йил 24 декабрь, 25-сон)
7. Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида (2019 йил 25 октябрь, 19-сон)



8. Фуқаролик ишларини суд мухокамасига тайёрлаш түгрисида (2018 йил 24 август, 26-сон)
9. Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини кўллашнинг айрим масалалари түгрисида (2018 йил 19 май, 14-сон)
10. Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти түгрисида (2017 йил 29 ноябрь, 44-сон)
11. Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёкатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришига оид ишлар бўйича қонунчиликни кўллаш амалиёти түгрисида (2016 йил 29 июль, 11-сон)
12. Шахсни файриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил қасаллигига қарши қураш муассасасининг ихтинослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти хақида (2015 йил 18 сентябрь, 14-сон)
13. Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳакидаги ишлар бўйича қонунчиликни кўллаш амалиёти түгрисида (2013 йил 11 декабрь, 21-сон)
14. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари түгрисида (2012 йил 25 май, 6-сон)
15. Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни қўришда қонунчиликнинг қўлланилиши түгрисида (2011 йил 25 ноябрь, 8-сон)
16. Судлар томонидан мерос ҳукуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши түгрисида (2011 йил 20 июль, 5-сон)
17. Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти түгрисида (2011 йил 20 июль, 6-сон)
18. Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши түгрисида (2010 йил 14 май, 5-сон)
19. Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти түгрисида (2009 йил 24 ноябрь, 14-сон)

20. Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хulosасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида (2008 йил 12 декабрь, 24-сон)
21. Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида (2006 йил 22 декабрь, 17-сон)
22. Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини тъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида (2006 йил 22 декабрь, 13/150-сон)
23. Бўйруқ тартибида иш юритишини тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (2006 йил 3 февраль, 4-сон)
24. Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида (2006 йил 3 февраль, 3-сон)
25. Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳукуки билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида (2004 йил 24 сентябрь, 14-сон)
26. Мехнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг хаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида (2003 йил 19 декабрь, 18-сон)
27. Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида (2001 йил 14 сентябрь, 22-сон)
28. Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги конунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (2000 йил 28 апрель, 7-сон)
29. Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида (1999 йил 24 сентябрь, 16-сон)
30. Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан конунларни қўллаш амалиёти тўғрисида (1998 йил 11 сентябрь, 23-сон)
31. Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишини тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида (1998 йил 17 апрель, 12-сон)

32. Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан бөгликтеп ишлар бүйича суд амалиёти хакида (1997 йил 2 май, 3-сон)
33. Судлар томонидан мүлкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида (1993 йил 16 апрель, 13-сон)
34. Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юргизиш) хакида ги аризаларнинг судлар томонидан кўрилиши тўғрисида (1992 йил 13 ноябрь, 5б-сон)
35. Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидағи хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳакида (1992 йил 13 ноябрь, 5а-сон)
36. Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида (1992 йил 19 июнь, 5-сон)
37. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида (1991 йил 20 декабрь, 5-сон)

Ёдда тутинг! Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқиши натижасида қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериши мақсадида қабул қилинади ҳамда судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

### 1.3. Фуқаролик суд иш юритуви

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддасига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга қўйидаги ишлар тааллуқлиди:

- 1) фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низоларга оид ишлар, агар тарафлардан хеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар бундан мустасно;
- 2) алоҳида тартибда юритиладиган ишлар:
  - юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги;
  - болани фарзандликка олиш (бундан бўён матнда фарзандликка олиш деб юритилади) ҳақидаги;
  - фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги;
  - фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги;
  - шахсни гайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
  - шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига гайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
  - вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисидаги;
  - мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги;
  - тақдим этувчига деб берилган хужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича хукукларни тиклаш (чакириб иш юритиш) тўғрисидаги;
  - йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги.
- 3) буйруқ тартибида ҳал этиладиган ишлар қўйидаги талаблар юзасидан:
  - нотариал тасдиқланган битимга асосланган;
  - ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган;
  - коммунал хизматлар ёки алоқа хизматлари тўлови бўйича қазрдорликни тасдиқловчи хужжатларга асосланган ундириш тўғрисида;

- вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш түғрисидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан бөглиқ бўлмаган;
  - ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақида;
  - фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш түғрисида;
  - ижара шартномасида белгиланган ижара тўловлари муддатида тўланмаганлиги сабабли ушбу тўловларни ундириш түғрисида;
  - кўп квартирали йўнинг жойлари мулқдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловларни ундириш түғрисида;
  - ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган кўчар мол-мулкка қаратиш түғрисида.
- 4) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш түғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варакаси бериш ҳақидаги ишлар;
- 5) чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш түғрисидаги ишлар;
- 6) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш түғрисидаги ишлар.

Судларга қонун билан уларнинг ваколатига киритилган бошқа ишлар ҳам тааллуқлидир.

*Савол: Мен онам вафотидан сўнг мерос гувоҳномасини расмийлаштириши учун нотариал идорага мурожсаат қўлганимда, меросхўрлар ўртасида низо келиб чиққанлиги боис судга мурожсаат қилишим тушунтирилди. Бироқ хорижеда ишлаганим учун узоқ вақт Ўзбекистонда ушланиб қола олмайман. Шу сабабли менинг номимдан судга ариза топшириши ва судда иштирок этиши учун ишончнома билан дўстимга ваколат бериб кетсам бўладими?*

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 67-моддасига асосан фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши бўйича судда иш юритишни шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилга топшириши мумкинлиги назарда тутилган бўлиб, фуқаролар судда ўз ҳуқуқ ва манфаатлари бўйича вакиллик қилишини яқин қариндошлирага ёки адвокатларга ишончнома берииш орқали топширишилари мумкин.

**Савол:** Мен 2012 январь ойидан бўён МЧЖда ишлаб келганман, бироқ 2021 йил 15 октябрь куни иш берувчи ташаббуси билан (Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан) ноқонуний ишдан бўшатилдим, бироқ мени бу ҳақда олдиндан огоҳлантишишмади ва менга ҳеч қандай ҳужжат бершишмади. 2021 йил 10 декабрь ойида туман бандликка қўмаклашии марказига ишкоят билан мурожсаат қилганимда, инспектор МЧЖдан ҳужжатларни талаб қилиб ўрганиб, 17 декабрь куни менга меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақида бўйруқнинг нусхаси ва меҳнат дафтарчамни олиб берди ва бир ой ичидаги судга мурожсаат қилишиим мумкинligини тушунтириди. Бироқ январь ойининг бошларида мен автоҳалокат туғайли судга вақтида мурожсаат қила олмадим. Ўз ҳуқуқимни тиклаш учун қаерга мурожсаат қилсан бўлади?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 270-моддасига асосан ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганилиги ҳақида бўйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддатда судга мурожсаат қилишии мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 159-моддасида эса башарти, суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши кераклиги белгиланган. Шу сабабли, сиз судга мурожсаат қилиши учун белгиланган муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганингизни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда даъво муддатини тиклаш ҳақида иштимосномани даъво аризангиз билан бирга судга тақдим қилишингиз ва суд муддатни тиклаган ҳолда, бузилган ҳуқуқларингизни суд орқали ҳимоя қилишингиз мумкин.

## 2. ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШДА ТЎЛАНАДИГАН ДАВЛАТ БОЖИ

Суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат бўлади.

Фуқаролик процессида давлат божи масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 13-боби ва «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонуни билан тартибга солинади**.

### **2.1. Давлат божи тўланишига оид талаблар**

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божи қўйидагилардан ундирилади:

- 1) даъво аризаларидан;
- 2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хуқукий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалардан (шикоятлардан);
- 3) алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан;
- 4) фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан колдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан;
- 5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиб ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари ни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиб ҳақидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари ни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан;

- 6) чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрого қаратиш хақидаги аризалардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрого қаратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан;
- 7) фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан хужжатларнинг дубликатларини ва қўчирма нусхаларини берганлик учун.

2018 йил 25 январда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилиниб, илгари фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган “давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хукуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари ҳамда хатти-харакатлари устидан берилган ариза-шикоятлар” маъмурий судлар ваколатига ўтказилган.

Бироқ «Давлат божи тўғрисида»ги 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари миқдорлари”нинг 1-банди “б” кичик бандига кўра Фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган аризалар қаторида “Давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хукуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги) устидан берилган ариза (шикоят)лар” ҳам назарда тутилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддасига кўра, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши белгилаб қўйилган.

Демак, маъмурий судга тааллуқли бўлган ишни ўзаро боғлиқ талаблар асосида фуқаролик ишига бирлаштирган ҳолда фуқаро-

лик ишлари бүйича судда кўришга қабул қилинган бўлса, мазкур масала юзасидан суд қарори чиқарилаётганда Давлат божи ставкалари миқдорларида шундай ишлар учун белгиланган давлат божи айбдор тарафдан ундирилади.

## 2.2. Даъвонинг баҳоси

Мулкий хусусиятга эга даъво аризалари бүйича давлат божининг миқдори даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб белгиланади.

Мулкий хусусиятга эга даъво аризалари бүйича давлат божининг миқдори даъвонинг баҳосидан келиб чиқиб белгиланади.



## ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ

### Мүлкій түсінгендер түсдегі дауъ аризаларидан

Дауъ бахсолининг  
4% мичдоридан,  
бирок, бұймандың 1  
баравардан кам  
бұлмаган  
мидорда

**Дауъ аризаси**  
екі бошқа  
аризалар,  
шикояттар  
берилгандан  
тұланағын  
ставканың  
50%

**Изоҳ. Мүлкій низолар бүйіч аризалар**  
міндеттерінде  
«А» киңік бандга мувоффік  
хисоблаб чықарылады

<b>Мүлкій түсінгендер түсдегі дауъ аризалардан</b>	
Дауъ бахсолардың орталығының, шайланып-жүргөнгө, ғалаптың мәнін сенінген шайланып-жүргөнгө, жағдайлардың қарастырылғанда берілген аризалар (шарттылар)	Бұймандың 1 баравар
Мән, киңік тағырынан субъекттердің аяғын оқырғандағы нағызынан жарияланғанда жоғалық түрдегінен есептей көннің бір-жарынан берілгенде үлкендердің ғасырларынан дірірек аударылған векіл тұлайдар.	Мән, киңік түрдегінен есептей көннің бір-жарынан берілгенде үлкендердің ғасырларынан дірірек аударылған векіл тұлайдар.
Пұрақ жоғалық жағдасында дауъ аризаларидан, мөн-мұллин халықаралық чыгарыш түрінде аударылғанда дауъ аризаларидан, дауъ аударылғанда дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 баравар
Апкіншідә күрнелдікten пішінгердің түрлілігінен, дауъ аризаларидан	Бұймандың 3 баравар
Мән, оталынан танынған (белгілі), болынған (екі бүтіндей) түрлілігінен, дауъ аризаларидан	Аннадан түрліліккендегі аризалардың учында дауъ аризаларидан
Карорлар, хаммалар, архимілар, башка суд, ұлкекшілардың тәрбиялары ва ұйқылаударынан шынғылған, тәрбияларынан шынғылған	Хожжатынған қар бір беті учын Бұймандың 2 фокаси
Шынғылған башқа ұйқылаударынан шынғылған, тұлғалардың тәрбияларынан шынғылған	Хожжатынған қар бір беті учын Бұймандың 2 фокаси
Дауъ аризасынан, дауъ аударылғанда дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 баравар
Түрінде аударылғанда дауъ аризаларидан, дауъ аударылғанда дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 баравар
Чем ал судалардың түрлілігінен дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 баравар
Тон онын да иккөншінші дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 баравар
Илті никосын бекор жүлкіни жаңдау дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 баравар
Тағарорий никосын бекор жүлкіни жаңдау дауъ аризаларидан	Бұймандың 4 баравар
Бедарлар жүйелден шынғылғанда дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 фокаси
Аралық түрліліккендегі дауъ аризаларидан	Бұймандың 2 фокаси

## 2.3. Давлат божини тұлашдан озод қилиш

### Қүйидагилар фуқаролик ишлари бүйича судларда давлат божини тұлашдан озод қилинады

даъвогарлар — иш ҳақини ундириш тұғрисидаги даъволар ва меңнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

даъвогарлар — алиментлар ундириш тұғрисидаги даъволар юзасидан;

даъвогарлар — меңнатда майиб бўлғанлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек бокувчиси ва-фот этганлиги туфайли етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тұғрисидаги даъволар юзасидан;

даъвогарлар — қонунга хилоф равища ҳукм этганлик, жиноий жавобгарликка тортганлик, маъмурий жазо берганлик туфайли жисмоний шахсга етказилган заарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

даъвогарлар — жиноят туфайли етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш тұғрисидаги даъволар юзасидан;

даъвогарлар — тазиик ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий заарнинг ўрнини қоплаш тұғрисидаги даъволар юзасидан;

жисмоний шахслар — алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

қонунчилиқда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларниң қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари химоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

\* жисмоний шахслар — давлат ижроқисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан;

\* тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

\* истеъмолчилар — ўз хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан;

\* мулкдорлар — хусусий мулк ҳукуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганини тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

ундирувчи ёки давлат ижрочиси — қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

юридик ва жисмоний шахслар — алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ хужжатларни уларга берганлик учун;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган хукуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

юридик ва жисмоний шахслар — давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан;

тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хукуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

истеъмолчилар — ўз хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари — истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар юзасидан;

даъвогарлар — ўрмон дараҳтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилишининг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

давлат органлари — ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

\*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг худудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан;

нодавлат нотижорат ташкилотлари — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузაётган давлат органларининг ғайрикононний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилгандা;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқа-

риш органларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилгандা;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлиб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари — пенсионерлардан (нафақа олувчилардан) ортиқча (ноқонуний) тўланган пенсияларнинг ва нафақаларнинг суммаларини ундириш билан боғлиқ даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари — кўчиш жойига бормаган ёки кўчиб борган жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган кўчириб келтирилувчиларга нисбатан кўчиши билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган заарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги, шунингдек қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари — сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик туфайли давлатга етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

сұғурта фаолиятini тартибға солиш ва назорат қилиш ор-  
гани — мажбурий сұғурта операциялари билан боғлик ишлар  
юзасидан;

давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона орган-  
лари — барча ишлар ҳамда хужжатлар юзасидан, шунингдек  
алоҳида

юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

ички ишлар органлари — алиментлар ва бошқа тўловларни  
тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш учун қилинган  
харажатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

прокуратура органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний  
шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда  
бериладиган аризалар юзасидан;

адлия органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шах-  
сларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бе-  
риладиган аризалар юзасидан;

ундирувчи ёки давлат ижрочиси — қонунда назарда тутил-  
ган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўй-  
ича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғри-  
сидаги ишлар юзасидан;

Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эга-  
лари кенгаши, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва  
туманлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
кенгашлари — фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эга-  
ларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан,  
шунингдек фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эга-  
ларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини бузაётган давлат  
бошқаруви органларининг, маъмурий-хукуқий фаолиятни амал-  
га оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар  
ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахслари-  
нинг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги) устидан фермер,  
дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини  
кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиб қўмитаси ва унинг худудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишини ташкил этиш маркази ҳамда унинг худудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар ва аризалар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг худудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

\* мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

\* якка тартибдаги қурувчи билан шартномага кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилиши чоғида зиммасига буюртмачи вазифасини бажариш қонунчиликка мувофиқ юклатилган юридик шахс — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш масалалари юзасидан якка тартибдаги уй-жой қурувчилар билан низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича;

\* қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй- жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонунчиликка мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, ўша тижорат банклари — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчи-



ларнинг кредиторлик қарзларини ундириш түғрисидаги даъволовар бўйича;

\* чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги түғрисидаги даъволар юзасидан;

\* тадбиркорлик субъектлари — ҳакамлик судининг ҳал қиув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисида ариза бергандা;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, унинг жойлардаги органлари — ер түғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги билан боғлик даъволар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошкармалари — моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари — қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни бузганлик бўйича давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари — ер түғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлик даъволар бўйича;

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қи-

лиш мақсадида берилгандар даъволар, аризалар ва шикоятлар юза-  
сидан.

\* белгисида күрсатилған шахсларнинг талабларини қаноатлан-  
тиши тұлық ёки қысман рад этилған тақдирда, давлат божи  
шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилған  
миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

## 2.4. Давлат божини қайтариш

Давлат божи қуидаги ҳолларда тұлық ёки қысман қайтарилади:

- 1) давлат божи қонунчиликда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тұланганида;
- 2) суд даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтарғанда ёки қабул қилишни рад этганда;
- 3) апелляция, кассация ва назорат шикояти қайтарылғанда ёки уни қабул қилиш рад этилғанда;
- 4) давлат божи тұланған даъво аризаси (ариза, шикоят) ёки апелля-  
ция, кассация ва назорат шикояти судга келиб тушмаганда;
- 5) агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилғанда;
- 6) ариза кўрмасдан қолдирилғанда, агар у муомалага лаёкатсиз шахс  
томонидан берилган бўлса;
- 7) суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айни бир тарафлар  
үртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар  
бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, ариза кўрмасдан қолди-  
рилғанда;
- 8) агар тарафлар үртасида низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига  
топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилған бўлса, ариза кўр-  
масдан қолдирилғанда;
- 9) агар тарафлар үртасида медиатив келишув тузилған бўлса, ариза  
кўрмасдан қолдирилғанда;
- 10) ишда иштирок этган шахс вафот этганида, агар низоли хукукий  
муносабат хукукий ворисликка йўл қўймаса;
- 11) даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (эътиroz билдириш) тарти-  
бига риоя этмаганда, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низо-



- лар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;
- 12) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганилигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганилиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;
  - 13) агар ишда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган бўлса;
  - 14) суд буйругини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда;
  - 15) Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга хорижга чикиш ҳукуки учун ҳужжат бериш рад этилганда.

*Савол: Мен фуқаролик судига меросхўр сифатида топши ва мерос мулкидаги улушларни белгилаш ҳақида даъво талабларим билан даъво ариза топшириши ва судда мени номимдан вакиллик қилиши учун қўшинимга ишончнома бергандим. Бироқ суд менинг ишончли вакилим менинг яқин қариндошим ёки адвокатим бўлмаганилиги сабабли даъво аризани қайтарибди.*

Энди мен ўзим судга тақрор мурожсаат қўлмоқчиман, лекин биринчи маротаба ариза топширилганда тўланган давлат божини суд инобатга олиши ёки олмаслигини қандай билсан бўлади?

*Жавоб: "Давлат божи ставкалари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига кўра, суд даъво аризасини (аризани, ишикоятни) қайтаргандан ёки қабул қилишини рад этганда давлат божи тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида қайтарилиши назарда тутилган. Агар сиз давлат божини қайтарши ҳақида судга мурожсаат қўлмаган бўлсангиз, яъни сизга мазкур иш бўйича тўланган давлат божи қайтарилмаган бўлса, у ҳолда давлат божини тўлаганилигинизни тасдиқловчи ҳужжатни ҳамда дастлаб тўланган давлат божини ҳисобга олинниши ҳақида аризани тақроран топшираётган даъво аризангизга илова қилишингиз керак.*

Ёдда тутинг! Илгари кўрмасдан қолдирилган ишлар юзасидан такроран берилган аризалар бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлса-ю, лекин қайтарилимаса, агар давлат божи бюджеттга ўтказилган кундан эътиборан белгиланган даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки хужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин.

Ёдда тутинг! Суд буйруги бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилимайди. Даъво ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво ишини юритиш тартибида кўзгатилган тақдирда у тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳисобига ўtkазилади.

## **2.5. Суд харажатларини тўлашни кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва уларнинг миқдорларини камайтириш**

ФПКнинг 133-моддасида суд тарафларнинг мулкий ахволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечикиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириши амалиёти тўғрисида”ги 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли Қарори 11-бандида ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган суд харажатларини кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурбি етмаслиги ҳолатларини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни (масалан, иш ҳаки (даромади), банкда маблағлари мавжудлиги, унинг эгалигига бўлган мулклар ҳақидаги маълумот, вояга етмаган фарзандлари, бошқа бокимандалари борлиги ва х.к. тўғрисидаги маълумотларни) текшириши лозимлиги белгиланган.



### 3. ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Суд иш юритуви жараёнида суд, прокурор, адвокат ёки ҳимо-ячи, тарафлар ва суд процессининг бошқа иштирокчилари турли хил процессуал ҳаракатларни қонунда назарда тутилган маълум бир шаклда амалга оширадилар. Яъни, суд иш юритуви иштирокчиларининг процессуал фаолияти процессуал ҳужжатларда акс этади ва мустахкамланади.

Бундан ташқари, суд процессида иштирокчилар ўртасидаги мулоқот айнан процессуал ҳужжатлар орқали таъминланади. Бошқача қилиб айтганда, суд процессида тарафлар ва субъектлар низо ёки кўрилаётган ҳуқуқий масалага нисбатан ўз муносабатларини процессуал ҳужжатлар орқали билдирадилар.

Процессуал ҳужжат ҳужжатнинг алоҳида тури ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқий қонунчиликда “процессуал ҳужжат” тушун-часига умумий таъриф берилмаган.

Шундай қилиб, процессуал ҳужжат – бу фуқаролик ишига биректирилган (кўшиб қўйилган), исботлаш хусусиятига эга бўлган ҳамда ўзида маълум бир ахборотни мужассам қилган ҳар қандай ҳужжатдир.

#### 3.1. Процессуал ҳужжатларнинг бошқа юридик ҳужжатлардан фарқлари

Барча юридик ҳужжатларни уларнинг қандай ақсадга йўналтирилганидан келиб куйидаги уч гурухга таснифлаш мумкин:

1. Тахлилий (аналитик) юридик ҳужжатлар. Тахлилий ҳужжатнинг асосий хусусияти – ҳуқуқий вазият (холат) ёки муаммони нейтрал таҳлил қилишдир. Бундай юридик ҳужжатлар қаторига мижозларга хат, меморандум, юридик хulosалар, юридик журнallардаги мақолалар, монографик асарларни киритиш мумкин.
2. Аргументатив (аргументацион) юридик ҳужжатлар. Аргументатив ҳужжатларда маълум бир позиция ҳимоя қилинади, тарафлар-

дан бирининг манфаатлари ҳимоя қилинади. Мазкур ҳужжатларда у юборилаётган томонни биз ҳақ эканимизга, матн муаллифининг ёки матн муаллифи вакиллик қилаётган шахснинг фикри, позицияси тўғри эканига ишонтиришимиз мухимдир. Бундай юридик хатнинг асосий таркиби – у ёки бу масала юзасидан келтириладиган аргументдир. Аргументатив ҳужжатларнинг аксарияти процессуал ҳужжатлардир.

*Юридик ҳужжатлар, аксарият ҳолларда, ҳам таҳлилий ҳам аргументатив бўлиши мумкин. Масалан, процессуал ҳужжатнинг ҳуқуқий муаммо таҳлилини ўз ичига олган қисмини таҳлилий деб, юридик холосанинг у ёки бу позицияни қўллаб аргументация келтирган, муаммога маълум бир нуқтаи назарда ёндашган қисмини аргументатив деб баҳолашимиз мумкин.*

3. Тартибга солувчи (регулятив) ҳужжатлар. Тартибга солувчи ҳужжатлар – ҳукукни ўрнатувчи, белгиловчи ёки тартибга солувчи ҳужжатлардир. Масалан, юридик шахснинг устави ёки низоми, шартномалар ва норматив-хукукий ҳужжатлар. Мазкур ҳужжатларнинг мақсади мавжуд ёки вужудга келаётган ҳукукий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

*Демак, процессуал ҳужжатлар боиша юридик ҳужжатлардан ўзининг олдига қўйган мақсади билан фарқ қилиб, асосан судга бирон-бир талаб ёки илтимос юзасидан тақдим этилиши ва аргументатив характерга эга эканилиги билан ажратлиб туради.*

### **3.2. Процессуал ҳужжатларни тузишнинг умумий қоидалари**

Ҳар қандай юридик ҳужжат куйидаги талабларга риоя қилган ҳолда тузилиши керак:

#### **Қонунийлик**

Юридик ҳужжат билан ишлаш жараёнида амалдаги қонунларни такрор ўрганиш, зарур ҳолларда қонунларга ҳаволалар қилиш, ҳатто қонун нормаларидан иқтиbos келтириш мухимдир.



## Асослантириш

Юридик хужжатни тузишда унда келтирилаётган важларни асослантириш мухимдир. Зеро, асослантирилмаган талаб ёки фикрга ҳеч ким ишонмайди, бундай талаб ёки фикр қаноатлантирилмайди ва қўллаб-куватланмайди.

## Мантикийлик

Мантикий фикрлашнинг асосий тўртта хусусияти мавжуд. Улар – аниқлик, зиддиятсизлик, изчиллик ва асослантирилганликдир.

## Қисқалик

Ҳуқуқий матнларда кераксиз, маълумот (ахборот)ни ўзида мужассам этмаган сўзлар ва иборалардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Матн қанчалик ихчам бўлса, шунчалик дикқат билан ўқинади ва унда ёзилганлар тўғри қабул қилинади.

Кўйидагилар матнда қисқаликка эришишда ёрдам беради:

- ортиқча сўзлардан қочиш;
- айрим ибораларнинг асоссиз тақрорланишини қисқартириш (қавс ичida қисқа умумлаштирувчи формулави бериб, кейинги матнда шу формуладан фойдаланиш);
- матнни қисқароқ шакллантириш.

## Мазмун-моҳият

Процессуал хужжатларда фақат ҳуқуқий позиция учун керакли бўлган мулоҳазалар киритилиши керак. Ҳужжатни иккиламчи далиллар билан тўлдириб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди, негаки улар позицияни кучайтириш ўрнига, заифлаштириб қўяди.

## Корректлик (тўғри муносабат)

Юридик хужжатларда қарши тараф ёки бирон-бир шахсга нисбатан ҳиссий салбий муносабатни изоҳлаш ёки камситувчи, ҳақоратловчи, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини пасайтирувчи сўз ва иборалардан фойдаланиш мумкин эмас. Юридик хужжат тўғри ва мулойим руҳда тузилиши керак.

## Услуб

Хуқуқий хужжатлар, айниқса процессуал хужжатлар қатъий ва расмий услугуда ёзилиши керак. Мураккаб хуқуқий масалаларни ўз ичига олган бўлса ҳам, матнни осон ўқилишини таъминлашга интилиш керак.

Хуқуқий хужжат расмий иш, тинч (хотиржам) ва ҳиссий бўлмаган оҳангда ёзилиши керак. Хуқуқий матнни тузишда дарак бериш услуби қўулланилади, сўрок ва ундов гаплари бу ерда ноўрин.

## 4. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

### 4.1. Даъво аризаси

Фуқаролик судларида ишларнинг асосий қисми даъво ишларини юритиш тартибида қўрилади.

Даъво – даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўзининг бузилган хукуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш мақсадида суд тартибида ҳимоя қилиш учун биринчи инстанция судига қилган мурожаати ҳисобланади.

Даъво даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси ҳисобланиб, у ўз навбатида, судда даъво тартибида иш юритишни бошлаб беради ва шу орқали низонинг судда қўрилишини таъминлайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 189-моддасида даъво аризаси мазмунига қўйиладиган талаблар келтирилган. Яъни, даъво аризаси қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилётган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари, шунингдек, агар ариза вакил томо-

- нидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили;
- 3) жавобгарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари;
  - 4) даъвогарнинг талаби;
  - 5) агар даъво баҳоланиши керак бўлса, даъвонинг баҳоси;
  - 6) даъвогар ўз талабига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва даъвогар томонидан баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;
  - 7) жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, башарти бу қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
  - 8) аризага илова қилинаётган хужжатларнинг рўйхати.

Юкорида келтирилган талаблар процессуал қонунчилик билан белгиланган расмий талаблардир. Бундан ташқари, қонунчиликда назарда тутилмаган, бироқ касбий одат тусига кирган баъзи ноформал қоидалар ҳам мавжуд бўлиб, уларга риоя этиш орқали судга тақдим этиладиган даъво аризаларининг суд тўғри ва қонуний қарор қабул қилиши учун ишончли ва етарли хужжат бўлишини таъминлашга эришилади.

Судга бериладиган ҳар қандай ариза матнида 5 муҳим жиҳат кўрсатилган бўлиши керак:

1. “Иш ҳолатлари” — ҳуқуқ бузилганлигини тасдиқловчи фактларнинг тавсифи, яъни судга ҳимоя қилишини сўраб тақдим этилаётган мурожаат нима билан асослантирилаётганлиги.
2. “Далиллар” — ариза муаллифининг ҳақлигини тасдиқловчи хужжатлар, гувоҳлик кўрсатмалари, ашёвий далиллар, видео ва аудио ёзувлар ва бошқаларга ҳаволалар.
3. “«Қонунийлик»” — судга мурожаат қилиш ва суд қарорига асосан мажбурий бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи борлигини тасдиқловчи қонун нормаларига ҳаволалар.
4. “Талаблар” — суддан айнан нима сўралаётгани (пул ундириш, маълум ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликка мажбурлаш ва ҳ.з.).
5. “Иловалар” — аризага илова қилинадиган хужжатлар рўйхати.

## 4.2. Алоҳида тартибда иш юритишнинг айрим масалалари

**Алоҳида тартибда иш юритиш бу** – фуқаролик суд ишларини юритишнинг бир тури сифатида хуқук тўғрисида низо бўлмаган ва манфаатдор шахсларнинг аризаси бўйича иш юритишидир.

Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқила-  
диган ишлар жумласига қўйидагилар киради:

- 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги;
- 2) болани фарзандликка олиш (бундан буён матнда фарзандликка олиш деб юритилади) ҳақидаги;
- 3) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги;
- 4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги;
- 5) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқи-  
зиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
- 6) шахсни сил касаллигига қарши қураш муассасасининг ихтисо-  
слаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғри-  
сидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги;
- 7) вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисидаги;
- 8) мол-мulkни (ашёни) эгасиз деб топиш ҳақидаги;
- 9) тақдим этувчига, деб берилган хужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича хуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш) тўғрисидаги;
- 10) йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги.

## Алоҳида тартибда юритиладиган ишларнинг даъво тартибida юритиладиган ишлардан фарқлари

Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар	Даъво тартибida кўриладиган ишлар
Низосиз хукукий муносабатлар юзасидан	Низоли хукукий муносабат юзасидан
Фақат судга тааллукли бўлади	Судга ёки тегишли давлат органла- ри ёки бошқа ваколатли ташкилот- ларга тааллукли бўлади (масалан, алимент ундириш тўғрисидаги ишларда агар тарафлар ўргасида келишув мавжуд бўлса ногариал идорага мурожаат қиласди)
Ариза асосан аризачи яшаб турган жойда судга берилади	Ариза одатда жавобгар яшаб турган (жойлашган) жойдаги судга берилади
Ҳал қилув қарорининг устидан ши- коят бериш асослари ва тартиби (ёки ҳал қилув қарорларини бекор қилиш асослари ва тартиби) ҳолатга кўра белгиланади (масалан, ФПКнинг 309-моддаси)	Ҳал қилув қарори юқори судлар томонидан апелляция ва кассация тартибida бекор қилинади (сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори мустасно).

### 4.3. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш

Суд юридик фактни аниқлаш ҳақидаги аризани қуйидаги **4 та  
шарт** мавжуд бўлсагина, кўриб чиқиш учун қабул қиласди:

- 1) конунга кўра бундай факт аризачи учун маълум юридик оқибатлар  
келтириб чиқарса (фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки  
мулкий хукуқларини вужудга келтирса, ўзгартирса ёки тугатса);
- 2) факт судга тааллукли хукуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш билан  
боглиқ бўлмаса;
- 3) аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактни хужжат билан тас-  
диқлашнинг бошқа имкониятига эга бўлмаса;

4) қонунчиликда уларни белгилашнинг ўзгача тартиби назарда ту-  
тилган бўлмаса.

Суд Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича юридик аҳамиятга эга бўлмаган фактни бошқа мамлакатнинг қонунчилиги бўйича ушбу факт хукукий оқибатларни келтириб чиқарса ва бу борада ўзаро хукукий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро битим мавжуд бўлса, аниқлашга ҳақли.

#### **4.4. Юридик фактни белгилаш бўйича ариза бериш**

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича ариза аризачи яшаб турган жойдаги судга берилади.

Аризада муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек аризачининг тегишли хужжатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган хужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

Ёдда тутинг! Қариндошлик муносабатлари деганда бир-бираidan келиб чиққан одамлар ўртасида мавжуд бўлган қон-қариндошликка боғлиқлик (кatta бобо, бобо, ота, ўғил, невара, чевара, катта буви ва бошқалар) ёки битта умумий аждоддан келиб чиққанлар (акалар-укалар, опа-сингиллар, тоға, амаки, амма, хола, жиянлар ва бошқалар) назарда тутилади.

Қон-қариндошликнинг йўқлиги қариндошликнинг йўқлигидан далолат беради.

Ёдда тутинг! Фарзандликка олиш билан фарзандликка олишни қайд этилганлик факти ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, биринчиси алоҳида тартибда юритиладиган ишларнинг тури сифатида, иккинчиси эса юридик факт сифатида ФХДЁ органларида қайд этилганлиги фактини аниқлаш мақсадида кўрилади. Фарзандликка олиш қайд этилган факти агар ФХДЁ органида тегишли ёзувлар архив хужжатлари йўқолганлиги сабабли сақланмаган ва бундай ёзувларни тиклаш ФХДЁ органлари томонидан рад килинган бўлса, суд томонидан аниқланади.

## 4.5. Фарзандликка олиш

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шахар) судига берилади.

### **Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризада қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:**

- фарзандликка оловчилар (оловчи)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;
- фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси, яшаш (турган) жойи, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси тўғрисидаги, aka-ука ва опа-сингиллари борлиги ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлар;
- фарзандликка оловчилар (оловчи)нинг фарзандликка олиш тўғрисидаги илтимосини асословчи ҳолатлар ва мазкур ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;
- фарзандликка оловчилар (оловчи) боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритишни истаган тақдирда — фарзандликка олинаётган боланинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган санасини (кўпи билан бир йилга), фарзандликка олинаётган боланинг туғилган жойини (агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса) ўзгартириш ҳақидаги, боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига фарзандликка оловчиларни (оловчини) ота-она (ота ёки она) сифатида қайд этиш ҳақидаги илтимос.

### **Аризага қўйидагилар илова қилинади:**

- никоҳда турган шахслар (шахс) томонидан фарзандликка олинганда — фарзандликка оловчиларнинг (оловчининг) никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг кўчирма нусхаси;
- эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинганда — бошқасининг розилиги. Агар эр-хотин оиласвий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек

- бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди;
- никоҳда турмаган шахс томонидан фарзандликка олинганда — фарзандликка олувчи паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг кўчирма нусхаси ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;
  - фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) соғлиги ҳолати тўғрисидаги тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасаларидан, шунингдек ОИТСга қарши кураш марказидан маълумотномалар);
  - фуқаро фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, бундан ҳоллар мустасно;
  - фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ёки бошқа даромад манбалари ҳақидаги маълумотнома;
  - турар жойга бўлган мулк ҳукукини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳукукини тасдиқловчи ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истовчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судларига беради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига юкорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуидагилар илова қилинади:

- фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг розилиги;
- фарзандликка олинаётган бола қонуний вакилининг ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги;



- фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;
- фарзандликка олинаётган боланинг соғлиги ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;
- ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олинишига, шунингдек фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, бундан бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланётган ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этган ҳолат мустасно.

## 5. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ТАРТИБИ

### 5.1. Апелляция инстанцияси судига мурожаат қилиш

Фуқаролик ишларини апелляция тартибида судда кўриш – биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари (ажримлари) устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш орқали биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тузатиш ҳамда ҳал қилув қарор (ажрим)ни қонуний, асосли ва адолатли эканини текшириш тизимиdir.

**Ёдда тутинг!** Апелляция шикояти бериш учун белгиланган муддат ўтказиб юборилганда, апелляция шикоятига қўшиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақида илтимоснома ҳамда зарур ҳолларда ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида (ФПК 155-модда 4-қисм) ариза ҳам топширилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 383-моддасига мувофиқ апелляция шикояти келтириш ҳуқукига эга бўлган шахслар:

Даъво тартибida юритиладиган ишлар бўйича	Алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича	Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича
Даъвогар (унинг вакили ва ворислари)	Аризачи (унинг вакили)	Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари (уларнинг вакиллари)
Жавобгар (унинг вакили ва ворислари) Учинчи шахс (унинг вакили ва ворислари) Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахс (унинг вакили ва ворислари)	Манфаатдор шахс (унинг вакили)	

Ёдда тулинг! Қонунда белгиланган муддатда ва тартибда берилган апелляция шикояти биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний кучга киришини тўхтатади. Агар апелляция инстанцияси ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилинmasa, апелляция ажрими чиқарилган куни биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга киритилади ва ижро га қаратилади.

## 5.2. Апелляция тартибida шикоят берилмайдиган суд хужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 400-моддасига кўра биринчи инстанция судининг ажримлари устидан, агар бу қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса ёки суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик



қылган ҳолларда суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин.

“Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида”ги Олий суд Пленумининг 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли Қарори 16-бандида тушунтириш берилишича, биринчи инстанция судининг қуидаги ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилинмайди:

- аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида;
- ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида;
- ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисида;
- бир неча ишларни бирлаштириш ва бир неча талабларни ажратиш тўғрисида;
- ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида;
- далилларни таъминлаш тўғрисида;
- суд топшириги тўғрисида;
- жавобгарни (қарздорни) қидириш тўғрисида;
- ишга даҳлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш тўғрисида;
- ҳуқуқий ворислар, учинчи шахслар ва вакилларнинг процессга кириши тўғрисида;
- рад қилишни қабул қилиш ёки рад қилиш тўғрисида;
- ишни мазмунан кўришни тиклаш тўғрисида;
- ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш тўғрисида;
- сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги ёхуд сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисида;
- ашёвий далилларни сақлаш ва уларни қайтариш тўғрисида;
- жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш тўғрисида.



### 5.3. Апелляция шикояти мазмунига қўйиладиган талаблар

Апелляция шикоятида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) шикоят берилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят берәётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- 3) ишнинг рақами, шикоят қилинаётган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор қабул қилинган сана ва уларни (ушбу суд құжжатларини) чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг, ажримнинг, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) шикоят берәётган шахснинг илтимоси;
- 6) шикоятга (протестга) илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Апелляция шикоятини шикоят берәётган шахс ёки унинг вакили имзолайди.



Апелляция шикоятига қўйидагилар илова қилинади:

- давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи хужжатлар;
- апелляция шикояти вакил томонидан имзоланган тақдирда — уни имзолашга вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжат.

Суднинг аризани қайтариш ҳақидаги ёки аризани қабул қилиши ни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан апелляция шикоятига (протестига) қайтарилган ариза ва унга қўшиб берилган хужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Апелляция шикоятининг мазмуни ҳамда унга илова қилиниши керак бўлган хужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайдиган шикоят судъянинг ажрими билан ҳаракатсиз қолдирилиб, камчиликларини бартараф этиш учун муддат берилади. Ажримда кўрсатилган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилса, шикоят дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган хисобланади, акс холда, шикоят берилмаган хисобланиб, судъянинг ажрими билан қайтарилади.

## 5.4. Кассация инстанцияси судига мурожаат қилиш

Кассация институтининг мақсади – биринчи ва апелляция инстанцияси судлари хужжатларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш, унда йўл қўйилган моддий ва процессуал қонун бузилишларни қонунда белгиланган муддатларда ваколатли шахслар томонидан берилган шикоят ёки протест юзасидан қайта кўриш орқали қонуний қарор қабул қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 403-моддасига мувофиқ, биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуки қўйидагиларга тегишли:

- даъвогар, аризачи, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакиллари;
- тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқукий ворисларига;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно;
- бошқа шахсларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларининг ҳимоясида ариза берган давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва алоҳида фуқароларга (ФПК 53-моддасининг биринчи қисми);
- ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахсга.

**Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан берилган кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.**

Кассация шикояти бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Кассация шикояти (протести) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб қўчирма нусхалари билан бирга судга тақдим этилади, бундан электрон ҳужжат тарзида юбориладиган кассация шикояти (протести) мустасно.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда ёки ходим бир ишдан бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганида уни илгариги ишига тиклаш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти ушбу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинган тақдирдагина қабул қилинади.

## **5.5. Кассация шикояти мазмунига қўйиладиган талаблар**

Кассация шикоятида (протестида) қўйидагилар қўрсатилган бўлиши керак:

- 1) шикоят йўланаётган кассация инстанцияси судининг номи;
- 2) шикоят бераётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- 3) ишнинг раками, шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор қабул қилинган сана ва ушбу суд хужжатини чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг, ажримнинг, қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимоси;
- 6) шикоятга (протестга) илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Кассация шикояти (протести)да қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

## **5.6. Қонуний кучга кирган суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қўриш**

Қонуний кучга кирган суд хужжатлари (ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар)ни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қўриш – муайян иш бўйича қарор қабул қилишда маълум бўлмаган ва эътиборга олинмаган, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг очилиши муносабати билан ишни қайтадан қўришдир.

### **Янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта қўришининг асослари:**

- аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар, агар улар ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлса;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган, қонунга хилоф, асосиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлғон хulosаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки хужжатлар ёки ашёвий дайллар;

- тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг мазкур иш бўйича қонунга хилоф, асослантирилмаган ёхуд адолатсиз суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиной қилмишлари;
- суд ҳал қилув қарорининг, ҳукмининг, ажримининг ёки қарорининг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа орган қарорининг бекор қилиниши.

### **Янги очилган ҳолатлар бўйича ишни судда кўриш тартиби**

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори янги очилган ҳолатлар бўйича ушбу ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан янгидан кўрилади.

Апелляция ёки кассация инстанцияси судларининг қайси ажримлари ва қарорлари бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёхуд янги ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, ўша қарорлар ва ажримларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш суд ҳужжатини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори қабул қилган суд томонидан амалга оширилади.

## **5.7. Суд ҳужжатларини қайта кўриш тўғрисида ариза бериш**

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақида шу ҳал қилув қарорини, ажримни ёхуд қарорни чиқарган судга иштирок этувчи шахслар томонидан **ариза** берилади. Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичida берishi мумкин.

Ариза билан мурожаат этган шахснинг илтимосномасига кўра, ўтказиб юборилган аризани бериш муддати, агар илтимоснома қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва суд муддат-



ни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топса, суд томонидан тикланиши мумкин.

<b>Ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари</b>	<b>Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза бериш муддати</b>
<p>аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (агар улар ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлса)</p>	<p>иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан 3 ой ичида</p>
<p>суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган, қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлғон хулосаси, атайнин нотўғри қилинган таржима, қалбаки хужжатлар ёки ашёвий далиллар</p>	<p>суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан 3 ой ичида</p>
<p>тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг мазкур иш бўйича қонунга хилоф, асослантирилмаган ёхуд адолатсиз суд хужжати қабул қилинишига сабаб бўлган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари</p>	<p>қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажримга ёки қарорга асос бўлган ҳукмга, ҳал қилув қарорига, ажримга ёхуд қарорга мазмунан қарама-карши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан ёхуд бошқа органнинг ана шундай қарори чиқарилган кундан эътиборан 3 ой ичида</p>
<p>суд ҳал қилув қарорининг, ҳукмининг, ажримининг ёки қарорининг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа орган қарорининг бекор қилиниши</p>	

**Аризада қўйидагилар кўрсатилиши керак:**

- ариза берилаётган суднинг номи;
- ишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (номи), уларнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва почта манзили;
- аризачи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни талаб қилаётган суд хужжатини қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, суд хужжати қабул қилинган сана;
- аризачининг фикрига кўра, суд хужжатини қайта кўриш учун асос бўлаётган янги очилган ҳолатлар, уларни тасдиқловчи хужжатлар;
- ариза бераётган шахснинг талаби;
- илова қилинаётган хужжатларнинг рўйхати.

**Аризага қўйидагилар илова қилиниши керак:**

- янги очилган ҳолатларни тасдиқловчи хужжатларнинг кўчирма нусхалари;
- ариза вакил томонидан имзоланган тақдирда, вакилнинг уни имзолашга бўлган ваколатларини тасдиқловчи хужжат.



ШБОБ.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ  
ВА ТАРТИБИ

## 2.1. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати

Ўзбекистонда ижтимоий соҳада илмий изланишлар олиб борувчи тадқиқотчи олимларнинг фикрича “ижтимоий ҳимоя” тушунчаси асосан XX аср бошларида муомалага кириб келган. Ўзбек халқи тарихида минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида жуда улкан тажриба тўплланган. Аммо бу тарихий тажрибанинг қўп жиҳатлари ҳанузгача етарли даражада ўрганилмаган. Хатто бу борада илмий адабиётларда ҳам манбалар кам учрайди. Ушбу буюк меъросни изчил тадқиқ этиш, шу жумладан ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳозирги илм-фен ютуқлари асосида чуқурроқ ўрганиб, илмий асосланган фундаментал таклифларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш зарур. Зеро қадимдан ҳалқимизда жамоа бўлиб яшаш, маҳалла, қишлоқ, овул, қариндош-уруглар ўртасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, муҳтоjlарга қўмаклашиш, яхши ва ёмон кунларда бирга бўлиш миллий қадриятга айланган ва асрлар оша ушбу тамойиллар ижтимоий муносабатларнинг туб асосини ташкил қилиб келган.

Ривожланган демократик жамиятда ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаришни давлат ўз зиммасига олади. “Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг “Ижтимоий ҳавфсизлик бўйича қонун”ида қайд этилган, кейинчалик Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида бу тушунча мукаммаллаштирилган. АҚШ, Канада, Швейцария каби мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг кўпгина муаммолари ҳал этилган, лекин ечимини то-пмаган масалалар ҳануз мавжуд. Шунга қарамай, бу мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизими ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, демократик қадриятлар юксалганилиги ва унинг ҳалқ манфаатларига мувофиқлиги, ижтимоий сиёсат даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади.

Ижтимоий ҳимоя — мамлакат аҳолисининг ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбир-

лар мажмуидир. У давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий ахволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқаролари тўғрисидаги ғамхўрлигидир. Унинг асосий мақсади фуқаролар фаровонлигининг изчил яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, қасб малакаси, даромадлари жиҳатидан бошқа қатламларига нисбатан кескин тафовутларига барҳам бериш, инсонга муносаб ҳаёт даражасини таъминлаб беришдан иборат.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари: эркин ижтимоий иқтисодий фаолият кўрсатишни таъминлаш; иш билан бандлик, қасб танлаш, ўқиш ва билим олиш; даромадларнинг кафолатланиши; ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга зга бўлиши; истеъмолчилар ҳимояси, товарлар ва хизматлар сифати, истеъмол кафолатини таъминлаш; аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш; ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қатламига пенсиялар, нафақалар тўлаш ва бошқа имтиёзлар беришдан иборат.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шаклана бошлади. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида амалдаги ислоҳотларга мос равища янгидан шаклланмоқда. Айниқса, миллийлик, ўзликни англаш, эътиқод ва анъаналарнинг тикланиши каби омиллар ижтимоий ҳимоя тизимини янада ривожлантириди.

Бугунги кунга келиб, янги Ўзбекистон шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислоҳотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб кўйилган. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг тараққиёт тамойилларидан бири ҳисобланади. Республикада ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асоси ва муҳити яратилди, қонунчиликда мустаҳкамлаб кўйилди. Мамлакатда даромад олишнинг кафолатланиши амалга оширилди. Кенг миқёсда янги иш жойлари яратилиши аҳолини

иши билан таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мухим аҳамият касб этмоқда. Инфляциянинг олдини олиш, сўмнинг харид кучини таъминлаш, бизнес-тижорат устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, маркетинг, савдо, реклама билан боғлиқ фаолиятни тартибига солиши ижтимоий ҳимояни янада ривожлантирумокда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг ҳуқукий асослари такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Фуқаролар соглигини саклаш тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қўплаб қонунларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг асосий принциплари белгилаб қўйилган.

Мехнат муносабатларига оид «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонун амалдаги 3 та қонун, Президентнинг 12 та фармон ва қарорларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибига солиши, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга доир қабул қилган 40 дан зиёд норматив ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқукий нормаларни, тизимдаги сўнгги ислоҳотларни, янги молиявий механизmlарни ўзида жамлаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни кўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка мухтоҷ оиласаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтоҷ оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Кўлланманинг кейинги бобларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган норматив ҳуқуқий хужжатлар мазмун-моҳияти баён қилиб ўтилади.

## **2.2. Моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар тўлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикасида аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августда «Кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбагаллик билан курашиш қўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу хужжатда 14 ёшгача болалари бўлган оиласарга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оиласарга болалар нафақаси жорий этилди. Бунда болалар нафақасини тайинлашда инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тўлов муддати 12 ойгача оширилди, унинг микдори оиласидаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам беришнинг замонавий усуllibарига ўтиш, уларнинг микдорини ошириш, оиласининг кам таъминланганлик даражасини аниқлашнинг информацион технологиялар орқали амалга ошириш усуllibаридан фойдаланиш тартиби белгилаб кўйилди.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» кам таъминланган деб эътироф этилган оиласар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар манбаатдор вазирликва идораларга «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этиладиган бўлди.

Юқоридаги Президент фармонининг ижросини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарорида аниқ белгилаб кўйилди. Унга кўра, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача бола-

лари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни автоматик тарзда, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги тартибига асосан нафақа микдори ошиши назарда тутилган фуқаролардан қўшимча ариза ва хужжатлар талаб этмаган ҳолда, кам таъминланган оилаларга болалар нафақасига ўтказиш тартиби белгиланди.

Бунда, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам микдорлари оиласдаги 18 ёшгача бўлган болалар сонини инобатга олган ва амалдаги тўлов муддатларидан келиб чиқсан ҳолда қайта ҳисобланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 марта-ги 122-сон қарори 2-иловасида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимидағи идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар белгиланган бўлиб, унда вазирлик ва идоралар томонидан қуидидаги маълумотлар киритиб борилади:

#### 1. Молия вазирлиги томонидан:

- маҳаллий бюджетда ва бошқа манбаларда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам харажатлари учун назарда тутилган маблағларнинг режаси тўғрисида маълумот;
- давлат олий таълим ташкилотларида талабаларга тўланган стипендиялар;
- қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар, дивиденdlар олингандлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан чиқсан шахсларни ижтимоий мослаштириш учун бериладиган бир марталик нафақалар;
- кам таъминланган оила ёки оила аъзоси сифатида рўйхатга олингандлиги тўғрисидаги маълумотлар.

#### 2. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан:

- меҳнат органларига мурожаат қилувчилар (ишсиз, иш изловчи, ишсизлик нафақаси ва бошқалар) тўғрисида маълумот;

- жамоат ишларида қатнашганлар ва уларга тўланган ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумот;
- фуқароларга вазирлик тизимидағи жамғармалар томонидан берилган субсидиялар тўғрисидаги маълумот;
- ташкиллаштирилган ҳолда чет элга вақтинча ишга юборилганик тўғрисидаги маълумотлар.

**3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан:**

- бепул тиббий хизматлар олиш учун берилган ордерлар.

**4. Ички ишлар вазирлиги томонидан:**

- жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган ёки бош ишончнома асосида фойдаланилаётган автотранспорт воситаси (ишлаб чиқарилган сана, тури, маркаси, техник ҳолати ва бошқалар) тўғрисида маълумот;
- жазони ижро этиш муассасаларида бўлган шахслар тўғрисида маълумот;
- фуқароларга берилган паспортлар тўғрисида маълумот;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилган яшаш гувохномалари бўйича маълумот.

**5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан:**

- ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхати, шу жумладан, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганилиги тўғрисида маълумот.

**6. Мактабгача таълим вазирлиги томонидан:**

- мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар тўғрисидаги маълумот;
- васийликка ва ҳомийликка олинган болалар тўғрисидаги маълумот;
- кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига кўрсатилган ижтиёмий хизматлар (бепул қишикийим-бош, дарсликлар тўплами, ота-оналар тўловида имтиёзлар ва бошқалар) тўғрисида маълумот;



- меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар тўғрисидаги маълумот;
- кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига кўрсатилган ижтимоий хизматлар (ота-оналар тўлови бўйича имтиёзлар ва бошқалар) тўғрисида маълумот.

**7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан:**

- талаба (tinglovchi)лар (таълим ташкилоти, ўқиш шакли, ўқиш тури, таълим курси, йўналиши ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар.

**8. Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги томонидан:**

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (ID-ракамлари, номланиши, чегаралари, кўчалари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар.

**9. Транспорт вазирлиги томонидан:**

- фуқароларнинг айрим тоифаларига транспорт (шахар, ҳаво, тенмир йўл)да имтиёзли юриш бўйича берилган имтиёзлар тўғрисида маълумот;
- йўловчи ташиш хизмати билан шугулланадиган юридик шахслар томонидан лицензиялар берилган автотранспорт воситалари ва уларнинг эгалари тўғрисида маълумот.

**10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан:**

- уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга берилган субсидиялар тўғрисидаги маълумот.

**11. Давлат солиқ кўмитаси томонидан:**

- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкий даромадлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари билан белгиланган даромадлар;
- жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги мақоми ва тўланган қатъий солиқ суммаси;
- ўзини ўзи банд қилган шахслар ва тўланган ижтимоий солиқ тўғрисида маълумот;
- корхоналарнинг таъсисчилари ва таъсис этилган корхонанинг устав фондидаги улуши тўғрисидаги маълумот.

12. Кадастр агентлиги томонидан:

- кўчмас мулк обьекти тўғрисида маълумот;
- турар жойнинг яшаш майдони ҳамда томорқа ер ва/ёки дехқон хўжаликларининг майдони.

13. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан:

- пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилик ва уларга тўланган пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловлар микдорлари тўғрисида маълумот;
- ўзгалар парваришига муҳтож 80 ёшга тўлган кексаларни ёки I гурух ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилаётганлар шахслар тўғрисида маълумот.

14. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан:

- оила аъзоларининг фуқаролик ҳолати тўғрисида маълумот;
- оила таркиби бўйича маълумотлар;
- қайд этилган фуқаролик ҳолатлари (туғилганлик, никоҳ қайд этилганлиги, вафот этганлик ва бошқалар) тўғрисидаги шу жумладан, чет элда қайд этилган ҳолатлар бўйича маълумотлар.

15. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан:

- ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида маълумот;
- якка-ёлғиз шахсларга ажратилган бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари тўғрисида маълумот;
- болалар уйи, “Мурувват” ва “Саҳоват” интернат уйларида тарбияланастган/яшаётган шахслар тўғрисида маълумот.

16. Марказий банк томонидан:

- жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобваракларидаги маблағлар тўғрисида маълумот;
- олингандар пул ўтказмалари тўғрисида маълумот;
- “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида кредит олган жисмоний шахслар тўғрисида маълумот.

17. Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан:



- жисмоний шахслар томонидан тўланган ва олинган алиментлар тўғрисида маълумот;
18. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази томонидан:
- ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига биритирилган ЖШ-ШИРлар тўғрисида маълумот.
19. АТ «Халқ банки» томонидан:
- тўланган (тўланмаган) болалар нафақаси, моддий ёрдам, тўланмасдан бюджетга қайтарилигандаги маблағлар ҳамда ҳисобвараклардаги қолдиқ маблағлар тўғрисида маълумот;
  - янги ариза берувчиларга ва амалдаги нафақа олувчилар номига очилган пластик карталар тўғрисида;
  - нафақа ва моддий ёрдам учун молиялаштирилган, тўланган ва тўланмасдан тегишли маҳаллий бюджетга қайтарилигандаги маблағлар микдорлари ва нафақа олувчилар тўғрисида маълумот.
20. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа эгалари кенгаши томонидан:
- аҳолининг томорқа ер ва/ёки дехқон хўжалиги (ҳосилдорлик даражаси (балл-бонитети), майдони) тўғрисидаги маълумотлар;
  - фуқароларнинг иирик ва майда шохли чорва моллари (шу жумладан, паррандалари) тўғрисида маълумотлар киритиб борилади.
- Маълумотларнинг бу тарзда электрон базага киритиб борилиши, фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликларининг олдини олади ва ҳар қандай бюрократик кўринишдаги тўсиқларни бартараф этади.
- Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилган. Низом Ўзбекистон Республикаси худудида яшайдиган кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Низомга кўра, ариза берувчи — оиланинг 18 ёшга тўлган ижтимоий нафақа олиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси худудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс хисобланади.

Унга кўра, ишловчи оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бюджет ташкilotларида ишлайдиган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бундан мустасно) бола икки ёшга етгунча уни парваришилаш учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш муддати тугаганидан сўнг ушбу Низомга асосан болалар нафақасини олиши мумкин.

Болалар нафақаси оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб тайинланади.

Болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади, бироқ оиласинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича ўн саккиз ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва якка-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам оила аъзоларининг тақдим этган аризаларига асосан «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади.

2022 йилдан бошлаб — оиласинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртacha даромад минимал истеъмол харажатлари микдоридан ошмаганда кам таъминланган оила деб эътироф этилади.

«Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар (шахслар) қўшимча хужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан, қонунчилик хужжатларида ушбу тоифадаги оилалар (шахслар)га белгиланган тартибида бепул ёки имтиёзи шартларда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Бунда қонунчилик хужжатларида белгиланган хизматлардан фойдаланиш ва имтиёзларни олиш учун «Ягона реестр» АТ орқа-

ли кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)га Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали З дақиқа ичидаги ушбу Низомга мувофиқ шаклда маълумотнома тақдим этилади. Ушбу маълумотнома оила (шахс) «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошлаб ўн икки ой давомида амал қилади.

Агар битта оила сўнгги 12 ой давомида кетма-кет «Ягона реестр» АТ орқали бир неча маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган бўлса, бунда маълумотноманинг амал қилиш муддати ушбу оила охирги маротаба кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошланади.

Оила (шахс) «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади. Маълумотнома тақдим этилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Оиланинг муомалага лаёқатли исталган аъзосидан бири (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс, 18 ёшга тўлган, ўз оиласига эга бўлмаган (ота-онаси, улардан бири ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс билан бирга яшовчи) боласи ёки оиланинг фарзандликка олинган боласи ёхуд васийликка олинган шахслар) ариза берувчи бўлиши мумкин.

Ҳар бир оила томонидан болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун ариза топшириш ва «Ягона реестр» АТга киритиш бир ойда бир марта амалга оширилади. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўлашнинг белгиланган муддати тугагач, ариза берувчи ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни янги муддатга тайинлаш учун ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга хисобланади. Бунда, болалар нафақаси ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тайинланган ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни тўлаш муддати тугаётган ойдан кейинги ойда берилади. Такрорий мурожаатлар умумий белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## 2.3. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби

Кам таъминланган деб эътироф этилган оиласга болалар нафақаси ёхуд моддий ёрдам яшаш жойи бўйича оиланинг муомала-га лаёқатли аъзосининг ёзма аризасига асосан тайинланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур хужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтингча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан маҳсус рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади, бунда аризанинг берилган санаси, ариза берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси бўлими) бошлигининг номига ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

ариза берувчи ва оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси паспорти ёки ID-карталари (бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу хужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризачига қайтарилади);

чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ёки ID- карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида қайд вараги (бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу хужжатларнинг нусхаси олиниб, асли аризачига қайтарилади); болалари васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва ҳомийлик органи қарорининг нусхаси илова қилинади;

оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари тўғрисида маълумот;

ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки хисобваракларида маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан «Ягона реестр» АТга тақдим этиш тўғрисида оиласда бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ариза.

Бунда бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзоларининг ҳақиқияти учун ариза берувчи жавобгар бўлади. Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча хужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилади. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган муддатдан кейин берилган аризалар белгиланган тартибда кейинги ойда кўриб чикилади.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилади. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган муддатдан кейин берилган аризалар белгиланган тартибда кейинги ойда кўриб чикилади.

Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ариза берувчига қўшимча равишда қайси хужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қиласи. Ушбу ҳолатларда ариза берувчи томонидан тақдим этилиши керак бўлган хужжатлар қўшимча беш кун ичida, бироқ ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни истаётган ойдан олдинги ойнинг 16-санасига қадар тақдим этилиши шарт.

Оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёхуд тайинлашни рад этиш «Ягона реестр» АТ орқали автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Куйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, оилани

кам таъминланган деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади:

- а) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад Низомнинг 7-бандида белгиланган мезондан ошганда;
- б) идоралараро электрон ахборот тизими орқали олинган маълумотлар бўйича кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида ариза берувчи ва унинг оила аъзолари эгалигигда жами биттадан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда;
- в) ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончномага асосан қуидагилар мавжуд бўлганда:

ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган енгил автотранспорт воситаси;

ишлаб чиқарилган муддати 15 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган юк ташувчи автотранспорт воситаси, автобус, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ва бошқа курилиш техникиси;

жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган енгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автокран ва бошқа курилиш техникиси;

- г) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг тижорат банкларида ги депозит ҳисобваракларида ариза берилган ойда амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда;
- д) ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида ариза берилган ойда бозор қиймати меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ суммани ташкил этувчи қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда;

- е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидағи ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари), шунингдек, пенсиянерлари томонидан аризалар тақдим этилганда;
- ё) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидағи Низомга асосан пенсиялар билан таъминланганда;
- ж) болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи ва унинг оила аъзоси томонидан тақрорий ариза ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолда тақдим этилганда. Бунда тақроран тақдим этилган ариза «Ягона реестр» АТга киритилгандан сўнг ариза кўриб чиқилмасдан, аризачига рад жавоби аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС-хабар орқали мобил телефон рақамига жўнатилиди;
- з) оиласида меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;
- и) оиласининг охирги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси томонидан меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) рад этилган ҳолларда;
- к) расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳак тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлганда.

Юқоридаги қоида қуидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида хисобда турган шахсларга;

бала уч ёшга тўлгунига қадар парвариш қилаётган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртқи шакллари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёкатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гурух ва болаликдан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача шахсларга;

амалда томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзоларига;

18 ёшгача болаликдан ногиронлиги бўлган, шу жумладан ОИВ инфекциясига чалинган шахсларнинг оналарига (онаси бўлмаган ҳолда отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гурух ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларни парвариш қилаётганларга;

чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларига;

оиланинг “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида оиласи тадбиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш муассасаларида бўлганлиги муносабати билан оилада бўлмаган аъзоларига;

оиланинг чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган аъзоларига; боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз оналар (оталар)га ҳамда никоҳи

бекор қилинган аёлларга;

расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги бир йил мобайнида “Темир дафтар” рўйхатида бўлган оиласларга;

туман (шахар) аҳоли бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган, ушбу марказ томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига киритилган шахсларга;

тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган фарзанди мавжуд бўлган оиласнинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосига нисбатан.

Мазкур бандда кўрсатилган мезонлар асосида болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилганда, ариза берувчига хабар «Ягона реестр» АТ орқали рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон шаклда (аризада кўрсатилган электрон манзилига ёки СМС-хабарлар орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг «Ягона реестр» АТ томонидан электрон сўров юборилган кунда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат стажи ҳисобланиши учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган (тўлиқ) миқдорда ижтимоий солик тўланганда ҳисобга олинади.

Мазкур банднинг фақат «к» кичик банди асосида болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш рад этилган оиласлар «Ягона реестр» АТ орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилади. Бунда оиласа болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланмайди, лекин маълумотнома тақдим этилади.

Боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз оналар (оталар) ҳамда ниҳоҳи бекор қилинган аёллар тўғрисидаги маълумотлар Адлия вазирлиги хузуридаги «ФҲДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидан олинган электрон маълумотларга асосан аниқлаштирилади.

Ариза берувчининг болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслиги «Ягона реестр» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда манбаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган маълумот-

лар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг таркиби бўйича тақдим этилган маълумотларга асосан аниқланади.

Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик даромад ҳажмини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган охирги уч ойи учун хисоблаб чиқилган барча оила аъзоларининг даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига ва учга бўлиш орқали аниқланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун оила таркибига фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳи қайд этилган эр-хотин (ёки уларнинг бири) ва улар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), шунингдек, ота-оналари билан бирга яшайдиган ва ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшдан катта болалар (шу жумладан, васийликка (ҳомийликка) олинган болалар), ёлғиз оналар (оталар) киритилади.

Бунда тўлиқ давлат таъминотидаги болалар, тарбиялаш учун оиласага қабул қилинган (патронат тартибida) болалар, ота-оналини хукуқидан маҳрум этилган, шунингдек, суд қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилган шахслар оила таркибига киритилмайди.

Бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиша ҳисобга олинадиган оиланинг жами даромадига оила томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади:

мехнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар; мулкий даромадлар;

олинган алиментлар. Бунда фуқаро томонидан тўланган алиментлар суммаси оиланинг жами даромадидан чиқариб ташланади;

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;



пул тушумлари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари ва бошқалардан олинган пул ўтказмалари суммаси. Бунда хорижий валютада олинган пул ўтказмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг

«Ягона реестр» АТ томонидан электрон маълумот олинган кундаги белгиланган курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобга олинади;

ариза берувчи ва оила аъзосининг ҳар бир корхона устав фондидаги улуши, бироқ меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахсга тўланган меҳнат ҳақи;

тадбиркорлик фаолиятини бошлишни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан, штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиши харажатларини тўлаш ва кредитни олиш чоғида суғурта полиси ҳақини тўлаш ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, уруғликлар, кўчатлар, суғориш воситалари олиш учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидияларни олган жисмоний шахсларга хисобланадиган норматив даромадлар;

пенсиялар ва нафақалар (Низомда белгиланган тартибда оила олаётган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам, ногиронлик бўйича нафақа, ногиронлик бўйича нафақа суммаси доирасидаги ногиронлик пенсияси (ногиронлик пенсия миқдоридан зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори чегириб ташланади), боқувчишини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси, 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ва ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга бўлган шахсларга нафақа, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқа-

ли бериладиган бола туғилғанлиги ҳамда дағн этиш маросими учун бир йўла тўланадиган нафақа, таълим муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар, меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тайинланадиган ва тўланадиган моддий ёрдам, меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича қасбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида тўланган стипендия бундан мустасно);

томурқа ер ва/ёки дехқон хўжалигини юритишдан олинган даромад; чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган норматив даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар амалда ҳисобланган сумма бўйича ҳисбога олинади (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунига қадар).

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида микрокредит олинган санадан бошлаб охирги 12 ой мобайнида оилавий тадбиркорликни амалга оширишдан олинган даромадлар оиланинг даромади таркибиға киритилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадни аниқлашда (якка тартибдаги фаолият маълум муддатга тўхталилган давр бундан мустасно) даромад аниқланаётган даврда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган бир ойлик суммасининг ўн баравари миқдорига teng бўлган, бироқ меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг даромадлари миқдорини аниқлашда даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорига teng бўлган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.



Агар электрон ахборот алмашинуви орқали олинган маълумотларда чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари миқдори аниқланмаса, у ҳолда оиланинг бир ойлик ўртacha жами даромадини аниқлаш учун оиланинг чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорига teng бўлган бир ойлик ўртacha норматив даромад миқдори қабул қилинади. Ушбу бандда кўрсатилган оила аъзоси (аъзолари)нинг бир ойлик ўртacha норматив даромади оиланинг ўртacha ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Фуқаро бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидиялар ва грантларни олган ариза берувчи ва/ёки унинг оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорига teng бўлган ўртacha норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу бандда кўрсатилган оила аъзоси (аъзолари)нинг бир ойлик ўртacha норматив даромади оиланинг бир ойлик ўртacha ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдамга мурожаат қилган ойда даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган, тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган фарзанди мавжуд бўлган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосига ариза берувчи ва/ёки унинг оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баравари миқдорига teng бўлган норматив даромад миқдори қабул қилинади. Ушбу қоида:

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида хисобда турган шахсларга;

бала уч ёшга тўлгунига қадар парвариш қилаётган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (таълимнинг кечки ва сиртқи ўқиш шакллари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга, давлат пенсияси тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёкатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, I ёки II гурух ва болаликдан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача шахсларга;

амалда томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзоларига;

18 ёшгача болаликдан ногиронлиги бўлган, шу жумладан ОИВ инфекциясига чалинган шахсларнинг оналарига (онаси бўлмаган ҳолда отасига), оила аъзоси ҳисобланган I гурух ногиронлиги бўлган шахсни ёки ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларни парвариш қилаётганларга (ушбу маълумот Пенсия жамғармаси бўлими томонидан аниқлаштирилади);

чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи оила аъзоларига;

оиланинг “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида оиласи тадбиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;

суднинг қонуний кучга кирган хукми бўйича жазони ижро этиш муассасаларида бўлганлиги муносабати билан оиласи бўлмаган аъзоларига;

оиланинг чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган аъзоларига; боласини ёлғиз тарбиялаётган ёлғиз оналар (оталар)га ҳамда никоҳи

бекор қилинган аёлларга;



расмий даромад манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида “Темир дафттар”да бўлган оилаларга;

туман (шахар) аҳоли бандликка кўмаклашиш марказига иш кидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган, ушбу марказ томонидан касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малака оширишга юборилган, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига киритилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Аризачининг якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдонида томорқа майдонини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ахборот тизимидан электрон ахборот алмашинуви орқали олинган маълумотлар асосида қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$\text{TEM} = \text{YM} - \text{KM} - (\text{YM} * 20\%)$  бунда:

$\text{TEM}$  — томорқа ер ва/ёки дехкон хўжалиги майдони;

$\text{YM}$  — ажратилган ернинг умумий майдони ( $\text{m}^2$ );

$\text{KM}$  — қурилишларнинг майдони ( $\text{m}^2$ );

$(\text{YM} * 20\%)$  кўрсаткичи 200  $\text{m}^2$ дан ошмаган ҳолда ҳисоб-китоб учун қабул қилинади.

Томорқа ер ва/ёки дехкон хўжалигини юритишдан олинган даромад микдори сифатида ушбу бандда белгиланган томорқа ер ва/ёки дехкон хўжалигини юритишдан олинадиган бир ойлик даромаднинг норматив микдори қабул қилинади.

Томорқа ер ва/ёки дехкон хўжалигини юритишдан олинадиган бир ойлик ўртacha норматив даромад томорқа ер ва/ёки дехкон хўжалигини юритиш учун фойдаланилаётган сотихлар майдонини жами даромад аниқлананаётган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам микдорининг 0,035 бараварига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ушбу бандда кўрсатилган бир ойлик ўртacha норматив даромади оиланинг ўртacha ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Бунда:

- а) 4 сотихгача бўлган томорқа ер ва/ёки дехқон хўжалиги майдонида оиланинг меҳнатга лаёқатли ишсиз битта аъзоси ҳамда кейинги ҳар бир 4 сотихгача майдон учун қўшимча биттадан оиланинг ишсиз аъзоси томорқа ер ва/ёки дехқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган деб ҳисобланади;
- б) оила аъзолари томорқа ер ва/ёки дехқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган деб қўйидаги кетма-кетлик бўйича ҳисобланади:

биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатли ишсиз бўлган, бола парвариши ва ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосининг парвариши билан банд бўлмаган, жазони ижро этиш жойларида жазони ўтамаётган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган оила аъзосига;

оиланинг вояга етган, таълим муассасасида таҳсил олмаётган, жазони ижро этиш жойларида жазони ўтамаётган ёки чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтамаётган, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосининг парвариши билан банд бўлмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган, ўз оиласига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли ишсиз фарзандига, шунингдек, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган шахсга (бир нечта фарзанди бўлганда – ёш кетма-кетлиги бўйича);

таълим муассасасида таҳсил олмаётган, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтамаётган ёки чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтамаётган, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосининг парвариши билан банд бўлмаган, чет элда ишламайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширмаётган меҳнатга лаёқатли ишсиз отасига.

Чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларнинг бир ойлик ўртacha норматив даромадини ҳисоблаш:

чорва моллари ва паррандаларнинг сони шартли бош қорамол сонига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 689-сон қарори билан тасдиқланган Яйловларда чорва молларини ўтла-тишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини бел-гилаш, яйловлар алмашинишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-иловада келтирилган Чорва молларини ва паррандаларни шартли бошга ўгириш коэффициентига асосан ўт-казилади;

ҳар бир шартли бош қорамол сонини даромад аниқланадиган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,5 бараварига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу бандда кўрсатилган бир ойлик ўртача норматив даромад оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш учун уч ойга кўпайтирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилган ва томорқа ер ва/ёки дехқон хўжалигини юритишдан олинадиган норматив даромад «Ягона реестр» АТ орқали, шу жумладан, тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро идоралараро электрон хамкорликни қўллаш йўли билан ҳисобланади.

Ариза берувчи оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад миқдори куйидаги формула асосида аниқланади:

**БОЎД — (МҲТД+МД+ОА+ТА+ИН+ЖИМҲ+СНД+ЯТТН-Д+ПЎ+ПН+ ТД+ЧМ+БД)/ОАС/3**

бунда:

**БОЎД — оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад;**

**МҲТД — меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги уч ойлик даромадлар (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);**

МД — уч ойлик мулкий даромадлар (Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

ОА — оила аъзолари томонидан олинган уч ойлик алиментлар;

ТА — оила аъзолари томонидан тўланган уч ойлик алиментлар;

ТУ — ташкилот таъсисчисига қўлланиладиган норматив даромад;

ИН — меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга тўланган уч ойлик ишсизлик нафақаси (Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

ЖИМҲ — қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда хақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашганлик учун шахса тўланган уч ойлик меҳнат ҳақи (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда);

СНД — фуқаро бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун меҳнат органлари томонидан ажратилган субсидиялар ва грантлар учун ҳисобланадиган ўртача уч ойлик норматив даромад;

ЯТТНД — якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун ҳисобланадиган ўртача уч ойлик норматив даромадлар;

ПЎ — пул ўтказмалари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан уч ойлик пул ўтказмалари суммаси (Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) ёки уларга ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромадлар;

ПН — пенсия ва нафақалар кўринишидаги уч ойлик (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) даромадлар;

ТД — томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритишдан (мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган даврда) ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромадлар;

ЧМ — чорва моллари ва паррандалари мавжуд бўлган фуқароларга ҳисобланадиган уч ойлик ўртача норматив даромад;



БД — оила аъзоларининг уч ойлик бошқа даромадлари;

ОАС — оила аъзолари сони.

Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромадни ҳисоблаб чиқишнинг мисоли:

5 кишидан иборат оиланинг аъзоси моддий ёрдам учун 2020 йил декабрь ойида мурожаат этган. Унинг даромадлари август—октябрь ойлари учун ҳисобланади. Оила аъзоларининг барча даромадлари йифиндиси (норматив даромадларни ҳисобга олган ҳолда) 5 250 000 сўмни ташкил этади.

Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромади қуидагини ташкил этади: 5 250 000 сўм / 5 киши / 3 ой — 350 000 сўм.

Оиланинг бир ойлик ўртача жами даромади Низомда назарда тутилган тартибда олинган оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам туман (шахар) маҳаллий бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида тайинланади.

Бунда туман (шахар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам, биринчи навбатда, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад микдори белгиланган мезонга тўғри келадиган ва бошқа оилалар даромадига нисбатан камроқ бўлган кам таъминланган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Туман (шахар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб, кам таъминланган деб эътироф этилган оиласа болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш имконияти бўлмаган тақдирда, унга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш масаласи автоматик равишда кейинги ойда қайта кўриб чиқиш учун ўтказилади. Бироқ оила кам таъминланган деб эътироф этилган ойдан бошлаб уч ой давомида туман (шахар) маҳаллий бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳажмидан келиб чиқиб аризачига болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайин-

лаш имконияти бўлмаган тақдирда, ариза берувчи қайтадан ариза бериш йўли билан болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиш истагини тасдиқлаши шарт.

Ариза берувчи ушбу Низомнинг 6, 19 ва 31-бандларида кўрсатилган мезонларга мос бўлган ҳолларда «Ягона реестр» АТда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги қарор автоматик тарзда шакллантирилади.

Бунда ариза берувчига «Ягона реестр» АТ орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида электрон хабар (аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС-хабарлар хизмати орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

Болалар нафақаси тайинланган оиласда болалар сони ўзгарган тақдирда (навбатдаги бола туғилганда, 18 ёшгача болалардан бири вафот этганда, бола (болалар) 3 ёшга ва 18 ёшга тўлганда ва шу кабилар), болалар нафақаси микдори болаларнинг тегишли сонидан келиб чиқиб, кейинги ойдан бошлаб қайта ҳисобланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам қуйидаги тартибда тўланади:

болалар нафақаси ёки моддий ёрдам АТ «Халқ банки»нинг туман (шахар) бўлимлари (филиаллари) орқали нақд пул шаклида ёки пул маблағларини нақд пулсиз ўтказиш йўли билан фуқароларнинг банк ҳисобвақлари (пластик карталари) орқали тўланади.

Электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари ҳар ойнинг 4-санасига кадар

«Ягона реестр» АТ орқали АТ «Халқ банки»нинг туман (шахар) бўлимига тақдим этилади. Ушбу муддатнинг охириги куни байрам ва дам олиш кунларига тўғри келадиган бўлса, электрон тўлов рўйхат (ведомост)лари кейинги 2 иш куни мобайнида АТ «Халқ банки»нинг туман (шахар) бўлимига тақдим этилиши мумкин.

Тўловнинг ўтган ойида олинмаган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам суммаси тўловнинг жорий ойи тўлов рўйхатларига киритилади ҳамда тайинланган, бироқ ўз вақтида олинмай қолган тўловлар ўтган даврларда ҳисобланган микдорларда бутун давр учун, бироқ болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиш муддати

тугаганидан кейин уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда бир йўла тўланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш:

а) қуидаги ҳолларда тўхтатилади:

қонунчилик хужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугагандা;

ариза берувчи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзоси томонидан яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тўлов тўхтатилишини сўраб ариза тақдим қилинганда;

оила доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига кўчуб кетганида;

«Ягона реестр» АТдаги ёки манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан идораларро электрон ўзаро ҳамкорлик тизимидағи техник носозлик натижасида, маълумотлар электрон равишда тўлиқ ёки қисман тақдим этилмаганлиги сабабли, шунингдек, аризани киритишда ва бошқа техник хатолар оқибатида нотўғри тайинланганлиги аниқланган тақдирда. Ушбу холатда ўтган даврда тўланган маблағлар қайтарилмайди;

болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисидаги қарорга таъсири кўрсатган ариза берувчи томонидан нотўғри ва ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги ёки тўлиқ тақдим этилмаганлиги аниқланганда;

б) ортиқча тўловлар аниқланганда вақтингча тўхтатилади. Бунда тўловлар кам таъминланган оиласи келгуси ойларда тўланиши лозим бўлган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам учун маблағлар ҳисобига қайта ҳисоб- китоб қилингандан сўнг қайта амалга оширилади.

Тўловларни тўхтатиш (қонунчилик хужжатлари билан белгиланган тайинлаш муддати тугаган ҳолатлар бундан мустасно) «Ягона реестр» АТ орқали автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва ариза берувчига электрон хабар (аризада кўрсатил-

ган электрон манзилига ёки СМС- хабарлар орқали мобил телефон рақамига) юбориш орқали билдирилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома асосида хам амалга оширилиши мумкин. Бунда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам пулининг учинчи шахсга ишончнома орқали тўланишига йўл қўйилмайди.

Ариза берган шахс вафот этган тақдирда, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам оиланинг муомалага лаёқатли аъзосига ёки қонуний вакилига тўланади. Бунда оиланинг муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили тегишли аризани ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, мавжуд бўлганда — васийлик ёки ҳомийликни тайинлаш тўгрисидаги қарор нусхасини АТ «Халқ банки»нинг тегишли филиалига тақдим этиши орқали тайинланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олиши мумкин.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови ойнинг 4-санасидан 27-санасига қадар амалга оширилади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам туман (шаҳар) бюджетида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида харажатларнинг тегишли иқтисодий таснифлагичи бўйича акс этирган ҳолда тўланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдамнинг ҳар бир тури бўйича АТ «Халқ банки»нинг бўлими (филиали)да алоҳида банк ҳисобвраклари очилади.

АТ «Халқ банки»нинг бўлими (филиали) ҳар ойнинг охирги кунига қадар жорий ой учун, шунингдек, йил бошидан амалга оширилган тўловлар ҳамда тўланмаган маблағлар бюджетга қайтарилиши ҳақида электрон маълумотларни болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар бўйича «Ягона реестр» АТга белгилangan тартибда тақдим этади.

## 2.4. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга арzon уй- жойлар бериш тартиби

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналар учун қулай шароит яратиш, уларга арzon уй-жойлар бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий химоя сиёсатининг бош мақсади қилиб белгиланган. Бу борадаги ислоҳотларни амалга ошириш механизми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби белгиланган. Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ҳамда «2017–2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 23 октябрдаги қарорлари асосида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уй- жой бериш тартиби белгиланган.

Арzon уй-жой бериш учун аризаларни қабул қилиш, талабгорларни танлаб олиш ва уларга ёзма тавсиялар бериш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ариза берувчи талабгор сифатида ёзма тавсияни олиш учун худдий комиссия раисига доимий яшаш жойи бўйича сўровнома-ариза ва хужжатларни тақдим этади. Ариза берувчи Комиссияга тақдим этиладиган хужжатларнинг ишончлилиги учун ўзи жавоб беради;

ариза туман (шахар) комиссияси раисининг қарори билан тай-инланадиган ваколатли шахс томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, қабул қилинган аризанинг нусхасига — қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда тилхат билан ариза берувчи-га топширилади;

ариза ва тақдим қилинган ҳужжатлар ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтож хотин-қизлар тоифаси эканлигини аниқлаш мақсадида Комиссия томонидан Низом талабларига мувофиқли-ги юзасидан Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охирги санаси тугаган кундан бошлаб 15 иш куни ичida кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш якунлари бўйича ижти-моий устуворлик мезонлари асосида танлов натижалари тўғриси-даги қарор қабул қилинади. Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охирги санаси тугагандан кейин тақдим қилинган аризалар қабул қилинмайди.

Комиссия томонидан аризани кўриб чиқишида уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш қуидаги ижтимоий мезонлар асосида амалга оширилади:

- а) ариза берувчида мулк ҳуқуқи асосида турар жойнинг йўқлиги ва турар-жойда ижара шартларида ёки яашаш учун яроқсиз турар жойда яшаши;
- б) бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшаши;
- в) кўп болалилик;
- г) ариза берувчи оиласининг даромади;
- д) ижтимоий хусусиятига кўра алоҳида хонада яшаши керак бўл-ган (сил, тери-таносил касалликларининг оғир кўриниши, қан-дли диабетнинг йирингли яллигланиши, псoriasis) бемор аёллар (туман тиббиёт бирлашмасининг хулосаси асосида);
- е) ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гурух ноги-ронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги;
- ж) ариза берувчи уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида на-зарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв.



Метрдан кам бўлмаган, курси-коляскадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун 23 кв. Метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;

- 3) биринчи гурух ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар;
- и) ёлғиз ўзи ушбу Низомга 5-иловадаги рўйхатда назарда тутилган оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган бола парваришаётган аёллар (туман (شاҳар) маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими маълумотномаси ва тиббиёт бирлашмаси хulosаси асосида).

Комиссия Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддат ичидаги ариза берувчининг уй-жой шароитларини Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганади ва Низомнинг 6-иловасида назарда тутилган ижтимоий мезонлардан келиб чиқиб ариза берувчининг ижтимоий устуворлигини белгилайди. Бунда ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтожлиги дарајаси Комиссия томонидан қўйиладиган баллардан келиб чиқиб аниқланади ва ёзма тавсия биринчи навбатда энг юқори балл тўплаган ариза берувчиларга берилади.

Ариза берувчининг уй-жой шароитларини ўрганиш ва ижтимоий устуворлигини белгилаш яқунлари бўйича ариза берувчидаги уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж амалда мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида ижтимоий устуворликни белгилаш яқунлари бўйича олинган балларни кўрсатган ҳолда текшириш далолатномаси Комиссия томонидан

Низомнинг 7-иловасида белгиланган шаклда тузилади. Текшириш далолатномаси икки нусхада тузилади, унинг бир нусхаси имзо қўйдирилган ҳолда ариза берувчига берилади.

Аризани кўриб чиқиши ва уй-жой шароитларини ўрганиш натижалари бўйича Комиссия ариза кўриб чиқилгандан сўнг бир ишкуни мобайнида ариза берувчига кейинчалик инжиниринг компаниясининг филиалларига тақдим этиш учун Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича ёзма тавсия беради.

Агар ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул килинган тақдирда, Комиссия рад этишнинг аниқ сабабларини ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ариза берувчига бир иш куни мобайнида ёзма шаклда хабарнома юборади (топширади).

Бунда ариза берувчи ёзма тавсия бериш рад этилишининг сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Ёзма тавсия Комиссия томонидан ариза берувчига икки нусхада берилади. Бир нусхаси талабгор томонидан унинг дастлабки шартномани тузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун инжинииринг компаниясининг филиалига тақдим этилади. Иккинчи нусха эса талабгор томонидан доимий яшаш жойи бўйича иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига бериладиган ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризага илова қилинади.

Комиссия томонидан ариза берувчига ёзма тавсия бериш қўйидаги ҳолларда рад этилади:

- Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилиши;
- ҳужжатларнинг Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охирги санаси тугагандан кейин тақдим этилиши;
- тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;
- ариза берувчининг уй-жой шароитларини, шу жумладан, Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиши якунлари бўйича тузилган текшириш далолатномасида ариза берувчida уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж йўқлиги ҳолатининг асосли кўрсатилиши;

д) уй-жойга муҳтоҷ шахснинг никоҳи сўнгги уч йилда бекор қилинган тақдирда.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича ёзма тавсия бериш рад этилишига йўл кўйилмайди.

Ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Ёзма тавсия бериш рад этилган ва аризалари Низомнинг 14-банди асосида кўриб чиқилмаган ариза берувчилар Низомнинг 6-бандига мувофиқ ёзма тавсия бериш тўғрисидаги тақрорий аризани кейинги йилда беришга ҳақлидир.

Талабгорларнииг аризаларини кўриб чиқиш ва уларга ипотека кредити бериш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Инжинииринг компаниясининг филиали Дастурлар доирасида арzon уй-жойлар қуриш бўйича талабгорларнииг аризаларини қабул қиласида ва кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда улар билан дастлабки шартномаларни тузади.

Инжинииринг компаниясининг филиали билан дастлабки шартномаларни тузган талабгорлар иштирок этувчи тижорат банкнинг тегишли филиалига ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қиласида:

- а) ёзма тавсия;
- б) кредит олишнинг мақсади, таъминланганлиги, кредит муддати ва суммаси кўрсатилган ҳолда ипотека кредити олишга буюртманома;
- в) талабгор (биргаликда қарз оловчи) нинг паспорти нусхаси;
- д) талабгор (биргаликда қарз оловчи) нинг молиявий аҳволини тасдиқловчи хужжатлар;

- е) дастлабки бадал жамғарма омонат ҳисоб рақамига жойлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- ж) инжинииринг компаниясининг филиали билан тузилган дастлабки шартноманинг нусхаси.

Иштирок этувчи тижорат банкининг филиаллари амалдаги тартиб асосида талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисида ги аризаларини кўриб чиқади. Талабгорларни танлашда иштирок этувчи тижорат банкининг филиали Комиссия томонидан белгиланган ижтимоий устуворликни ва ёзма тавсияни эътиборга олган ҳолда талабгорларнинг кредитга лаёқатини баҳолайди.

Талабгор (биргаликда қарз олувчи) учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар:

талабгорнинг ўз маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

талабгор кам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган ва кредитга лаёқати етарли бўлмаган тақдирда у ишилаёттан ташкилот, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг маблағлари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобига амалга оширилади.

Ипотека кредити бериш рад этилган талабгорлар кейинги йилда Комиссия томонидан ёзма тавсия олганидан сўнг белгиланган тартибда ипотека кредити бериш тўғрисида такроран ариза беришга ҳақлидир.

**Тегишли туман (шахар) ҳокимлиги ҳузуридаги Талабгорларни  
танлаш бўйича комиссиянинг тавсиялари асосида қишлоқ  
жойларда арzon уй- жойлар қуриш дастурида  
уй қурувчиларнинг иштирок этиши  
СХЕМАСИ**

<b>Босқич-лар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>
1-боскич	Ариза берувчи	<p>Ёзма тавсияни олиш учун доимий яшаш жойи бўйича тегишли Комиссияга ариза берувчининг белгиланган ижтимоий мезонларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган хужжатларни илова қилган ҳолда сўровнома-ариза беради</p>	Белгаланган қабул кунларида
2-боскич	Тегишли туман (шахар) ҳокимлиги ҳузуридаги тадбирларини танлаш бўйича комиссия	<p>Ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича Комиссия аризани ушбу Низомнинг талабларига мувофиқлик юзасидан кўриб чиқади.</p> <p>Аризани кўриб чиқиш ва уй-жой шароитларини ўрганиш натижалари бўйича тегишли Комиссия ариза берувчига ёзма тавсияни беради ёки ариза берувчи рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тавсия бериш рад этилишидан хабардор киласди.</p> <p>Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган уй-жойга муҳтоҷ хотин-қизларнинг рўйхатини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасига тақдим этади.</p>	15 иш кун ичида  3 иш куни ичида
3-боскич	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Хотин-қизлар кўмиталари	Комиссиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида уй-жойга муҳтоҷ хотин-қизларнинг рўйхатларини туман (шахар)лар бўйича умумлаштиради ва уларни Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига тақдим этади.	3 иш кун ичида

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-боскич	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий таддикот маркази, “Қишлоқ қурилиш инвест”, “Ўзшаҳар қурилиш инвест”, инжиниринг компаниялари	Худудларда шакллантирилган уй-жойга ўта муҳтоҷ ёки уй-жойини кенгайтиришга муҳтоҷ бўлган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг рўйхатлари асосида арzon уй-жойларни қуриш учун талаб этиладиган маблағлар аниқланади. Арzon уй-жойларни қуриш учун талаб этиладиган дастлабки бадал талабгорларнинг жамғарма омонат ҳисоб рақамига жойлаштирилишини таъминлайди.	Бир ой муддатда
5-боскич	“Қишлоқ қурилиш инвест”, “Ўзшаҳар қурилиш инвест”, инжиниринг компаниялари филиаллари	Инжиниринг компаниясининг филиали Дастурлар доирасида арzon уй-жойлар қуриш бўйича талабгорларнинг аризаларини қабул қиласи ва кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда улар билан дастлабки шартномаларни тузади.	Белгиланган муддатларда
6-боскич	Иштирок этувчи тижорат банки филиали	Инжиниринг компаниясининг филиали билан дастлабки шартномани тузган талабгор ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза (тегишли туман ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг ёзма тавсияси илова қилинган ҳолда) билан иштирок этувчи тижорат банкининг тегишли филиалига мурожаат қиласи. Иштирок этувчи тижорат банкининг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талаблар ва муддатларга муовфик талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқади.	Белгиланган муддатларда



## Аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг РҮЙХАТИ

Т/р.	Ҳужжат тури	Ижтимоий мезонлар учун	Бор йўқ мезонлар
1. Ариза		Барча мезонлар	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
2. Паспорт нусхаси		Барча мезонлар	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
3. Солик тўловчининг идентификация рақами нусхаси (СТИР)		Барча мезонлар	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
4. Оила аъзолари паспортлари ва никоҳ қайд этилганилиги тўғрисидаги гувоҳнома (тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда вояга етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) ва ёки фарзандлар тугилганилиги хақидаги гувоҳномалар (вояга етмаган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) нусхалари		Барча мезонлар	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
6. Ариза берувчи ва у билан бирга яшаётган оила аъзоларининг доимий иш жойларидан берилган охирги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома ёки ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг яаш жойидаги давлат солик хизмати органи томонидан тасдиқланган охирги 12 ой мобайнидаги даромадлар тўғрисидаги декларациялар нусхалари		Барча мезонлар	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
7. Доимий яаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан кадастр ҳужжати нусхаси (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса)		Низомнинг 12-банди «а» ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган мезонлар	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
8. Доимий яаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан уй дафтарининг ёки квартиralар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси (агар турар жойи доимий прописка жойи билан тўғри келса)		Барча мезонлар	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
9. Ижара ёки турар жойдан текинга фойдаланиш тўғрисида шартнома ёки туман (шахар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотнома нусхаси (ариза берувчининг мулк ҳуқуки асосида турар жойи бўлмаган ҳолатда)		Низомнинг 12-банди «а» кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
11. Турар жойи бўйича туман даволаш-профилактика муассасанинг врачлик-маслаҳат комиссияси (ВМК) маълумотномаси ёки ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали қасалликнинг оғир турларига чалинган ва Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яашашга муҳтоҷ бўлган шахснинг мавжудлиги ҳолатида — туманларо (туман) ТМЭК маълумотномаси		Низомнинг 12-банди «д» кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
Хужжатларни қабул килди: _____ (имзо) Сана: 20____ йил « ____ »		(Ф.И.О.)	

**СЎРОВНОМА-АРИЗА**

1.	Фамилияси ахоли пункти	Исми	Отасининг исми
2. Манзил:	3. Түгиглан санааси	4. Соилик тўловининг идентификация раками (СТИР)	5. Асосий фаолият тури (бандлик):
/	/	тумани	вилояти
5. Ойлавий ахволи	тұрмұлтаға чыкмagan тұрмұлтаға чыккән ақрааптан осва	6. Асосий фаолият тури (бандлик):	7. Ҳаройтик даромад міндерি:
8. Оила альзалингизни улар- нинг ёшпини кўрсатган холда санаб ўтинг:	1. _____, ёш: _____ 2. _____, ёш: _____ 3. _____, ёш: _____ 4. _____, ёш: _____ 5. _____, ёш: _____ 6. _____, ёш: _____	9. Кўйидаги шахслар Сизнинг оиласи- гиздаяшайдими? Агар яшаса, сонини кургасини:	10. Ҳозирги вактда онланинг бир аъзоси- га тўғри келдиган турар жой майдони: _____ КВ.М.
11. Сизнинг хуқуқи туар жой- нингизни хуқуқий макоми:	12. Кайси турдаги арzon уй-жойдан олмокчилик:	13. Сизнинг алоқа килиш учун маълу- мотларнингиз?	
мулк ижара мулкдор рухсати билан	бенгут яшаш Мен 2017 — 2021 йилларда кишишоқда/пахарда арzon уй-жойлар куриш ластури доираесда Уй-жой олишидан манбағатдорли- гимни билдираман ва йокорида кўрганилган маъдумотларнинг жекқийлигин тасдиқтайман. Паспорт ва ижтимоий мезонлар- га мувоффиклитетини тасдиқловини хужжатлар нусхалари илова килинади.	эл. почта _____ уй тел.: _____ иш тел.: _____ уали тел.: _____ имзо _____ кун _____ ой йил _____	



**Арzon уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиш  
учун оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-  
қизлардан аризаларни рўйхатга олиш  
ЖУРНАЛИ БОШЛАНИШИ: 2018 ЙИЛ  
АРИЗАЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ**

Рўй-хат- га олиш раками	Ариза қабул қилин- ган сана	Ариза берувчи- нинг Ф.И.О.	Ариза берув- чининг манзили	Алоқа қилиш учун маъ- лумотлар	Ижти- моий мезон- лар	Ҳақиқатда тўпланинг баллар	Тавсия / Рад этиш тартиб раками	Тавсия / Рад этиш санаси	Вако- латли шахс- нинг имзоси	Ариза берувчининг имзоси (ёки почта хабарномаси- нинг рақами ва санаси)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

## 2.5. Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликлар рўйхати

- 1) Церебрал фалаж ва бошқа фалажли синдромлар (қўл-оёқларнинг узоқ вақт фалажлиги ёки чуқур парезлари, турғун иккиламчига тарқоқ атетоз типидаги гиперкинезлар, хореоацетоз, координациянинг яққол бузилиши).
- 2) Ташхиси тасдиқланган насл-генетик ва дегенератив касалликлар (стабил ва зўраювчи турлари).
- 3) Келиб чиқиши ҳар хил бўлган ақлий заифликнинг чуқур ва оғир тури.

- 4) Ой давом этадиган (сурункали) оғир шизофрения ва бошқа руҳий бузилишлар ва хулк-атвор бузилишлари.
- 5) Менингдоимий (энцефалитнинг) 2 йил ва ундан ортиқ доимий равиашда даволашга қарамай тикланмаган (чукур парез, плегия, парапарез, параплегия, трипарез, триплегия, гемиплегия, гемипарез, тетрапарез, тетраплегия, афазия, дизартрия, парциал ва генераллашган эпилептик хуружи, руҳий, ақлий заифликнинг ўрта, чукур ва оғир ҳолатлари) турғун асоратлари.
- 6) Кўзнинг кўрлиги (0 дан 0,02 гача қамраб олинган).
- 7) Тугма ва орттирилган тусдаги бронх-ўпка касалликларида II–III дараражали турғун нафас етишмовчилиги. Астманинг гормонга боғлиқ тури.
- 8) Сил касаллиги сурункали кечиши (ўпка, сүяк ва бўғимлар сили, сайдик-таносил органлари сили, сил менингдоимий оғир асортлари билан ва бошқалар).
- 9) Сурункали буйрак етишмовчилигининг III босқичи.
- 10) Диабетик нефросклероз.
- 11) Инкурабел ёмон сифатли ўсмаларнинг оғир шакли.
- 12) Тузатиб бўлмайдиган доимий нажас ва сайдикни тута олмаслик, йўғон, тўғри ичак ва орқа чиқарув тешигининг тугма ва орттирилган оқмалари, сайдик таносил аъзолари оқмалари.
- 13) Сүяк-мушак система ва биректирувчи тўқима касалликларида яққол қайта тикланмайдиган функционал бузилишлари:
  - а) бир ёки иккала оёқ ва қўлларда тугма ва орттирилган оғир дара жадаги деформациялар;
  - б) анкилоз, контрактура, патологик синиш, скелет деформациясига олиб келадиган умуртқа погонасининг тизимли заарланиши;
  - в) таянч-харакат аппаратининг ривожланиш нуқсонлари туфайли мустақил ҳаракат ва ўзига ўзи хизмат қилиш имконияти йўқлиги.
- 14) Қандли диабет (инсулинга боғлиқ қандли диабет).
- 15) Қандсиз диабет (питиутрин-резистент шакли), Иценко-Күшинг синдроми, сурункали буйрак усти безларининг бошқа бузилишлари (Адиссон кризи), тотал адреноэктомиядан кейинги ҳолати,



буйрак усти бези пўстлогининг оғир туғма дисфункцияси, оғир туғма йод етишмовчилиги синдроми, гипофизарнанизм, туғма ва орттирилган гипотиреознинг оғир шакли, гипопаратиреоз, тиреотоксикоз.

- 16) Лейкозлар, гемобластозлар, Ходжкин касаллиги (лимфогрануломатоз), хавфли гистиоцитоз.
- 17) Қон ишлаб чиқаришнинг туғма ва орттирилган апластик анемиялар.
- 18) Гемофилия оғир турлари.
- 19) ОИВ инфекциясининг III–IV даражаси.
- 20) Туғма аномалияларнинг оғир турлари.

**Арzon уй-жойлар қуриш дастури доирасида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий устуворлигини белгилашнинг  
ИЖТИМОИЙ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Омиллар	Балл	Тасдиқ
1.	Ариза берувчи оиласининг бир аъзосига тўғри келадиган жами ҳар ойлик даромад (мехнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорларида хисобланган — МХТЭКМ)		Иш жойидан маълумотнома ёки солик декларацияси
	МХТЭКМнинг 52,7 фоизидан кам	10	
	МХТЭКМнинг 52,7 фоизидан 87,9 фоизигача	5	
	МХТЭКМнинг 87,9 фоизидан 1,06 бараваригача	3	
2.	МХТЭКМнинг 1,06 бараваридан кўп	0	Кадастри ишининг нусхаси ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг далолатнома асосидаги текширув натижалари
	Ариза берувчи яшаётган уй хўжалигига бир кишига тўғри келадиган турар жойнинг умумий майдони		
	16 кв.метрдан кам	10	
	16 — 20 кв.метр	6	
	20 кв.метрдан кўп	2	

T/p	Омиллар	Балл	Тасдиқ
3.	<b>Ариза берувчи биринчи гурух ёлғиз ногиронлиги бўлган аёл</b>	10	Туман (шахар) оила ва хотин-кизлар бўлими ва туман (шахар) тиббиёт бирлашмаси хulosалари
4.	<b>Кам таъминланган оиласда ёлғиз ўзи вояга етмаган фарзандларни тарбия қилаётган аёл</b>	10	Фуқаролар йифини раиси ва маҳалла хотин-кизлар фаолиностинг хulosалари
5.	<b>Оиласда қўйидаги шахслар мавжудлиги:</b> биринчи гурух ногиронлиги бўлган сурункали касалликнинг оғир турларига чалинганлар оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган фарзандлар	10 10 10	Паспорт ва конун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
6.	<b>Ариза берувчи ёлғиз бокувчига эга оила вакили ёки оила боши — аёл</b>	10	Фуқаролар йифини раиси ва маҳалла хотин-кизлар фаолиностинг хulosалари
7.	<b>Хозирги турар жой мақоми:</b> Ижара Эгасининг рухсати билан текин турар жой Тўлиқ ўз мулкида	10 6 2	Конун хужжатларига мувофиқ тасдиқловчи хужжатлар асосида тегишли туман (шахар) ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия баҳолаши
<b>Энг юқори балл</b>		<b>90</b>	



**Ариза берувчининг уй-жой шароитларини текшириш  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ »

**Ариза берувчининг уй-жой шароитларини текшириш  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ »

тұмани (шахар) хузуридаги Талаб-  
горларни танлаш бүйича комиссия  
куйидаги таркибда \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

---

---

(Комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

(даха, массив) \_\_\_\_\_ күчаси, \_\_\_\_\_ -үй,  
-корпус, \_\_\_\_\_ квартирада яшаётган фуқаро

(Ф.И.О.)

туар жой шароитларини текширувдан ўтказди ва қуийдагиларни аниқлади:  
1. \_\_\_\_\_ уйда  
эгаллаб турилган туар жойнинг  
\_\_\_\_\_ умумий майдони \_\_\_\_\_ кв.м. яшаш майдони \_\_\_\_\_ кв.м.  
хоналардан иборат.

Хар бир хонанинг ўлчами

кв.м.

кв.м.

кв.м.

да \_\_\_\_\_ -қаватли уйнинг \_\_\_\_\_ -қавати-  
Уй \_\_\_\_\_ хоналар.

Хоналар \_\_\_\_\_ (фишт, панель, ёғоч, эски, авария ҳолатида)  
Квартира \_\_\_\_\_ (курук, зах, ёргуғ, коронғи)  
\_\_\_\_\_ (алохіда, коммунал)

2. Уй-жойнинг (турар жойнинг) ободонлаштирилиши: \_\_\_\_\_

---



---



---

(сув таъминоти, канализация, иситиш (марказий, печь билан), пардоз берилган, иссиқ сув, ванна, телефон)

3. \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
(турар жойни ижарага олувчи, уй эгаси (кераклисининг таги чизилсан))

4. Ушбу турар жой майдонида яшовчилар:

T/p	Ф.И.О.	Түғил-ган санаси	Қа-риндо-шлик муно-сабат-лари	Бандлиги (фаолият тури)	Ногирон-лик гурухи / Сурункали касаллигининг даражаси
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					

5. Оила моддий ҳолатининг даражаси (паст, ўрта, юқори) ва бундай баҳоланишнинг сабаблари:

---



---



---

6. Турар жойнинг яшаш учун яроқсизлиги сабаблари:

---



---



---

## 7. Комиссиянинг хulosаси:

---



---



---



---

Комиссия аъзоларининг имзолари:

1. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)
2. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)
3. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)
4. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)
5. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)
6. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)
7. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)
8. \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (лавозими)  
(Ф.И.О.)

Ариза берувчи: \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_»

---

«Кишилек курилиш инвест» / «Ўзлахар курилиш инвест» ижтимониятинига ташланганда оларга тақсим этиш учун оғир ижтимоний вазиятга тушиб колган хотин-қизларни яхшилашта эхтиёжи мақалудаги түргисидан \_\_\_\_\_ тумани (шахар) хокимлиги хузурдаги Талауборларни ташлаш бўйича комиссиянинг ёзма тавсияси

№ \_\_\_\_\_

Дастур донрасенда арzon уй-жой куриш учун «Кишилек курилиш инвест» / «Ўзлахар курилиш инвест» ижтимониятинига ташланганда оларга тақсим этиш учун оғир ижтимоний вазиятга тушиб колган хотин-қизларни яхшилашта эхтиёжи мақалудаги түргисидан \_\_\_\_\_ тумани (шахар) хокимлиги хузурдаги Талауборларни ташлаш бўйича комиссиянинг ёзма тавсияси

(доммий яшаш жойининг манзилини кўрсатилади)

(талабгор)

га берилди.

(Ф.И.О.)

Ушбу тавсия \_\_\_\_\_ туман (шахар) хокимлиги хузурдаги Талауборларни ташлаш бўйича комиссия томонидан тузишган 20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» даги \_\_\_\_\_ -сон Аргиза берувинда уй-жой шароитларни яхшилашта эхтиёж амалда мавжудлиги ёки йўқлиги тўгрисидан уй-жой шароитларни текшириш даҳонатномасига мувофик берилди.

Булда,

(талабгорнинг Ф.И.О.)

Куйидаги ижтимоний мезонларга мувофикалии инобатга олинган:

- 1) \_\_\_\_\_ ;
- 2) \_\_\_\_\_ ;
- 3) \_\_\_\_\_ .

(Оғир ижтимоний вазиятга тушиб колган хотин-қизларга, нигоронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларни тўлиқисиз олада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашта муҳтож оналари арzon уйлар берниш тартиби тўгрисидан ижтимоний мезонлар кўрсатилади)

Ушбу ёзма тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда кишилек жойларда янгинашган намунавий лойхалардан кўп квартирали уйларни куриш дастуру тўгрисидан» 2016 йил 21 октябрдаги ПК-2639-сон (ёки «2017 — 2020 йилларда шахарларда арzon кўп квартирали уйларни куриш дастуруни самарали ошириш бораасидаги кўпимчча чора-тадобирилар тўгрисидан» 2017 йил 23 октябрдаги ПК-3350-сон) карорига, ва Оғир ижтимоний вазиятга тушиб колган хотин-қизларга, нигоронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқисиз олада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашта муҳтож оналари арzon уйлар берниш тартиби тўгрисидаги низомга мувофик берилди.

Комиссия раиси

(ИМЗО / МУХР)

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(ИМЗО / МУХР)

(Ф.И.О.)

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_»  
(берилган сана)

Комиссия катibi

## **2.6. Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш =ҳамда реабилитация қилиш**

### **2.6.1. Тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистонда инсон ҳукуқлари, хусусан аёллар ҳукуқларини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш янги босқичга чиқиб, тобора демократик талабларга мослашиб бормоқда.

**2019 йилнинг 2 сентябрь куни** Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ти ҳамда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ти қонунлари қабул қилинганлиги ва уларни амалга ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар асосида бир қатор қарор ва фармойишлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилганлиги юқоридаги фикримизнинг ёрқин исботидир.

“Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ти қонунда зўравонлиknинг 4 тури кўрсатиб ўтилган. Зўравонлик ҳолатлари бўйича аниқланган ёки келиб тушган барча хабарлар ўрганиб чиқилиб, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳимоя ордерлари бериш амалиёти жорий этилди.

Ҳимоя ордери – тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳужжат саналади. Ҳимоя ордерини расмийлаштириш ваколати профилактика инспекторига берилган. Аниқланган ёки келиб тушган барча зўравонлик ҳолатлари юзасидан маълумотлар ҳудудий профилактика инспектори томонидан ўрганиб чиқилиб, 24 соат ичida ҳимоя ордери бериш чоралари кўрилади. Ҳимоя ордери 30 кун муддатга берилиб, шу муддат мобайнинда хавф бартараф этилмаса, уни узайтириш бўйича мурожаатга асосан яна 30 кун муддатга берилади.

Ҳимоя ордери берилишининг асосий мақсади, қаерда бўлишидан қатъи назар, зўравонлик ҳолатларига барҳам бериш ва такрорий зўравонлик ёки тазиқ ҳолатларининг олдини олишdir.

Хотин-қизларга ҳуқуқий, моддий ва тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оиласарни, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-кувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарори ҳам қабул қилингандар.

“Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонунида зўравонликнинг куидаги тўртта турига таъриф берилган:

жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний ҳусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиласиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик ҳусусиятига эга бошқа ҳукуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳукуқлари ва эркинликларига тажовуз қиласиган зўравонлик шакли;

иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озик-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

рухий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-кимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиши-иродасини чеклашга қа-



ратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазийк ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки рухий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Қонунда тазийк ва зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

ўзига нисбатан тазийк ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳди迪 тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

маҳсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқукий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган такдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

содир этилган тазийк ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш.

Тазийк ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиён компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Қонуннинг 7-моддасида Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги худудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласди;

хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Ички ишлар органларининг бу борадаги ваколатлари:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурларни ҳамда конунчилик хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараб этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазийқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилганиги ёки содир этилиши таҳдиidi мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

тазийқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огохлантириш беради;

ҳимоя ордерини беради;

зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишини амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасида бошқа давлат органларининг ҳам ваколатлари белгиланган, хусусан Мехнат органлари:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурларни ҳамда қонунчилик хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан иш жойларидағи тазийқ ва зўравонлиқ ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларидан қатъи назар ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказади;

иш қидираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оиласвий муаммоларга ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга кўмаклашиш чораларини кўради;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Қонунда тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг барча ҳуқуқлари кафолатланиши мустаҳкамланган. Айниқса, таълим олиш борасида тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар учун таълим муассасалари:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурлар ҳамда қонунчилик хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни мажбурий меҳнатга ва гайриижтимоий хулқ-атворга жалб қилиш ҳоллари аниқланганлигига доир фактлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қиласди;

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазийқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахсларни аниқлади ҳамда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек тазийқ ва зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг биринчи навбатда саломатлигини тиклаш, соғлигини муносиб ҳимоя қилиш борасида давлатнинг алоҳида ғамхўрлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлат соғликни саклаш тизимини бошқариш органлари ва соғликни саклаш муассасалари тазийқ ва зўравонликдан жабрланаувчиларга ҳамда уларнинг болаларига, шу жумладан аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тазийқ ва зўравонликдан жабрланаувчиларни бепул даволаш чора-тадбирларини амалга оширади. Шунингдек, уларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда уларни соғликни саклаш муассасаларининг иш амалиётiga жорий этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қиласди. Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш масаласи нафақат давлат, балки умумжамият ишига айланниб бормоқда. Бу борада фуқаролик жамияти-



нинг институтлари бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа институтларнинг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда иштирок этиши борасида қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари мавжуд. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳидаги давлат дастурларини, худудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда иштирок этиши;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амлиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга,

уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оиласда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчилар учун ишонч телефоны ҳам ташкил қилинган бўлиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар давлат кўмитаси ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул телефон линияси тармоги (ишонч телефоны) ишлаб туришини таъминлайди.

### **Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар**

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган файриижтимоий хулқ-атворли шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлардир.

Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар муайян шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос ҳусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, унинг файриижтимоий хулқ-атвори, тазийқ ва зўравонлик содир этишга мойиллиги, шунингдек у содир этган тазийқ ва зўравонликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар ҳам қўлланилади. Тазийқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаат қилганда, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан берилган хабарлар асосида, шунингдек, тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан аниқланганда ёхуд давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар асосида якка тартибдаги чоралар қўлланилади.

Ички ишлар органлари тазийқ ва зўравонлик тўғрисида оғзаки ёки ёзма хабар олганда бундай ҳаракатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган якка тар-

тибдаги чора-тадбирлар кўриши шарт. Бунда, қуидаги якка тар-  
тибдаги чора-тадбирлардан бири ёки бир нечтаси қўлланилади:

профилактик сухбат ўтказиш;

ҳимоя ордерини бериш;

тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш  
бўйича маҳсус марказларга жойлаштириш;

зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастур-  
ларидан ўтиш.

Муайян шахсни жамиятда умум қабул қилинган хулқ-атвор  
нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, гайриижти-  
моий хулқ-атворнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибатларини ту-  
шунтириш, шунингдек қонунда белгиланган жавобгарлик тўғри-  
сида огохлантириш мақсадида профилактик сухбат ўтказилади.

Тазийқ ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган  
вакили томонидан профилактик сухбат тазийқ ўтказиш ва зўра-  
вонлик содир этишга мойил шахслар билан қонунда белгиланган  
тартибда ўтказилади.

Ҳимоя ордери тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчига бери-  
лади. Тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд улар-  
ни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси  
берилади.

Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор  
шахси тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя  
ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўра-  
вонлик хулқ-атворини ўзгартиртиш бўйича тузатиш дастурларидан  
ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор киласи.

Шахс ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги тегишли хужжатни  
имзолашни рад этган тақдирда, ҳимоя ордерини топшираётган  
ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан холислар  
иштирокида далолатнома тузилади.

Тегишли худудда тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибда-  
ги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички

ишилар органининг мансабдор шахси тазийқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичida ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Агар хавф ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини бе-ришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан судга шикоят қили-ниши мумкин.

Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат уни бер-ган ички ишилар органи томонидан амалга оширилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазийқ ва зўравонлиқдан жабрла-нувчилар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб то-пилган шахсларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг номидан ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узай-тириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланув-чилар ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан му- рожаат қилишга ҳақли.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланув-чиларнинг ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғриси-даги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигига кўриб чиқилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазийқ ва зўравонлиқдан жабрла-нувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери уларнинг қонуний ва-килига ёки васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ҳимоя ордери берилганлиги ва узайтирилганлиги тўғрисидаги ахборот васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органига 24 соат ичida юборилади.

Ҳимоя ордерида қуидагилар күрсатилади: ҳимоя ордери расмийлаштирилган сана ва жой, уни расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар, тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, касби ҳамда яшаш жойи, амалдаги қонунчиликка кўра белгиланган чекловларнинг рўйхати.

Ҳимоя ордерида тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг судга мурожаат қилиш ҳуқуки тўғрисидаги, тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг ҳимоя ордери талабларини ба-жармаганлик учун маъмурий жавобгарлиги ҳақидаги маълумот кўрсатилади.

Ҳимоя ордерида қуидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

- тазийқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;
- тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);
- тазийқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;
- тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш;
- тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқукини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муд-

дат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш;

- ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талаблардан ташқари, унга тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зўравонлик хулқ- авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисидаги шарт мажбурий тартибда кири-тилади.

Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши чоғида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши билан бир вақтда иш материаллари жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қи-лиш учун тегишли ҳуқукни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

## **2.6.2. Тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳи-моя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар босқич-ма-босқич олиб борилаётганлиги билан бирга, комплекс ёндошув мавжудлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республика-сининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилин-ганлиги ва улар асосида бир қатор қарор ва фармойишлар ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар страте-гиясида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамоийилларига мос тарзда амалга оши-риш бўйича бир қатор-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратеги-ясида белгилаб қўйилган мақсадларга эришиш учун оғир ижти-моий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш



зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ишларини олиб борадиган давлат тузилмаси ташкил этилди. Бунинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ушбу ҳужжатга кўра, зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва нуронийларни кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази (кейинги ўринларда — Республика маркази) ва унинг худудий бўлимлари ташкил этилди.

29 та Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, худудий ва туманлараро намунали марказлар, шу жумладан, 1 та Республика маркази, 14 та худудий марказ ва 14 та намунали туманлараро марказ ташкил этилди.

Марказларга қуидагилар жойлаштирилади:

зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари;

ўз жонига суикasad қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар.

Марказлар:

худудий ички ишлар ҳамда тиббиёт бўлинмаларига тазиик ва зўравонлиқдан жабр кўрган, шунингдек, ўз жонига суикasad қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар хақида зудлик билан хабар беради;

ички ишлар органларига тазиик ва зўравонлиқдан жабрланган ёки ўз жонига суикasad қилган ёхуд ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг фарзандлари марказларга келиб тушиш сабаблари, шунингдек, уларга кўрсатилган ёрдамлар

тўғрисидаги статистик-таҳлилий маълумотларни ҳар ойнинг якунни билан киритиб боради.

### **2.6.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари: “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”ни юритиш тартиби**

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир вазиятга тушиб қолган қатламини ҳимоя қилиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, камбағаллиқдан чиқариш, тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилиш, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Сўнгти йилларда мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва қасб-хунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича изчил тизим жорий қилинди.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан алоҳида ёндашув асосида иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оиласалар бўйича — «Темир дафтар», ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва қасб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёки бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ни юритиш тартиби йўлга кўйилди. Бунинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оиласаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори билан давлат томонидан кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Ушбу қарорга кўра: «Темир дафтар»га киритилган фуқаролар бўйича:

бандликни таъминлаш;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш;

тадбиркорликка жалб қилиш;

моддий ёрдам ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш;

“Аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар бўйича:

бандликни таъминлаш;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш;

тадбиркорликка жалб қилиш;

моддий ёрдам кўрсатиш;

туар жой ижараси учун компенсация тўлаш;

тиббий, ҳукукий ва психологик ёрдам кўрсатиш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар бўйича: касб-хунар ва тадбиркорлик кўнинмаларига ўқитиш;

бандликни таъминлаш;

тадбиркорликка жалб қилиш;

хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласалар фарзандларининг мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида йиллик ўқиш харажатларини тўлаб бериш;

тиббий, ҳукукий ва психологик ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 марта ги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги и қарорига мувофиқ:

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши томонидан:

туар жойга муҳтоҷ хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини қўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар белгиланиши;

ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллалардаги

“Аёллар маслаҳат кенгашлари” фаолияти мувофиқлаштирилиши, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, уларга услубий-амалий қўмаклаши;

“Аёллар дафтари” билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вактида бартараф этилиши юзасидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши.

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича республика комиссияси томонидан:

“Аёллар дафтари”ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича масъул идора ва раҳбарларнинг натижага йўналтирилган фаолияти йўлга қўйилиши ва мувофиқлаштирилиши;

сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жойлардаги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда хисбот беришни йўлга қўйилган.

### **2.6.3.1. “Темир дафтар”**

“Темир дафтар” — ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оиласаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базасидир.



Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар, эҳтиёж-манд оилалар муаммолари сўровнома асосида ўрганилади.

Ҳар бир сектор бўйича маҳаллабай “Темир дафтар”га қуидаги тоифадаги оилалар киритилади:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартағи 122-сон «Ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш хамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, кам таъминланган оила, деб эътироф этилган оилалар;

ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ I ва II гурух ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар;

кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар;

боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар;

кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтоҷ оилалар; меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар;

тиббий ёрдамга муҳтоҷ эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир

ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гурухи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);

нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турап жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар.

Бунда, agar юқоридаги тоифаларга мос келадиган оилаларнинг аъзолари мос равишда «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларига ҳам киритилган

бўлса, ушбу оилалар рўйхати «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларида юритилади.

Оилаларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишилари қуидаги шаклларда:

бошқарув оғиси томонидан бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари билан биргалиқда барча йўналишдаги муаммоларни уй-ма-уй юриш орқали;

ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оиласларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш орқали;

эҳтиёжманд оиласларни ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари орқали ўрганилади.

Сектор штаби котиби, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари томонидан эҳтиёжманд оиласлар аъзоларининг қизиқишилари, муаммолари ва оиласларнинг ижтимоий ҳолати тўғрисидаги жамланма рўйхат З кундан ошмаган муддатда шакллантирилади.

Жамланма рўйхат шакллантирилган қундан бошлаб 1 кун муддатда секторлар раҳбарларига тақдим этилади.

Секторлар раҳбарлари З кундан ошмаган муддатда жамланма рўйхат кўриб чиқилишини ташкил қилади.

Жамланма рўйхатни кўриб чиқиш жараёнида оиласларни маълумотлари:

туман (шаҳар) маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлимлари (уй хўжалиги дафтари асосида шакллантирилган оиласлар тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари (касаллик тарихи, ногиронлиги бўлган шахслар ва кўрсатилган тиббий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари (ишсизлик нафақаси олувчилар, касб-хунарга ўқитилган ва ўқитиши жараёнидагилар, меҳнат мигрантлари тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шаҳар) солиқ инспекциялари (даромадлар тўғрисидаги маълумот);

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги туман (шахар) бўлимлари (оиланинг номидаги уй-жой (томорқа), молмулк тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шахар) Давлат хизматлари марказлари (никоҳ ва ўлим тўғрисидаги маълумотлар);

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шахар) бўлимлари (пенсия ва нафақалар тўғрисидаги маълумотлар) ва бошиқ ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда оиласаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

Таҳлил натижалари асосида секторлар раҳбарлари томонидан 7 кундан ошмаган муддатда «Темир дафтар»га киритиладиган оиласаларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл ҳаритаси» лойиҳаси имзоланган ҳолда ҳалқ депутатлари туман (шахар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилади.

Ҳалқ депутатлари туман (шахар) Кенгашлари томонидан «Темир дафтар»га киритиладиган оиласаларнинг рўйхатлари ва «Йўл ҳаритаси» белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ижро этиш учун юборилади.

Ҳалқ депутатлари туман (шахар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар секторлар штабларининг котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда “saxovat.argos.uz” ахборот тизими дастурига киритилади.

“Темир дафтар”даги оиласаларнинг ишсиз аъзолари бандлигини таъминлаш қуидидаги йўналишларда амалга оширилади:

туман (шахар)лар ҳокимликлари томонидан инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва худудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

туман (шахар)лар ҳокимликлари томонидан аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия

ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги бўлимлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш, галладан бўшаган ерларда тақорий экин экиши ва оборотдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш ҳисобига бандликни таъминлаш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан солиқ идоралари, тижорат банклари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорлик ва хунармандчиликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш обьектлари ҳамда барча манбалар ҳисобига уй-жой қурилиши обьектларига ишга жойлаштириш.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари, маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда «Темир дафттар»га киритилган оилаларда томорқадан самарали фойдаланишини ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда қўйидаги йўналишларда кўмаклашади:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишини йўлга қўйиш;

“Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари” ни ташкил этиши;

“Темир дафттар” га киритилган оилаларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратиш, ажратилган ер майдонларини сугориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб сугориш тизими ва босқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни

ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, күчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш ишлари амалга оширилади.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олиш истагида бўлган оиласаларга тижорат банкларига ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

бизнес лойиҳаларни худудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузишни ўргатиш;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит олишга кўмаклашиш;

кредит ажратилгандан сўнг кам таъминланган, ижтимоий химояга муҳтоҷ оиласалар тадбиркорлигини ривожлантиришни доимий кўллаб-куватлаш.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида “Темир дафттар” га киритилган оиласаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

- фуқаролар йигинлари томонидан секторлар раҳбарлари билан келишган ҳолда оиласаларнинг эҳтиёжмандлик даражасидан келиб чиқиб (хар бир фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда) бир марталик моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхат туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади;
- туман (шаҳар) ҳокимлиги:

“Саховат ва кўмак” жамғармасининг даромадлари прогнозидан келиб чиқиб туман (шаҳар) молия бўлими билан келишган ҳолда “Темир дафттар”га киритилган оиласаларга бир марталик моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради ҳамда туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Бунда тасдиқлан-

- ган ойма-ой тўлаш графигининг нусхаси фуқаролар йигинларига ҳам тақдим этилади;
- тасдиқланган графикка асосан ҳар ойнинг 5-кунига қадар фуқаролар йигинлари, секторлар раҳбарлари билан келишилган рўйхатлар асосида тўлов ведомостларини шакллантириб, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлимига тақдим этади;
- в) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими тасдиқланган ойма-ой тўлаш графиги ҳамда тўлов ведомостлари асосида “Темир дафтар”га киритилган оилаларга “Саховат ва қўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам тўловларини ҳар ойнинг 5 — 27-кунларида амалга оширади.
- Ойнинг охирги иш қунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам, уни олувчининг номидаги маҳсус депозит ҳисобварагига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси секторлар раҳбарларига тақдим этилади;
- д) туман (шаҳар) секторлар штаби котиби муҳтож оилаларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни “saxovat.argos.uz” ахборот тизимига киритади.

“Темир дафтар”га киритилган уй-жойини таъмирлашга муҳтож оилаларга қўмаклашиш сектор раҳбари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бир марталик моддий ёрдам ажратиш календарь йил давомида бир марта амалга оширилади.

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

тиббий ёрдамга муҳтож оилалар бошқарув офиси томонидан тегишли тиббиёт ходимини жалб қилинган ҳолда ўрганилади;

үрганиш натижаси бўйича касаллиги аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлини-касига юборилади;

тиббий кўриқ натижаси юзасидан кўрсатма бўйича оила аъзолари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбула-тория шароитда даволанади;

ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгилан-ган тартибда кўриқдан ўтиш учун Тиббий-мехнат эксперт комис-сияларига юборилади.

Ижтимоий ахволи ва турмуш шароити оғир оиласалар қўйидаги ҳолларда “Темир дафттар”дан чиқарилади:

бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўл-ганда; бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси хал этилганда оила аъзосининг розилиги билан;

малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;

тўлиқ давлат таъминотига олинганда (“Мехрибонлик”, “Сахо-ват” ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга ўтказилганда);

аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;

ёлғиз яшайдиган эҳтиёжманд фуқаро озодликдан маҳрум этил-ганда ёки вафот этганда;

оила аъзосининг мурожаатига асосан;

“Темир дафттар” га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;

бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда.

“Темир дафттар”га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган оиласаларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа худу-дига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан “Те-мир дафттар”га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилаларни “Темир дафтар”дан чиқариш, унга ўзгартеришлар киритиш халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

### **2.6.3.2. “Аёллар дафтари”**

Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан “Аёллар дафтари”ни юритиши орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий-хукукий, психологик, тиббий ва моддий қўллаб-кувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 марта ги 145-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра, “Аёллар дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш, ушбу хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларни молиялаштириш, мазкур чора-тадбирлар ижроси устидан мониторинг ўрнатиш ҳамда “Аёллар дафтари” рўйхатидан чиқариш тартибини назарда тутувчи “Аёллар дафтари”ни юритиши орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, кам таъминланган ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муаммоларини маҳаллабай ўрганиш ва ҳал этиш ҳамда уларни ижтимоий-иктисодий ва хукукий қўллаб-кувватлаш тартибини белгиланди.

“Аёллар дафтари” — ижтимоий, иктиносий, хукукий, психологик қўллаб-кувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёки бўлган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базасидир. Унга киритилган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш бўйича чора-тадбирлар тегишли қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

“Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

ижтимоий ҳимояга мұхтож ишсиз хотин-қызлар — бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қызлар; тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қызлар бандлиги таъминланмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қызлар;

боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қызлар — боқувчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, руҳий касалликка чалинган, I-II гурух ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган, бедарак йўқолган (суд қарорига асосан) эҳтиёжманд хотин-қызлар, шунингдек, никохи бекор қилинган эҳтиёжманд хотин-қызлар ва эҳтиёжманд ёлғиз оналар (ФХДЁ органларининг маълумотномаси асосида);

ижтимоий ёрдамга мұхтож I ва II гурух ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага мұхтож эҳтиёжманд хотин-қызлар — меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига, шунингдек, тезкор тиббий муолажага мұхтож эҳтиёжманд хотин-қызлар;

уй-жойга мұхтож эҳтиёжманд хотин-қызлар — нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда (кичик ҳовлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қызлар;

қарамогида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қызлар — ногиронлиги бўлган вояга етмаган (I гурух ногиронлиги бўлган фарзанди ёшидан қатъи назар) фарзандини бевосита парваришаётган эҳтиёжманд хотин-қызлар.

Бунда “Аёллар дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қызлар юқоридаги тоифалардан фақат бирига киритилиши мумкин.

“Аёллар дафтари”га хотин-қызлар яшаб турган жойи бўйича киритилади, бунда хотин-қызларнинг яшаш жойи бўйича доимий ёки вақтинча рўйхатда турмаслиги “Аёллар дафтари”га киритишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишилари куидаги шаклларда ўрганилади:

секторлар ишчи гурухлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллаларда фуқаролар йигинлари раислари ва фаоллари билан биргалиқда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар йили январь ойида уйма-уй юриш орқали;

хотин-қизларнинг мурожаатлари, шу жумладан, «Аёллар маслаҳат кенгаши» ва «Аёллар дафтари» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) орқали.

Аёллар маслаҳат кенгашига ва ахборот тизими орқали мурожаат қилинган ҳолатда, анкета-сўровномалар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан тўлдирилиб, сектор ишчи гурухига тақдим қилинади. Секторлар раҳбарлари ва туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари биргалиқда муаммоларнинг ҳаққонийлигини ўрганади ва ҳар ойда ўрганилган ва «Аёллар дафтари»га киритилиши керак бўлган хотин-қизлар рўйхатини халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этади.

Ўрганиш давомида хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишилари анкета-сўровномалар орқали аниқланади.

Анкета-сўровномалар тўлдирилгандан сўнг 3 кун муддатда Иктисадий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланиб, секторлар раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан уларнинг индивидуал дастурлари шакллантирилади.

Индивидуал дастурлар асосида секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан 3 кун-

дан ошмаган муддатда «Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси» лойиҳаси, имзоланган ҳолда, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

“Темир дафтари”га киритилган оиласлардаги хотин-қизлар, фарзанди

“Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, илгари “Аёллар дафтари”га киритилиб, бандлиги таъминланган ёки тадбиркорлиги йўлга қўйилган хотин-қизлар тақороран “Аёллар дафтари”га киритилмайди.

“Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантиришда устуворлик илгари “Аёллар дафтари”га киритилмаган хотин-қизларга берилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оиласлардаги хотин-қизлар

“Аёллар дафтари”нинг фақат “ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар”, “тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар” ва “уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар” тоифаларига киритилиши мумкин.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ва “йўл харитаси” белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ижрога қаратилади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар секторлар штабларининг котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда ахборот тизимиға киритилади.

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш куйидаги тартибда олиб борилади:

1. “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш учун кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турларининг бири берилади.
2. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-куватлаш қуидаги йўналишларда амалга оширилади:
  - 1) ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар учун: бандлигини таъминлаш;
  - 2) зарур ҳолларда, сектор раҳбари хulosаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;
  - 3) тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:  
тадбиркорликни йўлга қўйишга қўмаклашиш;
- 4) бокувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:  
бир марталик моддий ёрдам бериш;  
зарур ҳолларда, сектор раҳбари хulosаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;
- 5) ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:  
бир марталик моддий ёрдам бериш;  
зарур ҳолларда, сектор раҳбари хulosаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;  
тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун зарур тиббий ёрдамлар кўрсатиш;
- 6) уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:  
ижара компенсациясини тўлаш, ижтимоий уйларга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш;

зарур ҳолларда, сектор раҳбари хulosаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

7) карамогида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

бир марталик моддий ёрдам бериш;

зарур ҳолларда, сектор раҳбари хulosаси асосида томорқадан ва дехқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиши.

«Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган:

барча хотин-қизларга уларнинг мурожаатига асосан хукукий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади;

захирага қайтарилган ёки янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонлари дехқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етишириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун дехқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда белгиланган тартибда очиқ электрон танлов орқали 10 йилга ижарага берилади.

Бунда:

дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етишириш ва узумчиликда яхши натижаларга эришган, ушбу соҳалардан бирида таянч мутахассисликка эга бўлган, «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд хотин-қизларга алоҳида устуворлик берилади.

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларнинг бандлигига қуйидаги йўналишларда кўмаклашилади:

а) секторлар раҳбарлари туман (шахар) инвестиция бўлимлари, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари ҳамкорликда тармоқ ва худудий инвестиция

- дастурларига киритилган лойиҳаларда хотин-қизлар учун яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;
- б) секторлар раҳбарлари туман (шахар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;
- в) секторлар раҳбарлари туман (шахар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш;
- г) туман (шахар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Савдо-саноат палатасининг туман (шахар) тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, Давлат солик инспекциялари томонидан касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишида банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш.

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- а) Савдо-саноат палатаси, АТ “Халқ банки”, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси, “Хунарманд” уюшмаси ҳамда худудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ва тегишли нодавлат ўқув марказлари жойларда ўқув курсларини ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг тадбиркорлик кўнникмаларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади;

б) «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шахар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга кўйиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан кредит ажратилади.

АТ «Халқ банки» «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик хисоботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-куватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга масъул хисобланади. Шу билан бир қаторда, Савдо-саноат палатаси билан биргалиқда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ишлари самарадорлигини ўрганади ва ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

Кредитлар «Аёллар дафтари»га киритилган ва тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга кўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бунда кредитлар 33 миллион сўмгача миқдорда ҳокимлар ёрдамчиларининг тавсиялари асосида ажратилади.

Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт воситаси сотиб олишга, маъмурий харажатларни тўлашга, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олишга ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Кредитлар йиллик 14 фоизлик ставкада:

оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган хотин-қизларга — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

чорвачилик (четдан келтирилган наслли кўй ва эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун — 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун — 3 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ажратилади.

Кредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисобварагидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги ҳисобварагига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган ва ўзини ўзи банд қиласиган хотин-қизларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касанчилик, ҳунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн сўмгача микдорида кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

Кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан «Аёллар дафтари»да ҳисобда турган хотин-қизларнинг мурожаат қилиш катъий навбати асосида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган, бироқ кредит олишни рад килган хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасидаги ресурслар ҳисобидан йиллик 14 фоизлик ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш шарти билан самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасидаги ресурслар

хисобидан 225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган тартиб асосида кредит ажратилиши мумкин.

Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор томонидан иш билан таъминланадиган ҳар бир хотин-қиз учун 33 миллион сўмгача миқдорга мутаносиб равишда белгиланади.

**“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат куроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш**

«Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат куроллари (тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, соч турмаклаш, дурадгорлик, чилангарлик, курилиш, кишилек хўжалиги (мотокультиватор, ўт ўриш ўроқ машинаси, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш курилмаси) ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган меҳнат куроллари ва аппратларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси хисобидан қонунчилиқда белгиланган тартибда ёки 10 миллион сўмгача «Аёллар дафтари» жамғармаси маблаглари хисобидан «Аёллар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) карорига мувофиқ субсидия ажратилади.

«Аёллар дафтари» жамғармаси орқали асбоб-ускуна, меҳнат куроллари харид қилиш мақсадида субсидия ажратиладиган холларда, ариза берувчи Васийлик кенгаши раиси номига (аризада фуқаро ўз фаолиятини бошлаши учун керак бўладиган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва тури, сони, тахминий харид нархи ва бошқа қўшимча маълумотлар кўрсатилиши лозим) тақдим этади.

Ариза берувчининг қолган барча маълумотлари (электрон шаклдаги фуқаролик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси нусхаси, тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат

рўйхатидан ўтганлиги ёки ўзини ўзи банд қилган сифатида фаолият турлари бўйича солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат) ахборот тизими орқали инсон омилисиз аниқлаб олинади.

Васийлик кенгаши томонидан фуқаронинг мурожаати З иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ўрганиб чиқилади ҳамда ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Аризани кўриб чиқиши натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ва унда камчиликлар ёки ёлғон маълумотлар аниқланмаган тақдирда, мурожаат қилувчига ўз фаолиятини бошлишига керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш тўғрисида Васийлик кенгашининг қарори расмийлаштирилади.

Васийлик кенгаши қарорида асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва уларни харид қилиш учун ажратиласидиган субсидия миқдори кўрсатилади.

Аризани кўриб чиқиши натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки унда камчиликлар мавжудлиги ёхуд ёлғон маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланган тақдирда, мурожаат қилувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабар берилади.

Васийлик кенгашининг ишчи органи — Оила ва хотин-кизлар бўлими Васийлик кенгаши қарори расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизими орқали қарорда кўрсатилган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини белгилangan тартибда харид қилиш чораларини кўради.

Буюртма асосида асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари етказиб берилганда, бу ҳақда Васийлик кенгашининг ишчи органи қабул қилиб олган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмай ариза берувчини хабардор қилади.

Тегишли асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари ариза берувчига Васийлик кенгаши аъзолари ва ариза берувчи ўртасида тузи-

ладиган далолатнома асосида топширилади. Далолатномада ариза берувчига тақдим этилаётган асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроларининг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддати, харид қилинган нархи ва вақти кўрсатилиши керак.

### **«Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш**

Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаси ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлиқда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш куидаги йўналишларда амалга оширилади:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишини йўлга қўйиш; деҳқончилик билан шугулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида ҳар томонлама кўмаклашиш;

«Томорка хизмати» ташкилотлари ва дала дўконлари ташкил этиши.

### **«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш**

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида «Аёллар дафтари» жамғармаси маблаглари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилади.

Бир марталик моддий ёрдам «Саховат ва кўмак» жамғармаси ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан ҳам берилиши мумкин.

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

- а) маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари секторлар раҳбарлари билан биргаликда, «Аёллар дафтари»га киритилган хо-

тин-қизларга бир марталик моддий ёрдам бериш микдорлари (суммаси) кўрсатилган рўйхатни (ҳар бир хотин-қизнинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти серияси ёки идентификацияловчи ID-картаси раками кўрсатилган ҳолда) туман (шахар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этади;

б) туман (шахар) оила ва хотин-қизлар бўлими:

«Аёллар дафтари» жамғармасининг даромадлари ва тушумлари прогнозидан келиб чиқиб, туман (шахар) молия бўлими билан келишилган ҳолда, бир марталик моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради ҳамда Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Бунда тасдиқланган ойма-ой тўлаш графигининг нусхаси маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига ҳам тақдим этилади; тасдиқланган графикка асосан ҳар ойнинг 5-санасига қадар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида тўлов ведомостлари ни шакллантириб, туманлар (шахарлар) ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) тақдим этади;

в) туманлар (шахарлар) ҳокимликларининг бухгалтерия бўлимлари тасдиқланган ойма-ой тўлаш графиги ҳамда тўлов ведомостлари асосида «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари хисобидан зарур маблағларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) кўчиради;

г) хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг 5—27- саналарида амалга оширилади. Ойнинг охириги иш кунида ведомостлар ёпилади. Ойнинг 27 санасига қадар тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдамга йўналтирилган маблағлар «Аёллар дафтари» жамғармасига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси туман (шахар) ҳокимлиги ҳамда оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этилади;



д) туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими мухтоҷ хотин-қизларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимиға киритади ҳамда ёпилган ведомостнинг нусхасини тегишли маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига тақдим этади.

Бир марталик моддий ёрдам бир календарь йили давомида бир маротаба берилади.

Сектор раҳбарлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан «Аёллар дафтари»га киритилган I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, шунингдек, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор ёлгиз оналарга қўшимча моддий ёрдам бериш чораларини кўриб боради.

### **«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга тураг жой ижара компенсациясини тўлаш**

Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда фуқароларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишилари «хонадонбай» ҳамда уларнинг мурожаатлариiga асосан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича фуқаролар йигинлари раислари ва хотин-қизлар фаоллари томонидан тураг жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабномалар шакллантирилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга тураг жой ижара компенсацияси мазкур талабномалар ҳамда секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғининг хulosаси асосида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Бунда:

тураг жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама — ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ўртасида тегишли йилнинг сўнгги кунигача бўлган муддатга тузилади;

тураг жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми «Аёллар дафтари» жамгар-

маси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Тураг жой ижараси учун тўловлар ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ва уларнинг бирга яшайдиган оила аъзолари бошқа дастурлар доирасида, ҳомийлик ёки бошқа маблағлар ҳисобидан уй-жой билан таъминланган ёхуд уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича ижтимоий ёрдам (кўмақ) олган ёки имтиёзлардан фойдаланган хотин-қизларга тураг жой ижара компенсацияси ажратилмайди.

Тураг жой ижара компенсацияси тўлаб турилган даврда уй-жой билан таъминланган ёки ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга янги тураг жойга кўчиб ўтган ойдан бошлаб кейинги ойнинг биринчи санасидан тураг жой ижара компенсацияси тўхатилилади. Мазкур тартиб ажратилган тураг жой яшаш учун шарорити мавжуд бўлган ҳолда хотин-қизлар томонидан кўчиб ўтиш рад этилган тақдирда ҳам кўлланилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий уй-жойларга ижара ҳукуки асосида беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга кейинчалик узайтириш имконияти билан жойлаштирилиши ёки ҳомийлар томонидан мулк ҳукуки асосида уй-жой билан таъминланиши мумкин.

Ушбу бандда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш учун хотин-қизларга ижтимоий контракт асосида касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича ижтимоий мажбуриятлар юкланади.



## **«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш**

Секторлар ишчи гурухлари томонидан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойи ҳолати ўрганилади ва нуқсон далолатномаси ҳамда таъмирлаш ёки қурилиш материалларини олиб бериш бўйича смета ишлаб чиқилиб, «Аёллар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига киритилади.

Ҳар бир уй-жойни таъмирлаш ишларига «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 барабаригача миқдорда маблағ ажратилади.

Васийлик кенгashi томонидан таъмирлаш сметаси бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, маблағ ажратилади ҳамда қурилиш ташкилотига (пудратчига) ёки қурилиш материаллари етказиб берувчи корхонага ўтказиб берилади.

Бунда қурилиш ташкилотга (пудратчи) ёки қурилиш материаллари етказиб берувчи корхона давлат харидларининг электрон тизими орқали аниқланади.

Секторлар раҳбарлари туманлар (шаҳарлар) қурилиш бўлимлари билан биргаликда маблағ ажратилган вақтдан бошлаб таъмирлаш ишлари сифатли бажарилишини ташкил этади ва назорат қиласи.

## **«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш**

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гурух ногиронлиги бўлган фарзандларининг ўшидан қатъи назар) фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати сектор ишчи гурухи томонидан аниқланганда, уларнинг саломатлиги ҳудудий бирламчи тиббий-санитария муассасасидан шифокор жалб қилинган ҳолда баҳоланади.

Ўрганиш натижасига кўра тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати тиббиёт ходими томонидан аниқланганда, белгиланган тартибда

тегишли бирламчи тиббий-санитария муассасасига йўналтирилади ва стационар ёки амбулатор даволаниш масаласи ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари хисобидан тиббий ёрдам қўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирмайдиган, аммо бирламчи тиббий-санитария муассасаси томонидан вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб то-пилган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамогида I гурух ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг даволаниши билан боғлиқ бўлган харажатлар, секторлар раҳбарлари хulosасига асосан «Аёллар дафтари» жамғармаси ва Оила ва хотин-қизларни кўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари хисобидан белгиланган тартибда қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари хисобидан тиббий ёрдам қўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирадиган вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб то-пилган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамогида I гурух ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандлари белгиланган тартибда электрон навбатга кўйилиши таъминланади.

Ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтиш учун Тиббий-мехнат эксперт комиссияларига юборилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамогида I гурух ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хulosалари билан тиббий муолажа харажатлари «Аёллар дафтари» жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни кўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари хисобидан тўлаб берилади.

Бунда дори-дармон олиб бериш учун базавий ҳисоблаш миқдо-рининг 20 бараваригача ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари

учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдордаги харажатлар «Аёллар дафтари» жамгармаси ҳисобидан тўлаб берилади;

«Аёллар дафтари»га киритилган I ва II гурух ногиронлиги бўлган ёки сурункали касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гурух ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг, шунингдек, лозим бўлганда I гурух ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун бориш-келиш йўл харажатлари секторлар раҳбарлари хulosасига асосан «Аёллар дафтари» жамгармаси ҳисобидан тўлаб берилади.

Бунда хотин-қизлар йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларни тегишли туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этади.

Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, йўлкирага ҳақ тўлаш ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Беморни маҳсус транспорт воситасида тиббий муассасага етказиши лозим бўлган тақдирда, йўл харажатларини тўлаб бериш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси хulosаси олинади.

### **«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш**

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга сайёр қабуллар орқали қуидагилар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади:

прокуратура органлари — ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, судга мурожаат килиш тартибини тушунтириш, судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

ички ишлар органлари — тазиик ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш, такрорий зўра-

вонлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактик суҳбатдан ўтказиш ва зўравонлик содир этган шахсни тузатиш дастуридан ўтиш бўйича ваколатли органга юбориш, ҳимоя ордери талабларининг ижросини назорат қилиш ҳамда унинг талаблари ни бузуб зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ваколати доирасида чора кўриш;

адлия органлари — ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

### **«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга психологияк ёрдам кўрсатиш**

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга «Аёллар маслаҳат кенгаси», Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, унинг худудий ва туманлараро намунали марказлари, Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази хузуридаги «Хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик маслаҳатхонаси», таълим мусассасаларининг, малакали психологлари томонидан психологик маслаҳатлар бериб борилади.

### **«Аёллар дафтари» дан чиқариш тартиби**

Хотин-қизлар қўйидаги ҳолларда «Аёллар дафтари»дан чиқарилади: ҳар бир тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (индивидуал дастур асосида); тўлиқ давлат таъминотига олинганда; ўз аризасига кўра;

«Аёллар дафтари»га ноқонуний киритилганлиги аниқланганда; бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;

шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни «Аёллар дафтари»дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Доимий ва вақтінча яшаш учун республиканинг бошқа ҳуду-  
дига күчіб ўтганда, доимий яшаш ва вақтінча турар жойи бүйи-  
чада олинган кундан бошлаб 15 кундан кечіктірмасдан «Аёл-  
лар дафтари»га тегишли ўзgartиришлар киритилади.

Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар  
бўлими бошлиғи, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, хо-  
ким ёрдамчилари билан келишилган ҳолда, «Аёллар дафтари»дан  
чиқариш юзасидан таклифларни ҳар йили декабрь ойида ҳалқ де-  
путатлари туман (шаҳар) Кенгашилари мухокамасига киритади.

Хотин-қизларни «Аёллар дафтари» рўйхатидан чиқариш, «Йўл  
харитаси» ва индивидуал дастурларга ўзgartиришлар ҳалқ депу-  
татлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида киритилади.

Ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асоси-  
да «Аёллар дафтари»дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги  
маълумотлар секторлар штаблари котиблари томонидан 3 кундан  
ошмаган муддатда ахборот тизимиға киритилади.

«Аёллар дафтари»дан чиқарилган хотин-қизлар туман (шаҳар)  
оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан 5 кун ичидаги ёзма  
равишда хабардор қилинади.

### **2.6.3.3. “Ёшлар дафтари”**

Мамлакатимизда ёшларга оид масалалар давлат сиёсатининг  
устувор йўналиши сифатида эътироф этиб келинмоқда. Ушбу дав-  
лат сиёсатини амалга ошириш борасида босқичмабосқич янги чо-  
ра-тадбирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш механизмлари  
хам такомиллашиб бормоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, ишсиз ва ижтимоий фаол бўл-  
маган ёшлар билан «Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ишлаш  
тизимини янада такомиллашириш, уларни ҳар томонлама қўл-  
лаб-қувватлаш, шунингдек, олий таълим ташкилотлари талабала-  
ри ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни шакллантириш, та-  
лаба ва ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада ошириш ҳамда  
уларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022  
йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизи-

мини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 312-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-кувватлаш жамғармалари ташкил этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-кувватлаш жамғармалари ҳам ташкил топди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар)лардаги “Ёшлар дафтари” жамғармала-ри тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Қарор билан “Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равища ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан “Ёшлар дафтари”га кири-тилган ва моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёр-дам кўрсатиш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга уларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўкув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини ти-зимли равища ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш, ижтимоий-иктисодий, психологик ҳимояга мухтоҷ ҳамда икти-дорли ва фаол ёшларга кўмаклашиш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни касб-хунарга ўрга-тиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик лой-ихалари ва ташаббусларини қўллаб-кувватлаш;

“ёшларнинг истеъодларини қўллаб-кувватлаш, беш муҳим та-шаббус доирасидаги тадбирларни молиялаштириш ҳамда амалий

ёрдамлар түлиқ күрсатиши орқали ёшларни “Ёшлар дафтари”дан чиқариш тартиблари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри, шунингдек, туман (шаҳар)лардаги «Ёшлар дафтари» жамғармалари тұғрисидеги Низом ҳам юқорида қайд этилган қарор билан тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра туман (шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари куйидагиларга сарфланади:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ва моддий аҳволи оғир ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда — БҲМ) 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам күрсатишга;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорлик ва қасб-хунарга ўқитиш учун сарфланған харажатларнинг 75 фоизигача қисмини, бироқ бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўкув курслари учун тегишлича БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қисмини қоплашга;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга уларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомототранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ўкув курси харажатларини қоплаш учун БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

«Ёшлар дафтари»га киритилган, деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун БҲМнинг 8 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини кўпи билан бир йилда 30 фоиз, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача миқдорда қоплашга;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилишга БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган, «Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандларининг, шунингдек, «Ёшлар дафтариға» киритилган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб беришга;

ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича олти ойгача муддатли ўкув курслар учун ҳар ойда БХМнинг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўкув курслари учун ҳар ойда БХМнинг 1 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг фуқаролик паспорти (биометрик паспорт) олиш бадалини қоплаб бериш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш харажатлари учун БХМнинг 4 бараваригача ҳамда халқаро босқичларida қатнашиш харажатлари учун БХМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш оилаларнинг ўкувчи фарзандлари учун бир календарь йилида бир маротаба мактаб формаси ҳамда ўкув қуроллари учун харажатларини қоплаш;

«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ҳамда тенгдошлари орасида намуна кўрсатган фаол ёшларнинг мамлакатимиз бўйлаб туризм объект-



ларига саёҳатлари учун меҳмонхона ва йўл харажатларини қоплаб бериш;

ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишига ихтисослашган таълим ташкilotларининг уч ой муддатгача нотурар жой ижара харажатлари учун БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратишига;

моддий аҳволи оғир бўлган 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия ажратишига;

психологик маслаҳатга муҳтоҷ ёшларнинг сафарбарлик чакируват нотижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пулли психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплашга;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёшларнинг сафарбарлик чакируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратишига;

ёшларга янги турмуш кураётганда, ўз хонадонида қўшимча уйжой куриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишига кафиллик беришга;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёш оиласларга ҳар ойда БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда 12 ойгача турар жой ижараси учун субсидия ажратишига;

Ёшлар ишлари агентлиги директори томонидан тасдиқланган календарь режада белгиланган маҳалла, сектор ва туман (шаҳар) даражасидаги лойиҳалар, ёшлар фестиваллари, форумлар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни молиялаштиришга;

маҳалладаги ёшлар етакчисининг туман (шаҳар) Васийлик кенгашига киритган илтимосномасига биноан Кенгаш раиси Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармасига «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан етарли даражада ҳал килинганлиги тўғрисида ахборот беради. Мазкур ахборот асосида

Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармаси тавсияси билан туман (шаҳар) жамғармасидаги мавжуд маблағлар ҳисобидан маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун қўшимча шароитлар яратишга мўлжалланган енгил турдаги кичик кутубхоналар ва спорт обьектларини барпо этиш ҳамда уларни замонавий жиҳозлашга маблағ йўналтириш;

қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа харажатларни қоплашга йўналтирилади.

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллада ёшлар сиёсати соҳасида ташкил этиладиган лойиҳа, танлов ва тадбирларини молиялаштириш ёшлар ишлари агентлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда календарь режага киритилгандан сўнг худудий ва туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

«Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш субсидия, компенсация ва моддий ёрдамларни бериш орқали амалга оширилади.

«Ёшлар дафтари»ни шакллантириш қуидаги тартибда амалга оширилади:

«Ёшлар дафтари»га доимий ёки вактинча яшаш жойи бўйича ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) қуидаги тоифадаги:

- оила аъзоси «Темир дафтари», «Аёллар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган;
- боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган;
- ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;
- ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ишга лаёқатсиз;
- I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- фарзандида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;



- ота-онасидан бирида I ёки II гурух ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисида I ёки II гурух ногиронлиги бўлган;
- юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган;
- зўравонлик ва эксплуатация, табиий оғатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;
- «Мехрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оиласидан болалар уйида тарбияланган;
- ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳаки (мехнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;
- даволанишга муҳтоҷ бўлган бемор ёшлар;
- жазони ижро этиши муассасаларидан қайтган;
- муайян яша什 жойига эга бўлмаган;
- психологик маслаҳатга муҳтоҷ;
- никоҳи қайд этилганига уч йилдан ошмаган ёш оила;
- дәхқончилик ёки томорқа хўжалигини юритаётган;
- ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

Ариза берувчига «Ёшлар дафтари»га киритилганлиги ёки киритиш рад этилганлиги ҳақида асосланган хабар, шу жумладан, СМС-хабарнома юборилади.

Ариза берувчи «Ёшлар дафтари»га киритилганда тизим томонидан автоматик тарзда ариза берувчи ушбу Низомга мувофиқ олмоқчи бўлган ёрдам турини олиш ҳақидаги ариза унинг номидан шакллантирилади ва ушбу ёрдам турини бериш ёки бермаслик юзасидан тавсия бериш учун ариза берувчининг яшаб турган жойидаги маҳалланинг ёшлар етакчисига йўналтирилади.

## **«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш**

«Ёшлар дафтари»га киритилган моддий ахволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам ҳар бир индивидуал ҳолатда ариза берувчининг ҳаётий вазияти мураккаблигини, унинг ижтимоий химояга муҳтож эканлигини инобатга олган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда тўлаб берилади.

Ариза берувчи бир марталик моддий ёрдам ажратишни сўраб маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза беради.

«Ёшлар дафтари» жамғармасининг ишчи органи муҳтож ёшларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар қайднома нусхаси тақдим этилган кундан бошлиб уч кун муддатда электрон платформадаги ёшларнинг индивидуал сўровномасига киритилишини таъминлайди. Моддий ёрдам шахсга бир календарь йил давомида бир маротаба берилади.

## **«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш курслари харажатларини қоплаш тартиби**

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисми ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўқитиш хизматини кўрсатган нодавлат таълим ташкилоти ёки касб-хунарга ўқитиш марказига қоплаб берилади.

Бунда ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисми, бироқ бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун тегишлича БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади.

Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан ўқиши харажатларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг уч иш куни ичида ўқув курси учун белгилан-

ган маблағлар ариза берувчининг ўқиганлигини тасдиқловчи ҳисоб-фактура ва далолатномага асосан таълим ташкилотининг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби**

«Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курсининг харажатларини қоплаш учун БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўқитиш хизматини кўрсатган давлат ва нодавлат таълим ташкилотига субсидия ажратилади.

Ўқиши ҳаражатларининг колган қисми ариза берувчи томонидан таълим ташкилотига тўлаб берилади.

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курсида ўқиши истагида бўлган ариза берувчи ўқитиш курслари ҳаражатлари учун субсидия ажратишни сўраб Васийлик кенгашига ўзи ва таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этади.

Тақдим этилган хужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

Ушбу бандда назарда тутилган хужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгashi уч иш куни ичida мурожаатни унга илова килинган хужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиши учун юборади.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси беш иш куни ичida мурожаатни кўриб чиқади ва ўқиши ҳаражатларини қоплаш ҳақидаги тавсиянома ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгагиши томонидан ўқиши харажатларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг уч иш куни ичida ўқув курси учун белгилangan маблағлар ариза берувчининг ўқиганлигини тасдиқловчи хисоб-фактура ва далолатномага асосан таълим ташкилотининг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси ариза берувчининг ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини ҳар ойда камида бир марта мониторинг қилиб боради.

Ўрганиш жараёнида ариза берувчи ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ўқув курси харажатларини қоплаш тўхтатилиди ва тўланган сумма белгилangan тартибда ундирилади.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган дехқончилик  
ва томорқа хўжалигини юритиш билан  
шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар  
харид қилиш учун субсидия ажратиш тартиби**

Томорқа ер эгаси бўлган ёки дехқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдони ажратиб берилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун БХМнинг 8 бараваригача микдорда ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамгармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратилади.

Субсидия ажратиш учун ариза берувчи Васийлик кенгашига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

ариза берувчининг эгалигида ёки фойдаланишида бўлган ерга нисбатан хукуқини тасдиқловчи хужжат (ижара шартномаси ва бошқалар);

уруғлик ва кўчатларни харид қилиш бўйича етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома нусхаси. Шартномада етказиб берувчининг номи, СТИР, харид қилинадиган маҳсулот номи, тўлов суммаси кўрсатилиши лозим.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза беруви жавобгар хисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси ёшлар етакчиси ва тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда «Ёшлар дафтари»га киритилган ариза берувчининг мурожаати тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида жойига чиқсан ҳолда ариза берувчининг томорқа ерида ёки дехқончилик билан шугулланиш учун ажратилган экин майдонида уруғлик ва кўчатлар экиш учун мавжуд шароитни ўрганади.

Ҳоким ёрдамчиси ўрганиш натижаларига кўра, ариза берувчининг томорқа ерига ёки дехқончилик билан шугулланиш учун ажратилган экин майдонида уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш ҳақидаги тавсиянома ёки рад қилиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига киритади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Агар ҳоким ёрдамчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бошлаб беш куни ичида кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлганда Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳукуқига эга бўлади.

Васийлик кенгашининг қарорига асосан уч иш куни ичида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия етказиб берувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

### **«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотурар жойнинг ижара харажатларини қоплаш тартиби**

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солик хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёш фуқарога фаолиятини амалга ошираётган нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда 30 фоизи, бироқ БХМнинг 25 бараваригача бўлган қисми ҳоким ёрдамчisinинг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси

маблағлари ҳисобидан ижарага берувчи ташкилотга қоплаб берилади.

Нотурап жойнинг ижара харажатларини қоплаш учун ариза берувчи Васийлик кенгашига куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- тадбиркорлик субъекти гувоҳномаси нусхаси ёки ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи маҳрициали штрих кодли (QR-код) маълумотнома;
- ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдиришнома;
- ижара шартномаси нусхаси. Бунда ижара шартномасида ижарага берувчининг номи, СТИР, ижара муддати, ижаранинг бир ойлик ва умумий тўлови миқдори кўрсатилиши лозим.

Тақдим этилган хужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

Хужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгashi уч иш куни ичida мурожаатни илова қилинган хужжатлар билан бирга ариза берувчи фаолият юритиб келаётган маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига кўриб чиқиш учун юборади.

Ҳоким ёрдамчиси беш иш куни ичida ижара харажатларини қоплаш ҳақидаги тавсияномани ёки рад этиш ҳақида хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, ижара харажатларини қоплашни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асослантириши талаб этилади.

Агар ҳоким ёрдамчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бославбеш иш куни ичida кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишини асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлганда Васийлик кенгashi унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгashi томонидан ижара харажатларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилинганда ариза берувчи бино ва иншоотдан фойдаланаётганилиги тўғрисида ижарага берувчи билан ҳар ой якуни бўйича ту-

зиладиган ва кейинги ойнинг 5-кунигача тақдим этиладиган ҳисоб-фактура ва далолатномага асосан Васийлик кенгаши бино ва иншоотнинг ижара ҳақи учун тўловни уч иш куни ичида ижарага берувчининг хисоб рақамига ўтказади.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик  
фаолиятини бошлиш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур  
бўлган асбоб-ускуналар ёки меҳнат қуролларини  
харид қилишга субсидия ажратиш тартиби**

Тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлимоқчи бўлган ёшларга асбоб-ускуна ёки меҳнат қуроллари (мотокультиватор, ўт ўриш ўроқ машинаси, перфоратор, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш қурилмаси, дурадгрорлик, чилангарлик ускунаси, қурилиш ускунаси, компьютер жамланмаси ва бошқалар)ни харид қилиш учун БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

Асбоб-ускуна ёки меҳнат қуроллари учун субсидия ажратиш учун ариза берувчи Васийлик кенгашига унга зарур бўлган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларининг тури, миқдори, товарнинг маркаси, тахминий харид нархи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Хужжатлар тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгаши уч иш куни ичида мурожаатни унга илова қилинган хужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига кўриб чиқиш учун юборади.

Ҳоким ёрдамчиси беш иш куни ичида асбоб-ускуна ёки меҳнат қуроллари учун субсидия ажратиш ҳақидаги тавсияни ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Агар ҳоким ёрдамчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни

асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг му- рожаати ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлганда Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўла- ди.

Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилинганда асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларини етказиб берувчи ташкилот давлат харидларининг электрон тизими орқали беш иш куни ичи- да аниқланади, асбоб-ускуна ёки меҳнат қуроли етказиб берувчи ташкилот томонидан тақдим этилгандан сўнг Васийлик кенгаши- ning ишчи органи ва ариза берувчи ўрганишида тузиладиган дало- латнома асосида ариза берувчига уч иш куни ичидаги топширилади.

Ариза берувчига ажратилган субсидия асосида харид қилинган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларидан самарали фойдаланилаёт- ганлиги, унинг техник ҳолати созлиги кафолат муддати давоми- да ҳоким ёрдамчиси томонидан ўрганилади. Ўрганиш давомида асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларидан иш фаолиятида фойдала- нилмаганлиги аниқланган тақдирда, Васийлик кенгаши томони- дан ариза берувчидан субсидия асосида берилган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларини қайтариш чоралари кўрилади.

**«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга  
профессионал ва олий таълим ташкилотлари  
ўқувчи-талабаларининг таълим тўлов-контракт  
суммасининг бир қисмини тўлаб бериш тартиби**

Республикамиздаги профессионал таълим ташкилотларида таълим олаётган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фао- лият кўрсатаётган барча олий таълим ташкилотларида (давлат, нодавлат олий таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республика- си худудидаги хорижий олий таълим ташкилотлари ва хорижий олий таълим ташкилотларининг филиалларида) бакалавриатнинг кундузги, сиртқи ва кечки шаклида, магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган ўқувчи-талабаларга тўлов-контракт асосида ўқиши бўйича йиллик харажатларининг бир қисми қоплаб берилади.

## **Юқоридагилардан ташқари «Ёшлар дафтари»га киритилған ёшларга қуидеги йўналишлар бўйича субсидиялар ажратилади:**

- 1) «Ёшлар дафтари»га киритилған ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун олти ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг бир бараваригача миқдорда маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

«Ёшлар дафтари»га киритилған ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг уч ой муддатгача нотурар жой ижара харажатлари учун БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижарага берувчи ташкилотга қоплаб берилади.

Бунда нодавлат таълим ташкилотида ўқиётган жами фукароларнинг энг камида бешдан бир қисми «Ёшлар дафтари»га киритилған ёшлар бўлса, ўқув марказига ушбу имкониятдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Ушбу харажатларни қоплаш учун Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ҳам қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда субсидия ажратилиши мумкин.

- 2) «Ёшлар дафтари»га киритилған бемор ёшларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.
- 3) «Ёшлар дафтари»га киритилған психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пулли психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида БҲМнинг

4 бараваридан ошмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратилади.

Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш республика маркази, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, худудий ва туманлараро намунали марказлари, Одам савдоси жабрдий-даларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази, Республика ижтимоий мослашув маркази, таълим муассасалари ва хусусий ташкилотларнинг малакали психологлари томонидан маслаҳатлар берилади.

- 4) «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг сафарбарлик чақируви захирасидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун маҳалладаги ёшлар етакчисининг тавсияси асосида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратилади.
- 5) «Ёшлар дафтари»га киритилган, никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёшларга якка тартибдаги ўз хонадонида қўшимча уй-жой куриш учун 33 млн сўмгача гаровсиз кредит ажратишда «Ёшлар дафтари» жамғармасининг кафиллиги мувофиқ берилади.
- 6) «Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиласарга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратилади.

Бунда эр-хотиннинг ҳар иккиси ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) бўлиши, мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлмаган, илгари мақсадли дастурлар доирасида имтиёзли ипотека кредитлари орқали квартира ёки якка тартибдаги уй-жойлар билан таъминланмаган, ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ёки уй-жойлар таъминоти билан боғлиқ бошқа имтиёзлардан фойдаланмаган ҳамда ҳар иккиси ёки бири «Ёшлар дафтари»га киритилган бўлиши талаб этилади.

- 7) Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасидаги тад-

бирларни молиялаштириш, яъни календарь режада белгиланган лойиха, танлов ва тадбирларни маҳалла, сектор, туман (шаҳар) ва худуд даражасида ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ҳар бир маҳалла даражасидаги тадбирларга бир календарь ой учун БҲМнинг 10 бараваригача маблағ ажратилади. Календарь режага киритилмаган тадбирлар «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағларидан молиялаштирилишига йўл қўйилмайди.

Календарь режага киритилган лойиха, танлов ва тадбирларни сектор ва туман (шаҳар) босқичларини молиялаштириш Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан асосли ҳисоб-китоб қилинган ҳолда Васийлик кенгашига юборилади. Васийлик кенгаши мурожаатга асосан қарор қабул қиласди ва тадбирларни молиялаштириш чораларини кўради.

8) «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларнинг бандлигига куйидаги йўналишларда кўмаклашилади:

секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари томонидан «Ишга марҳамат» мономарказлари, давлат ва нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканларида касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, туман (шаҳар) инвестиция бўлимлари, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари ҳамкорлигида тармоқ ва

худудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда ёшлар учун яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ҳамда аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари билан биргаликда фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативларига жалб қилиш, шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини 0,10 гектардан 1 гектаргача белгиланган тартибда очик электрон танлов орқали 10 йилга ижарага ер бериш;

секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари, қурилиш бўлимлари билан биргаликда худуддаги қурилиш ишларига жалб қилиш;

туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари билан биргаликда ёшлар бандлигига қўмаклашиш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ёшларни ишга қабул қилган иш берувчиларни рафбатлантириш мақсадида субсидиялар ажратишга қўмаклашиш.

9) «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда қўмаклашиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

а) Савдо-саноат палатаси ва «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси томонидан;

- б) «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан кредитлар ажратилади.
- 10) «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш қўйидагича:

Ёшларнинг хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 15 сентябрдағи ПҚ-4829-сон қарори асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

уюштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижга чиқиб кетаётган ёшлар ишга юборилишидан олдин давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида, хусусан худудлардаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари, маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканларида касб-хунарга ўқитилади (хорижий иш берувчининг малака талабларига жавоб берадиган шахслар бундан мустасно);

уюштирилган меҳнат миграцияси йўли билан чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёшларнинг ҳақ-хукуқларини таъминлашга ва кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

Меҳнат миграциясидан кайтиб келган ёшларни реинтеграция қилиш, шу жумладан уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рагбатлантириш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чоралар-тадбирлар кўрилади.

### **«Ёшлар дафтари»дан чиқариш тартиби**

Ёшлар қўйидаги ҳолларда «Ёшлар дафтари»дан чиқарилади:

- қонунчиликда белгиланган тегишли тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (бир марталик моддий ёрдам кўрсатилганлиги бундан мустасно);
- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- ўз аризасига кўра;
- «Ёшлар дафтари»га ноконуний киритилганлиги аниқланганда;
- бошқа давлатларга ишлаш ёки доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишини назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг «Ёшлар дастури»га киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни «Ёшлар дафтари»дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Иш берувчи томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ёки ижтимоий солиқ тўлови ҳисобланганда ҳамда ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг марказлаштирилган ахборот базасида ва Ягона миллый меҳнат тизимида акс этган тақдирда, иш билан бандлиги таъминланган деб ҳисобланади ҳамда «Ёшлар дафтари»дан чиқариш учун асос бўлади.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа худудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмасдан «Ёшлар дафтари»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

«Ёшлар дафтари»дан чиқарилаётган ёшлар бир кун ичida бу хақида хабардор қилинади.



Ш БОБ.

МЕҲНАТ  
МУНОСАБАТЛАРИГА  
ДОИР АСОСИЙ  
МАСАЛАЛАР

### 3.1. Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва меҳнатга оид муносабатларда камситиш ва мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши

Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизлиқдан ҳимояланиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида кўрсатилган бўлиб, бу ҳукуқлар инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳукуқлари туркумига киради.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, жамоа келишувлари, шунинdek жамоа шартномалари ва бошقا локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

#### Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик

<i>Меҳнат кодекси</i>
<i>Ўзбекистон Республикаси қонулари ва Олий Мажлис қарорлари</i>
<i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари</i>
<i>Корақалпогистон Республикаси қонулари ва Жўқорги Кенгес қарорлари</i>
<i>Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳамда Корақалпогистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари</i>
<i>давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиласиган қарорлар</i>

**Жамоа шартномаси** — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иктисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат.

**Жамоа келишуви** — муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафо-

латлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувиши норматив ҳужжат.

**Локал норматив ҳужжат** – ходимлар вакиллик органи розилигини инобатта олган ҳолда иш берувчи томонидан корхона доирасида қабул қилинадиган ҳужжат.

### **Савол**

*Мен иш берувчи билан түзилған меңнат шартномасыга асосан хусусий корхонага шыга кирдим. Баъзи күнлари корхона раҳбари билан келишиб олган вазифалардан ташқари ишларни баҗаршишимга ва қўпроқ вақт ишлашимга тўғри келяпти. Корхона раҳбаридан мен илгари давлат корхонасида ишлаганим сабабли, меңнатга оид муносабатлар доирасида ўз ҳуқуқларим ҳақида сўраганимда, у менга давлат корхонасида бошқа қонунчилик, буни хусусий корхона фаолиятида қўллаб бўлмайди, деб жавоб берди. Корхона раҳбарининг ҳаракатлари тўғрими?*

### **Жавоб**

*Корхона раҳбарининг хатти-ҳаракатлари қонунга зид. Негаки, Меңнат кодексининг амал қилиши доираси мулкчилик ва ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча иш берувчилар ва ходимларга ( меңнат шартномаси асосида фаолият юритаётган) нисбатан татбиқ этилади. (МКнинг 1-моддасига қаранг)*

Барча фуқаролар меңнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмалиги мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меңнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меңнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади. (МКнинг 6-моддаси)

**Изоҳ:** *Меңнат соҳасида меңнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногирон-*



лар ва бошқалар) түгрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан бөглиқ фарқлашилар камситиш деб ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони кўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбуrlаш тақиқланади.

Куйидаги ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди:

- ҳарбий ёки муқобил хизмат түгрисидаги қонун ҳужжатлари асосида;
- фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар.

### **Савол:**

Мен тиббиёт бирлашмасида ҳамишира вазифасида фаолият юритаман. Муассасамиз раҳбари барча ҳамишираларни ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиб, ойига 3–4 марта ба тиббиёт бирлашмаси атрофини тозалашига мажбур қиласди. Бу бизнинг хизмат вазифамизга кирмайди ва бунинг учун хақ тўланмайди. Раҳбарнинг бундай ҳатти-ҳаракатларига қонунда жазо назарда тутилганми?

### **Жавоб:**

Раҳбарнинг бу ҳатти-ҳаракатлари қонунга зид бўлиб, бунинг учун қонунда жазо назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги кодекснинг 51-моддасида меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбуrlаши, бавий ҳисоблаши миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади. Худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна содир этилса, жинои жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

### **3.2. Меҳнат муносабати субъекти сифатида ходим, иш берувчи ва вакиллик органлари**

**Меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари (ходим сифатида)**

- 1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- 2) чет эл фуқаролари;
- 3) фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Ўзбекистон Республикасида ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл кўйилади. (МКнингм 77-моддаси)

**Изоҳ:** Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, қасб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соглигига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топшишига зиён етказмайдиган, таълим олии жараёнини бузмайдиган енгил ишини ўқшидан бўши вақтида бажарии учун — улар 15 ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

**Қуйидагилар иш берувчилар бўлиши мумкин:**

- корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида;
- мулкдорнинг ўзи айни бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар;
- ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар (конунчиликда назарда тутилган ҳолларда);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимлар ёллайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар



Ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари	Иш берувчининг асосий ҳуқуқлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>– ўз меҳнати учун қонунчиликда Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланганидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;</li> <li>– муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир катор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиши кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;</li> <li>– хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;</li> <li>– касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;</li> <li>– касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;</li> <li>– қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;</li> <li>– ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;</li> <li>– жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир (МКнинг 16-моддаси)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– корхонани бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш;</li> <li>– қонунчиликка мувофиқ якка тартибдаги меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;</li> <li>– меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилиш;</li> <li>– ўз манфаатларини ҳимоялаш учун бошқа иш берувчилар билан биргя жамоат бирлашмалари тузиш ва бундай бирлашмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.</li> </ul>

Касаба уюшмалари, уларнинг корхонадаги сайлаб қўйиладиган органлари, ходимлар томонидан сайлаб қўйиладиган бошқа органлар, иш берувчиларнинг вакиллик органлари **меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида** қатнаша оладилар.

**Изоҳ:** Касаба уюшмалари ходимлар вакиллигининг энг йирик жамоат бирлашмасидир.

Ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

- музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг бажарилишини текшириб туриш, иш берувчи-га корхонада меҳнат тўғрисида норматив ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан таклифлар киритиш;
- корхонани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишида қатнашиш;
- меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини химоя қилиш;
- иш берувчи ҳамда у вакил қилган шахсларнинг қарорлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки бошқа норматив ҳужжатларга зид бўлса ёхуд ходимларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда бузაётган бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши.

Иш берувчининг ходимлар вакиллик органлари олдидағи мажбуриятлари:

- ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқларига риоя қилиш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;
- ходимларнинг манфаатларига таалкукли қарорлар қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса, — уларнинг розилигини олиш;
- ходимлар вакиллик органларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида уларга ёзма равишида асосли жавоб бериш;
- ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини корхонага, манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз қўйиш;
- ходимларнинг вакиллик органларига меҳнат, корхона фаолияти масалаларига ва бошқа ижтимоий-иктисодий масалаларга доир ахборотни текин бериш;



- ходимларнинг вакиллик органларига ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур шароит яратиб бериш;
- ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ва бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

**Савол:**

*Биз фаолият юритаётган банкда касаба уюшмасининг раҳбари ишдан бўшади, янги бошқарувчимиз меҳнат жамоаси қаршилигига қарамай касаба юшмаси фаолиятини тугатиш ҳақида буйрүк чиқарди. Бошқарувчининг хатти-ҳаракатлари тўғрими?*

**Жавоб:**

*Бошқарувчининг ҳаракатлари нотўғри. Меҳнат кодексининг 26-моддаси 2- қисмига кўра, ходимлар вакиллик органларининг фаолиятини иш берувчи ёки у вакил қилган шахслар ташаббуси билан тугатишга йўл қўйилмайди.*

### 3.3. Ахолининг айрим тоифалари учун ишга жойлашишдаги қўшимча кафолатлар

Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали, шунингдек хусусий бандлик агентликларининг хизматлари воситасида иш жойини эркин танлаш хукуқига эгадир.

Ахолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**Ишсизлар** ўн олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш хукуқини олишгacha бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно).

**Изоҳ:** юқоридағи шахсларни ишсиз деб эътироф этиши учун улар ишга жойлашишида күмак олии учун **маҳаллий меҳнат орғанларига мурожсаат қилган ва бу органлар томонидан иш қиди्रувчи сифатида рўйхатга олинган бўлишилари керак.**

### **Мақбул келадиган иш**

- биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти бўлмаганида, уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтингчалик иш;
- ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиги ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш;
- ишсизлик нафақасини олии даври тугаганидан сўнг касби (мутахассислиги) бўйича иш топиб бериш мумкин бўлмаган тақдирда, ишсиз шахснинг қобилиятини, унинг соғлиги ҳолатини, олдинги иш тажрибасини ва унинг учун қулай бўлган ўқитиш воситаларини инобатга олган ҳолда касбини (мутахассислигини) ўзгартиришини талаб қиладиган иш.

### **Мақбул келадиган деб ҳисобланмайдиган иш**

- иш яшаи жойини ўзгартириши билан боғлиқ бўлса;
- таклиф этилган иш доимий яшаи жойидан анча узоқ бўлса
- ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса;
- таклиф этилган ишни рад этиш ишсиз шахснинг соғлиги ҳолатига, унинг ёшига ва бошқа узрли сабабларга кўра мавжуд монеликларга асосланган бўлса.

### **Савол:**

*Мен коронавирус пандемияси сабабли ишимни йўқотганимдан кейин маҳаллий меҳнат органига ишсиз сифатида мурожсаат қилиб, рўйхатдан ўтдим. Тез орада менга икки марта мутахассислигимга мос ишларни тақлиф қилишиди, аммо иш ҳақи жуда кам*



*бўлгани сабабли бу ишларни рад этдим. Орадан 2 ой ўтганидан сўнг, яна меҳнат органига мурожсаат қилганимда, у ерда менга энди ишсиз сифатида тақороран рўйхатда ўта олишиим мумкин эмаслигимни айтишиди. Меҳнат органининг тақорорий мурожсаатимга жавоби қонунийми?*

### **Жавоб:**

*Меҳнат органининг ҳаракатлари қонуний эмас. Меҳнат кодексининг 62-моддасига кўра, маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ўн кун ичида ўзларига тақлиф қилинган мақбул келадиган ишини икки марта рад этган шахслар иши қидираётган деб эътироф этилмайди, лекин тақлиф қилинган ишини рад этган пайтдан бошлаб ўттиз календарь кун ўтгандан кейингина ишсиз сифатида тақороран рўйхатга олинии ҳуқуқига эгадир.*

**Ишсизлик нафақаси** – ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланадиган нафақа тури.

Нафақа олиш ҳуқуки у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб **кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан** кучга киради. Ишсизлик нафақаси **ўн икки ойлик давр ичида кўпи билан йигирма олти календарь ҳафта давомида** тўланади. Ишсиз ишсизлик нафақасини олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органига ишга ёки касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга, малакасини оширишга йўлланма олиш учун мурожаат қилиши шарт.

### **Аҳолининг айрим тоифалари учун ишга жойлашишдаги қўшимча кафолатлар**

Давлат аҳолининг айрим тоифалари учун ишга жойлашишдаги қўшимча кафолатларни белгилайди.

Кўшимча кафолатларни таъминлашнинг асосий механизмлари Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конунида белгиланган.

Кўшимча кафолат ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга берилади.

**Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ тоифалари жумла-сига қўйидагилар киради:**

- ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалири бор ёлғиз ота ёки она, шунингдек кўп болали оиласаларнинг ота-оналари;
- ўрта маҳсус таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек касб-хунар таълими муассасаларининг ва олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган бити-рувчилари;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар;
- ногиронлар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар;
- жазони ижро этиши муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига қўра тиббий йўсингдаги мажбуров чораларига тортилган шахслар;
- одам савдосидан жабрланганлар.

### Кўшимча кафолатлар

*кўшимча иши жойлари барпо этиши*

*ижтисослаштирилган корхоналар, хусусан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиши*

*маҳсус ўқув дастурларини ташкил этиши*

*корхоналарда ишига жойлаштириши учун минимал ишжойларини белгилаш*



**Изоҳ:** иш берувчи иш жойларининг белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириши учун қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа орғанлар томонидан юбориладиган аҳолининг айрим тоифаларини ишга қабул қилиши шарт! Ишга жойлаштириши учун иш ўринлагининг энг кам сонини яратишга доир қарорларини бажармаслик маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

## 3.4. Меҳнат шартномаси

### 3.4.1. Меҳнат шартномасини тузиши

**Меҳнат шартномаси** – ходим билан иш берувчи ўртасида муюян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ва бошқа норматив хужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузиши мумкин.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмий-лаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Мехнат шартномаси		
Мазмуни	Шакли	Муддати
<ul style="list-style-type: none"> <li>иши жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси);</li> <li>ходимнинг меҳнат вазифаси — мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим;</li> <li>ишнинг бошлиниши куни;</li> <li>меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиши муддати;</li> <li>меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>мехнат шартномаси ёзма шаклда тузилади;</li> <li>мехнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камиди икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади;</li> <li>мехнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади;</li> <li>мехнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиши ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланаб, имзоланган муддати қайд этилади ва корхона муҳри билан тасдиқланади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>номуайян муддатга; а)шартномада унинг амал қилиши муддати кўрсатилмаган бўлса, номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади; б)номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишини бажарии вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас;</li> <li>беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;(муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажарии шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳоллардагина тузилади муайян ишини бажарии вақтига мўлжаллаб</li> </ul>

**Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равища рад этишга йўл қўйилмайди.**

**Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равища  
рад этиш деб хисобланувчи ҳолатлар**

иш берувчи томонидан таклиф қилинган шах-  
сларни ишга қабул қиласлик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (**белгиланган минимал иш жойлари хисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни — тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб**) ишга қабул қиласлик;

муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қиласлик, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганилиги муносабати билан ишга қабул қиласлик.

**Изоҳ:** ишга қабул қилиши рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишини рад этишининг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб берииши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиши ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигига қариндош-уругларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари чекланган. Шунга мувофиқ, ўзаро яқин қариндош ёки қуда-андада бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ақа-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ақа-укалари, опа-сингиллари ва болалари), ба-шарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

**Савол:**

*Мен янги корхонага ишга кираётганимда аввалги иши жойимдан тавсифнома сўрашиди. Аввал ишлаган жойимдан тавсифнома сўралishi қонунчиликда кўрсатилганми?*

**Жавоб:**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ қўйидагилар ишга қабул қилиши вақтида талаб қилинадиган ҳужжжат, ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун — тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; 2) меҳнат дафтарчаси, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно; 3) ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар учун меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иши жойидан олинган маълумотнома; 4) ҳарбий хизматга мажбуурлар ёки чақирилувлчилар тегишинча ҳарбий билети ёки ҳарбий ҳисобда турганлиги ҳақидаги гувоҳнома; 5) маълумотга ёки маҳсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом ёхуд мазкур ишини бажариши ҳуқуқини берадиган гувоҳнома. Тавсифнома ишга қабул қилиши вақтида талаб қилинадиган ҳужжжат сифатида қонунчиликда кўрсатилмаган.

**Меҳнат дафтарчаси** ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

**Дастлабки синов** ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлигини текшириб кўриш ва ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувоқлигини аниқлаш мақсадида, ишга қабул қилишда ходимга бериладиган муддатdir.

Дастлабки синовнинг муддати **3 ойдан ошиб кетиши** мумкин эмас. **Вақтингча меҳнатга қобилиятсизлик даври** ва ходим узрли сабабларга кўра ишида бўлмаган бошقا даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида **меҳнат шартномасида шартлашилган** бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим **дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган** деб хисобланади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккичи тарафни **уч кун олдин ёзма равишида огоҳлантириб**, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда **иши берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина** бекор қилиши мумкин.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

### **Қуйидаги шахслар учун дастлабки синов белгиланмайди:**

- ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун;
- корхона учун белгиланган минимал иш жойлари хисобидан ишга юборилган шахслар, хусусан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичida биринчи бор ишга кираётган битиравчилар учун;
- ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинган шахслар учун.

### **Савол:**

*Мен банкка дастлабки синов асосида ишга қабул қилиндим.*

*Ишилаётганимга 2 ойдан ошганига қарамасдан, иши ҳақи тұлғанмади. Үшбү ҳолатда иши берувчининг хатти-ҳаракатлари ва дастлабки синов даврида иши ҳақи тұлғанмаслиги қонунийми?*

### **Жаһоб:**

*Иши берувчининг хатти-ҳаракатлари нөхонуний. Мехнат кодексининг 86- мөддасига мувофиқ, дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат түғрисидаги қонунчилік ва корхонада ўрнатылған меҳнат шартлари **тұлық** табиғэттілади. Шу сабабли ишилаған даврингиз учун меҳнат шартномасыда назарда тутылған иши ҳақи тұлғаннан шарт.*

### **3.4.2. Мехнат шартномасини ўзгартириш**

<b>Мехнат шартлари</b>	
<b>Ижтимоий омиллар</b>	<b>Ишилаб чиқарышомиллари</b>
-Мехнат ҳақиұмықдори; -иши вакты; -тағыттыл муддаты	-техника; -санитария-гигиена; -ишилаб чиқарыш-майший

Иши берувчи **ходимнинг розилигисиз** меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишилаб чиқарши ва меҳнатни ташкил этишидаги ўзгаришлар, ишилар (маҳсулот, хизматтар) ҳажмининг қисқарғанлығы, башарты бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишилар хусусиятининг ўзгаришында олиб келиши олдиндан аниқ бўлған ҳоллардагина ҳақлидир.

Иши берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартларини ўзгартириш хусусида корхонадаги ходимларнинг *вакиллик органлари* билан олдиндан маслағатлашиб олади. Иши берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огохлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилған муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл кўйилади. Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртама-

ча ойлик иши ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишидан бўшиатиии нафақаси тўланади.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, шунингдек иш жойини ўзгартириш иш берувчининг буйруги билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартишлар асос бўлади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш		
Тарафларнинг келишиуви бўйича	Ходимнинг ташаббуси билан	Иш берувчининг ташаббуси билан
<ul style="list-style-type: none"> <li>– ходим ва иш берувчи ўртасида келишив бўлиши керак;</li> <li>– муддати туга-гач иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини беришишарти.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– узрли сабаблар туфайли келиб чиқсанбўлса; (узрли сабабларрўйхати жамоа шартномасида ёки ходимларнинг вакиллорганлари билан келишишиб олиниди) бундай иш корхонадабўлса, иш берувчига томонидан қаноатлантирилиши керак.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– ишлаб чиқариш зарурияти фактимавжуд бўлиши керак;</li> <li>– ходимнинг бекор туриб қолиниши факти мавжуд бўлиши керак;</li> <li>– ходимни унинг розилигисиз ва соглигигат ўзигисиз ва соғлигигат ўзигисиз бўшқасига ўтказига йўл қўйилмайди;</li> <li>– ходимнинг бадараётганишига қараб, унинг ўртача иши ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иши ҳақи тўланади</li> </ul>

**Вақтинчалик** бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади.

**Бошқа доимий ишга ўтказишга** (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) — унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга факат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилди. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйрук чиқариш учун ходим билан тузилган **мехнат шартномасига киритилган ўзгаришлар** асос бўлади.

### 3.4.3. Мехнат шартномасини бекор қилиш

#### Мехнат шартномасини бекор қилиш асослари

	<i>Тарафларнинг келишувига кўра</i>
	<i>Тарафлардан бирининг ташаббуси билан (ходим ёки иш берувчининг)</i>
	<i>Муддатнинг тугаши билан</i>
	<i>Тарафларнинг ихтиёрига бозлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра</i>
	<i>Мехнат шартномасида назарда тузилган асосларга кўра</i>
	<i>Янги муддатга сайланмаганилиги(танлов бўйича ўтмаганилиги) ёки сайланишида (танловда) қатнашишини радэтганлиги муносабати билан</i>

**Изоҳ:** корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) мехнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади.

#### Мехнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш тартиби

- Ходим номуайян муддатга тузилган мехнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли мехнат шартномасини ҳам, **икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб**, бекор қилишга ҳақлидир (белгилangan огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олиши мумкин). Мехнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом этишишининг имкони йўқлиги

*(ўкув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлааб қўйиладиган лавозимга сайдланганлиги ва бошқа ҳоллар)* билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

2. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишига ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

*Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириши муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.*

**Ходимнинг ўз меҳнат вазифасини мунтазам равишда бузиши.** Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ва бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан **бир йил мобайнида ходим томонидан тақроран интизомга хилоф ножёя ҳаракат** содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади.

**Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги** ички меҳнат тартиби қоидалари; корхона мулқдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси; айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланган бўлиши керак. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножёя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиқкан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга караб ҳал этилади.

	<p><i>технологиядаги, ишилаб чықарыш ва меңнатни ташкил этишидаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штаты) ёки иши хүсусиятининг ўзгаришига олиб келган ишилар ҳажмининг қисқарғанлығы ёки корхонанинг тұгатылғанлығы</i></p>
	<p><i>ходимнинг малакаси етарлы бұлмаганлығы ёки соглиғы ҳолатига күра бажараётған ишига нолой-ик бұліб қолиши</i></p>
	<p><i>ходимнинг ўз меңнат вазифаларини мунтазам равишіда бұзғанлығы</i></p>
	<p><i>ходимнинг ўз меңнат вазифаларини бир марта күпоп равишіда бұзғанлығы</i></p>
	<p><i>ўриндошлиқ асосида ишиламайдыған бошқа ходимнинг иши қабул қылышы муносабаты билан, меңнат шартларига күра ўриндошлиқ иши чекләнешін сабабли ўриндошлар билан меңнат шартномасининг бекор қылғанлығы</i></p>
	<p><i>корхона раҳбары, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бұлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан түзилған меңнат шартномаси мүлкдорнинг алмашиши сабабли бекор қылғанлығы (мазкур асос бүйічә меңнат шартномасини корхона мүлк қилиб олинған кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади).</i></p>
	<p><i>ходимнинг пенсия ёшига тұлғанлығы, қонунчилукка мувофиқ ёшига доир давлат пенсиясини олиши ҳуқуқи мавжуд бўлғандан</i></p>

**Изоҳ:** ходим вақтінча меңнатга қобилиятсизлик даврида ва меңнат түгерисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутылған таътилларда бўлған даврида меңнат шартномасини иши берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатылған ҳоллар бундан мустасно.



## Мәхнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартиби

<b>Камида 2 ойолдин</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– мәхнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва мәхнатниташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарғанлиги ёхуд корхонанинг тугатилғанлиги муносабати билан бекор қилинганида (МК 100-модда иккинчи қисмидинг 1- банди), (<i>мулдатта мувофиқ келадиган компенсация билан алмаширилиши мүмкін</i>);</li> <li>– мәхнат шартномаси ходимнинг пенсия ёшига тўлғанлиги муносабати билан, қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш хуқуки мавжуд бўлган тақдирда (Мәхнат кодекси, 100-модда иккинчи қисмидинг 7-банди) бекор қилинганданда (<i>мулдатта мувофиқ келадиган компенсация билан алмаширилиши мүмкін</i>);</li> <li>– ходим билан тузилган мәхнат шартномаси корхона мулқдори алмашиши сабабли бекор қилингандан (Мәхнат кодекси, 100-модда иккинчи қисмидинг 6-банди) янги мулқдор уни мәхнаттага оид муносабатларнинг келгусида бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириши ёки шунга мутаносиб компенсация тўлаши шарт</li> </ul>
<b>Камида 2 ҳафта олдин</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– мәхнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлигиёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилингандан (Мәхнат кодекси, 100-модда иккинчи қисмидинг 2-банди) (<i>мулдатта мувофиқ келадиган компенсация билан алмаширилиши мүмкін</i>)</li> </ul>
<b>Камида 3 кун олдин</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– мәхнат шартномаси ходим айбли ҳатти-ҳаракатлар содирэтганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда (Мәхнат кодекси, 100- модда иккинчи қисмидинг 3 ва 4-бандлари), иш берувчи ходимни мәхнаттага оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида хабардор қиласи ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлайди.</li> </ul>

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуидаги муддатларда *ёзма равиида (имзо чектириб)* огоҳлантириши шарт.

**Изоҳ:** меҳнат шартномаси ходимнинг соглиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилингандан, тиббий холосага кўра мазкур ишини бажарии ходимнинг соглигига тўғри келмаса, ходимга огоҳлантириши қилинмайди. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдағи ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан *ишида қолдириши* учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқори-роқ бўлган ходимларга берилади.

### **Малака ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда имтиёз бериладиган шахслар**

- қарамогида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимлар;
- оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахслар;
- мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимлар;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимлар ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;
- мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб лигини орттирган шахслар;
- уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиқсан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиқкан ёки шундай касалликларни



бошидан кечирған шахслар, ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланғанлығи аниқланған ногиронлар; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари, мазкур зоналардан эвакуация қилингандай ёки күчирилған шахслар ҳамда уларга тенглаштирилған бошқа шахслар.

### **Савол:**

*Мен 18 йилдан ортиқ ишилаб келаётгандай заводда технологияда үзгаришилар туфайли ходимлар сонининг қисқартырилиши амалга оширилар экан. Менинг қарамогимда 3 нафар вояга етмаган фарзандларым бор. Улардан бири ногирон. Қисқартышии ҳисобига ишидан бўшатилаётгандай шахслар рўйхати тузилаётганда менда ишида қолишиимга имтиёз борми?*

### **Жавоб:**

*Агарда малака ва меҳнат унумдорлигиниз бошича қисқартышига тушигандай ходимлар билан тенг бўлса, Меҳнат кодексининг 103-моддасига кўра, қарамогингизда уч нафар вояга етмаган фарзандларини борлиги ва мазкур корхонада кўп йиллик иши стажи-га эга бўлган ходим сифатида ишида қолиши учун имтиёзга эгасиз.*

### **Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш тартиби**

- Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқукига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.
- Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодексининг ёки бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилади.
- Меҳнат шартномаси бекор қилингандай куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

**Савол:**

Ҳозирда фаолият юритиб келаётган корхонада мен билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган. Аммо ҳозирда янги иши жойига ўтиши ҳаракатидаман. Меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилганлик учун неустойка тўлаши меҳнат шартномасида кўрсатилган, лекин неустойканинг миқдори кўрсатилмаган. Бу ҳолатда мен қанча миқдорда неустойка тўлашим керак?

**Жавоб:**

Сиз бу ҳолатда неустойка тўламайсиз. Меҳнат кодексининг 104-моддаси 1-қисмига кўра, меҳнат шартномасида неустойканинг миқдори белгилаб қўйилмаган бўлса, тарафлар уни тўлашдан озод этиладилар.

**Ишдан четлаштириш** – ходимни меҳнат мажбуриятларини, қоида тариқасида, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бажаришга вақтинча йўл қўймаслиқдир. Ишдан четлаштиришга, конунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди. Ходим ишдан четлаштирилганда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор бўлмайди, балки амал қилиши тўхтатиб турилади. Ходим ишдан четлаштирилган даврда унга иш ҳақи ҳисобланмайди.

Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юкумли касалликлар тарқалиши таҳди迪 мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактика эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлигининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмагандан) иш берувчи уни ишга қўймаслика ҳақли.

## 3.5. Иш вақти ва дам олиш вақти

### 3.5.1. Иш вақти түшүнчаси, турлари ва муддати

**Иш вақти** – ходим меңнат шарномаси шартларига ёки иш тартибига кўра, ўз меңнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига **40 соатдан ортиқ бўлшии** мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати **етти соатдан**, беш кунлик иш ҳафтасида эса **саккиз соатдан** ортиб кетмаслиги лозим.

#### Иш вақтининг қисқартирилган муддати

Айрим тоифадаги ходимлар учун **уларнинг ёши, соглиги ҳолати, меңнатнинг шартлари, меңнат вазифаларинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб**, меңнат шартномаси шартларига биноан меңнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

#### Иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланганшасхлар

<i>ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар</i>
<i>I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар</i>
<i>ноқулай меңнат шароитларида-ги ишларда бандбўлган ходимлар</i>
<i>алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар</i>
<i>уч ёшга тўлмаган болалари бор, биод-жетхисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва таиш-киломларда ишлаётган аёллар</i>

Юқоридаги ходимлар учун ҳафтасига **36 соатдан ошмайдиган** иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган.

**Ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар** меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарапли омиллари таъсир этадиган ходимлардир. Бу турдаги ходимлар учун иш вақтининг муддати чегараси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади. (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори билан тасдиқланган Меҳнат шароити ўта зарапли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати (8-иловада) кўрсатилган).

**Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар** юқори дараҷадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиши, асад танглиги билан боғлиқ ходимлардир (тиббиёт ходимлари, педагоглар, телевидение ва радиоэшиттириш ходимларининг айрим турлари) Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади. (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори билан тасдиқланган Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иши куни белгиланадиган ходимлар рўйхати 4-иловада кўрсатилган)

### **Савол:**

*Мен ишлайдиган корхонада ходимлар етишимаслиги туфайли баъзи кунлари 2 сменада ишлашимга тўғри келмоқда. Бу менинг ишчанлик қобилиятим ва соғлигимга таъсир қиласяпти, бу ҳақда корхона раҳбарига айтганимда, у корхона ҳозир оғир моддий аҳволда эканлигини маълум қилиб, менинг талабимни инобатга олмади. Бирданига икки смена давомида ишлаш қонунийми?*

### **Жавоб**

*Йўқ. Меҳнат кодексининг 120-моддаси 2-қисмida ходимни сурункасига икки смена давомида ишга жалб этиши тақиқланганлиги қайд қилинган. Иш ҳафтасининг тури ва иш вақтининг режими корхонада ички меҳнат тартиб қоидалари, бошқа норматив ҳужжатлар, улар бўлмаганида ходим билан иш берувчининг ўртасидаги келишиувга биноан белгиланади.*

**Изоҳ:** байрам (ишиланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иши муддати барча ходимлар учун камида 1 соатга қисқартирилиши белгилаб қўйилган. Бу дегани 18:00 га қадар ишиланмайдиганлар учун иш вақти 17:00 да тугашини билдиради.

**Иш вақтидан ташқари иш** – ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш. Иш вақтидан ташқари ишлаш ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин. Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта заарали ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун *сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан* (меҳнат шароити оғир ва заарали ишларда — *бир кунда икки соатдан*) ва *йилига бир юз йигирма соатдан* ортиқ бўлмаслиги лозим. Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ хисобга олиб бориши шарт.

### 3.5.2. Дам олиш вақти тушунчаси, турлари ва муддати

**Дам олиш вақти** — ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. Ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўргасидаги *кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам* бўлиши мумкин эмас.

**Дам олиш кунларида ишилатиш** тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

**Байрам (ишиланмайдиган) кунлари ишилаш** ман этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина қўйилади.

Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга (узлуксиз ишлайдиган корхоналар, объектларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат қўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

### Таътиллар

*Йиллик меҳнат таътиллари*

*Ижтимоий таътиллар*

*Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар*

**Йиллик меҳнат таътиллари** барча ходимларга, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга ҳам, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўргача иш ҳақи сақланган ҳолда берилади.

**Изоҳ:** йиллик асосий таътил ўн беши иши кунидан кам бўлмаслиги керак.

### Йиллик меҳнат таътиллари

Асосий	Кўшимча
асосий узайтирилган (айрим тоифадаги шахсларучун)	
<b>Йиллик узайтирилган асосий таътил олиши мумкин бўлган шахслар</b>	<b>Йиллик кўшимча таътиллар олиши мумкин бўлган шахслар</b>
ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар — ўттиз календарь кун;	меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга
ишилаётган I ва II ғурӯҳ ногиронлар — ўттиз календарь кун	огир ва ноқулай табиий- иқлими шароитларида иши бажараётган ходимларга

<i>Йиллик узайтирилган асосий таътил олиши мумкин бўлган шахслар</i>	<i>Йиллик қўшимча таътиллар олиши мумкин бўлган шахслар</i>
<i>айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хосжисхатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб</i>	

Корхоналарда қўшимча таътил олиши ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни берииш тартиби ва шартлари тармок келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, — касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади.

### **Савол:**

Мен қурилиши фирмаси сотув бўлимида 3 йилдан буён ишлайман, аммо бериладиган йиллик асосий таътил 21 кундан ошмайди, биз билан 17 ёшли тигит ҳам ишлайди, лекин унга 30 кунлик таътил берилди. Унга узайтирилган таътил берилиши қонунийми?

### **Жавоб:**

Ҳа, қонуний. Меҳнат кодексининг 135-моддасига кўра, 18 ёшига тўлмаган ва ишилаётган I ва II гурӯҳ ногиронларига йиллик узайтирилган 30 календарь кунлик таътил берилади.

**Изоҳ:** йиллик таътилнинг умумий муддатини ҳисоблашида қўшимча таътиллар йиллик асосий таътилга (шу жумладан узайтирилган таътилга ҳам) қўшиб жамланади. Бу таътилларни жамлашида уларнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

### 3.5.3. Таътилларни бериш тартиби

- йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой – ишлангандан кейин берилади;
- таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим;
- ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга қўра жорий йилда таътилини тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим;
- йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

#### Олти ой ўтмасдан олдин таътил олиши мумкин бўлганходимлар

<i>аёллар — ҳомиладорлик ва түгии таътили олдидан ёки ундан кейин</i>
<i>Гва II гурӯҳ ногиронлари</i>
<i>ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар</i>
<i>мууддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ва ишгажойлашган ҳарбий хизматчилар</i>
<i>ўриндошлиқ асосида ишилаётганлар — асосий иши жойидағи таътил билан бир вақтда, ўриндошлиқ асосида ишилаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда</i>
<i>ишилаб чиқаришдан ажералмаган ҳолда умумий таълим мактабларida, олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириши, уларни тайёрлаши ва қайта тайёрлаши институтлари ва курсларида ўқиётганлар, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топишимиши, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишиларини бажарши вақтига тўғрилаб олишини хоҳласалар</i>
<i>технологиядаги, ишилаб чиқариши ва меҳнатни ташкил этишидаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишилар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишилар ҳажмининг қисқарғанлиги ёки корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишидан озод этилган ходимлар</i>

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан **хотинларининг ҳомиладорлик ва тугиши таътили даврида** берилади.

**Изоҳ:** мактаблар, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртлари, қадрларнинг малакасини ошириши, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг **муаллимлар таркиби-га** биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъни назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равшида ҳақ тўлаган ҳолда **ёзги таътил даврида тўлиқ** берилади.

### Таътилларни бериш вақти ва навбати

- Йиллик таътилларни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. (*Таътилдан фойдаланишининг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.*)
- Таътил берииш вақти ҳақида ходим** таътил бошланишидан
- камида ўн беш кун олдин** хабардор қилиниши керак.

<b>Ўзлари учун кулай бўлган боиқа пайтда таътил олиши мумкин бўлган ходимлар</b>	<p>ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронболани) тарбиялаётган ёлгиз ота, ёлгиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлгиз оналарга) ва муддатлиҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари</p> <p>I ва II гурӯҳ ногиронлари</p> <p>1941—1945 йиллардаги уруши қатнашичилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар</p> <p>ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар</p> <p>таълим муассасаларида ишлабчиқариишдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар</p>
--	---

**Савол:**

*Мен йиллик меҳнат таътилида бўлган пайтимда касал бўлиб, операция ўтказдим. Касаллик даврим таътил муддатига кирадими?*

**Жавоб:**

*Йўқ. Касаллик даврингиз таътил муддатига кирмайди. Меҳнат кодексининг 145-моддасида, вакътинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида, ҳомиладорлик ва тугии таътили муддати бошланганди, йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган (яъни қонун хужжатлари ва бошқа норматив хужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса) ҳолларда ходимлар таътилни узайтириши ва бошқа муддатга кўчириши ҳуқуқига эга бўладилар. Сиз касал бўлганингиз тўғрисида иш берувчини дарҳол хабардор қилишингиз керак. Бу ҳолда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.*

**Иш хақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар**

Ходимнинг аризасига кўра унга иш хақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнинда жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Иш хақи сақланмаган ҳолда *муқаррар тартибда* таътил уларнинг хоҳишига кўра куйидаги ходимларга берилади:

- 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жихатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- ишлаётган I ва II гурух ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- икки ёшдан уч ёшгacha бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар.



**Изоҳ:** фойдаланилмаган таътиллар учун пулли компенсация берилиши қонунда белгилаб кўйилган бўлиб, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга барча фойдаланилмаган йиллик асосий ва кўшимча таътиллар учун пулли компенсация тўланади. Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, 15 иш кунидан ортиқ-ча қисми учун пулли компенсация тўланиши мумкин.

### 3.6. Мехнатга ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми ва меҳнатни муҳофаза қилиш

#### 3.6.1. Мехнатга ҳақ тўлаш тизимлари, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари

**Мехнат ҳақи** – ходим бажарадиган меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга кўра белгиланадиган, пул шаклидаги ходим учун бериладиган тўлов.

Мехнат ҳақининг энг кўп миқдорини бирон-бир тарзда чеклашга йўл кўйилмайди, бироқ унинг энг кам миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас.

**Мехнат ҳақи шакли ва тизимлари**, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидағи тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал хужжатларда белгиланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар, *дам олиши кунлари ва байрам кунларидағи ишлар учун камида иккиси миқдорида ҳақ тўланади*. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса — иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиши кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошика *дам олиши куни (отгул) берииш* билан қопланиши мумкин.

*Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар* миқдорда ҳақ тўланади.

## **Савол**

Мен давлат корхонасида етакчи мутахассис бўлиб ишлайман. Ҳозирда бўлимда мутахассис ишдан бўшаб кетганлиги сабабли, унинг вазифаларини ҳам бажариб келаятман. Бунинг учун менга қўшимча иши хақи тўланаидими?

## **Жавоб**

Ҳа, тўланади. Мехнат кодексининг 166-моддасига кўра, бир неча касбда (лавозимда) ишилаганлик, ўриндошлик асосида ишилаганлик учун, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳаҷми ортганлиги учун ходимларниг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишиувга кўра белгиланади. Сизга меҳнат ҳақи миқдори амалда бажарган ишингиз юзасидан иши берувчи билан ўртангиздаги келишиувга кўра белгиланиши керак.

Мехнат ҳақидан ушлаб қолишга ходимнинг ёзма розилиги бўлса, агарда бундай розилик бўлмаса, суд қарорига асосан йўл қўйилади.

### **Ходимнинг розигидан қатъи назар, меҳнат ҳақиданушлаб қолиш учун асослар**

Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа маъжбурий тўловларни ундириши учун
суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиши учун
иши ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, ҳўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишига ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиши учун
ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иши йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, — таътилнинг ишланмаган даврга тегишили кунлари учун
ходимга нисбатан интизомий жазо чораси сифатида қўлланилган жарима учун

**Изоҳ:** иши ҳақини ҳар гал тўлаши вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишили бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Ушбу чеклов алимент мажбуриятлари бүйича **қарздорликни ахлоқ тузатиши ишлари тарзидаги жазо тайинланган** ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишига нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда жазо ва алимент мажбуриятлари бүйича қарздорлик учун ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори **еттиси фоиздан ортиб** кетмаслиги лозим.

### Ходимларга бериладиган кафолат- лар вакафолатли тұловлар

Ходимларга давлат ёки жамоат вазифаларини бажсара- ётган вакытда бериладиган кафолатлар	Иш берувчи ва мехнатжамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажарышында бериладиган кафо- латлар	Ходим жамоият манфаатларига доир ҳаракат- лар қылганда бериладиган кафолатлар
<p><b>Ходимларга давлат ёки жамоат вазифаларини бажсара- ётган вакытда бериладиган кафолатлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• саллов ҳуқуқини амалга ошири;</li> <li>• депутатлык вазифаларини бажарши;</li> <li>• тиббий-мехнат экспертизакомиссияси шишида шитирокетши;</li> <li>• ҳарбий бурчни бажарши;</li> <li>• терговгә қадар текширувни амалга оширивчи органға, суриширувчи, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судға гулох, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холистарықасида чакырғанда;</li> <li>• суд мажисларыда халқ маслаҳатчиси, жамоаттайбловичи ва жамоат ҳимоячиси, жамоатпрағымалари ва меҳнат жамоаларининг вакилисифатида шитирок этгандарда, иш берувчи ходимни ишдан озод қылади ва унинг ўртача иш ҳақи сақланади.</li> </ul>	<p><b>Иш берувчи ва мехнатжамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажарышында бериладиган кафо- латлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• малака ошири;</li> <li>• рационализаторлык таклифларини жорий этиши шишида қатнашши;</li> <li>• хизмат сафарида бўлиши;</li> <li>• тиббий кўрикданётшиши ва бошқа ҳолларда ходимни ишдан озод этиши шартлари, шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори жамоа шартномаларида белгилаб кўйилади, бу тўловнинг миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.</li> </ul>	<p><b>Ходим жамоият манфаатларига доир ҳаракат- лар қылганда бериладиган кафолатлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• авариялар, табииий оғойларнинг оқибатларини тугатиш;</li> <li>• инсон ҳаётини сақлаб қолиши ва бошқа ҳолларда ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақисақладиди.</li> </ul>

## Иш билан боғлиқ бошқа харажатлар компенсацияси

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан **боғлиқ қўшимча харажатлар** қонунчилик, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда *иши берувчи томонидан қопланниш лозим*.

Хизмат сафарида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда йўл кира харажатлари, доимий турар жойидан бошқа жойда яшаши, уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар, ходим томонидан иши берувчининг руҳсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар иш берувчи томонидан тўланиши лозим.

### 3.6.2. Меҳнат интизоми ва меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги

**Меҳнат интизоми** – биргаликдаги меҳнатни амалга оширишга оид ҳаракат тартиби ва унга риоя этилмагандан интизомий жавобгарлик каби оқибатни юзага келтирувчи тартибdir.

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўми-таси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб **тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари** билан белгиланади.

**Ички меҳнат тартиби қоидалари** иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган. Меҳнат кодексига, меҳнат тўғрисидаги бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни, иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланишни, меҳнат интизомини ҳамда иш берувчи билан ходим ўртасида юзага келадиган бошқа хуқуқий муносабатлар масалаларини тартибга соладиган локал норматив хужжатдир.

Иш берувчининг бурчлари	Ходимнинг бурчлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>ходимлар меҳнатини ташкилчилиши;</li> <li>қонун ҳужжатлари ва бошقا норматив ҳужжатларда, меҳнатшартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериш;</li> <li>меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши;</li> <li>меҳнат муҳофазаси қоидаларигариоя этиши;</li> <li>ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор биланқараш;</li> <li>ходимларнинг меҳнат ва турмуши шартларини яхшилаб бориш;</li> <li>Меҳнат кодексига мувофиқ жамоа шартномаларини тузиш;</li> <li>ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасигакирмайдиган ишларни бажарини, қонунга хилоф ёки ходим ва бошقا шахсларнинг ҳаёти ва соглиги учун хавф түгдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишини талаб эттаслик.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, вижедонан бажарии;</li> <li>меҳнат интизомига риоя қилиши;</li> <li>иши берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажарии;</li> <li>технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқарии санитарияси талабларига риоя қилиши;</li> <li>иши ерувчининг мол-мulkини авайлаб асраши.</li> </ul>

**Меҳнат интизомини таъминлаш** – нормал тарзда ишлаш учун зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиш, ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ҳамда ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларини кўллаштириш.

<b>Интизомий жазолар</b>	ҳайғсан
	ўртacha ойлик иши ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима
	меҳнат шартномасини бекор қилиши

**Интизомий жазолар** қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равиишида тушиунтириши хати талаб қилиниши лозим. Интизомий

жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-автори ҳисобга олинади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун факат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин. Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, — содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (*фармойиши*) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

### **Савол:**

Менга ҳайфсан эълон қилинганди. Орадан 5 ой ўтиб корхона ходимлари мукофот пули олишиди. Менга 5 ой олдин берилган ҳайфсан асос қилиниб, мукофот пули берилмади. Бу қонунийми, агарда қонуний бўлса, менга нисбатан қўлланилган ҳайфсаннинг амал қилиши муддати қанча?

### **Жавоб:**

Ҳа, сизга нисбатан мукофот пули берилмаслиги қонуний. Меҳнат кодексининг 180- муддасига кўра, интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан разбатлантириши чоралари қўлланилмайди. Меҳнат кодексининг 183-муддасига кўра, интизомий жазонинг амал қилиши муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

### **Ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги**

Иш берувчи ходимга меҳнат қилиши имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида етказилган зарарни, ходимнинг соглисига етказилган заарни, бокувчиси иш билан

бөглиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарарни түлиқ ҳажмда түлайди.

Иш берувчининг ходимга меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида етказилганзарар ва уни тўлаш мажбурияти	Иш берувчининг ходим соғлигига етказилган зарарива уни тўлаш мажбурияти	Боқувчининг вафот этганилиги муносабати билан зарарни иш берувчи томонидан тўлаш мажбурияти
<p><i>Ходим меҳнат қилиши имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иши ҳақини иши берувчи унга тўлаши шарт. Бундай мажбурият, agar иши ҳақи ишига қабуғ қилиши гайриқонуний равишда ради этилганлиги, меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим гайриқонуний равишда бошқа ишига ўтказилганлиги ва меҳнат низоларини кўрувчи органнинг бундай ишлар юзасидан чиқарилган қарори ўз вақтида бажарилмаганлиги, меҳнат дафтарчасини берини кечиктирилганлиги, ҳар қандай йўллар билан ходимнинг шаънига доз туширувчи маълумотлар тарқатилганлиги натижасида, башарти бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса, шунингдек бошқа ҳолларда олинмай қолган бўлса, келиб чиқади.</i></p>	<p><i>Ходимнинг соглигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажарши билан бөглиқ ҳолда соглигининг бошқача тарзда иши-кастланиши сабабли етказилган зарарни иши берувчи тўлиқ ҳаёсмда тўлаши шарт.</i></p> <p><i>Ходимнинг иши берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, иши берувчи томонидан ажератилган транспортда иши жойига келётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иши берувчи моддий жавобгар бўлади.</i></p>	<p><i>Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажарши билан бөглиқ ҳолда соглигига бошқача тарзда иши-каст етими сабабли вафот этган ҳолларда, иши берувчи мархумнинг қарамогида бўлган меҳнатга қобилият-сиз шахсларга, шунингдек ўн олини ёнга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, мархумнинг вафотидан кейин тугилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиласининг бошқа аъзосига, agar у ишламасдан мархумнинг уч ёнга етмаган болалари (уқалари, сингиллари) ёки невараларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.</i></p>

### Ходим томонидан иш берувчига тўланиши лозим бўлган зарар

Ходим иши берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт. Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иши берувчининг мавжуд мол-мулки амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, иши берувчининг ортиқча тўловлар қилиши

зарурати тушунилади. Ходим иш берувчига бевосита етказилган хақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тұлаши натижасыда келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади. Агар зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охирги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасыда келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

Иш берувчи зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишига ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

### **Ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатиладиган ҳолатлар**

махсус ёзма шартнома асосида ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун
бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун
қасдан зарар етказилганда
алкоголли ичимликдан, гиёхвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатида зарар етказилганда
ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноят ҳаракатлари натижасыда зарар етказилганда
тижорат сирлари ошкор этилганда
қонунларда, Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда

**Изоҳ:** ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасдан етказилган зарар учун, алкоголли ичимликдан, гиёхвандлик ёки заҳарли модда таъсиридан мастилик ҳолатида ёки жиноят содир этиши натижасыда етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

### 3.6.3. Мехнатни муҳофаза қилиш ва уни таъминлаш усуллари

**Мехнатни муҳофаза қилиш** — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиги, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария- гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими.

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишда ходимни *мехнат шароитлари түгрисида*, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниши эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

#### Мехнатни муҳофаза қилишни таъминлашусуллари

<i>Тиббий кўрикдан ўтказиши</i>
<i>Мехнатни муҳофаза қилиши бўйича йўл-тўриқлар берииш ва ўқитиш</i>
<i>Ходимларни даволаши-профилактика озиқ- овқати, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари ва бошқа воситалар билан таъминлаш (мехнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун)</i>
<i>Ходимнинг соглиги ҳолатига кўра енгилроқёки ноқулай ишлаб чиқарии омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиши</i>

**Тиббий кўрик** иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қиласди.

#### Тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимлар

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита ахолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

- умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

### ***Ногиронлар меҳнатини мухофаза қилишининг қўшимча чоралари***

**Изоҳ:** иши берувчи белгиланган минимал иши жойлари ҳисобидан иши жойларига ишига жойлаштириши тартибида маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишига қабул қилиши шарт. ТМЭК-ning ногиронларга тўлиқсиз иши вакти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириши ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажарии иши берувчи учун мажсубийдир.

<b>Қўшимча кафолатлар</b>	
I ва II гурӯҳ ногиронларига иши камайтирилмаган ҳолда иши вакти-нинг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган муддати белгиланган	I ва II гурӯҳ ногиронларига 30 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан ишлек узайтирилган асосий таътил берилади.

#### ***Савол:***

Мен 2-гурӯҳ ногирониман. Корхонада кўпгина ходимлар дам олии кунлари ва иши вактидан ташқари ишларга жалб қилинади. Мени ҳам баъзан иши вактидан ташқари ишларга жалб қилишади. Лекин охирги пайтлар соғлигим заифлиги туфайли, иши вактидан ташқари ишларга мени жалб қиласликларини иши берувчига айтганимда раҳбаримиз қарши бўлди. Унинг ҳаракатлари қонунийми?

#### ***Жавоб:***

Йўқ унинг ҳаракатлари қонуний эмас. Меҳнат кодексининг 220-моддасига кўра, ногиронларни тунги вактдаги ишларга, шунингдек иши вактидан ташқари ишларга ва дам олии кунларидаги ишларга жалб қилишига уларнинг розилиги билангина, агарда улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади. Сизнинг холатингизда, юқоридаги ишларга сизни жалб қилиши учун сизнинг розилигинги керак. Қолаверса, бундай ишлар сизга берилган тиббий тавсияларда тақиқланган, тақиқланмаганини ҳам билсангиз мақсадга мувофиқ бўларди.



## 3.7. Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва давлат ижтимоий суғуртаси

### 3.7.1. Аёлларга ва оиласвий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида аёллар ва оиласвий вазифаларни бажариш билан банд бўлган шахсларга бир қатор имтиёз ва қўшимча кафолатлар белгиланган.

Ҳомиладор ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш қонунчиликда тақиқланган. Иш берувчи **ҳомиладор**, уч ёшга тўлмаган

боласи бор аёлни ишга қабул қилишни рад этган тақдирда, рад этишнинг сабабларини асослаб, уч кун муддат ичидан ёзма жавоб бериси шарт.

Аёллар меҳнатидан фойдаланиш, меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида тақиқланади (*ер остидаги баъзи ишлар жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва машиий хизмат кўрсатиши ишлари бундан мустасно*). Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ **юкни қўтаришилари ва ташишилари** ман этилади.

<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Ҳомиладор ва 2 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда аввалгидан енгилпроқ, ноқулай ишлаб чиқарши омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади</b></li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг (васий, ҳомий) нинг бирига бола 16 ёшга тўлғунча иш ҳақи тўланган ҳолда ойига қўшимча 1 дам олиш куни берилади</b></li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга ишлик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишилича ҳомиладорлик ва тугуни таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришилаш таътилидан кейин берилади.</b></li> </ul>
--	--	---

<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Хомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишиларга, иши вактидан ташқари ишиларга, дам олии кунларидаги ишиларга жалб қилишига ва хизмат сафарига юборишига йўл қўйилмайди.</b></li> </ul>	<p><b>Мехнат конунчилигида аёлларга берилган имтиёзлар</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган <b>ногирон боласи бор аёлларга</b> ҳар ийли уч иши қунидан кам бўлмаган муддат билан ҳак тўланадиган қўшимча таътил берилади.</li> <li>2 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга болани овқатлантириши учун ҳар 3 соатда бир марта ҳар бира 30 дақиқадан кам бўлмаган қўшимча танаффуслар берилади.</li> <li>2 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камидан 1 соат қилиб белгиланади.</li> <li>Болани овқатлантириши учун бериладиган танаффуслар иши вактига киритилади ва ўртacha ойлик или ҳаки тўланади.</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>Бюджетдан молиялаштириладиган муассалар ва ташкилотларда ишилаётган 3 ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иши вакти белгиланади. Мехнатга ҳақ ҳар кунги тўлиқ иши муддати учун белгиланган миқдорда тўланади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Хомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иши берувчининг ташаббуси билан бекор қилишига йўл қўйилмайди</b>, корхонанинг бутунлай тугатилиши ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишига жойлаштириши шартни билан бекор қилинади.</li> <li><b>Муддати тугилган болаларни сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иши берувчи ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ишига жойлаштириши шарт.</b></li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аёлларга түккунларига қадар 70 кун ва түккандан кейин 56 кун ҳомиладорлик ва түғсии таътиллари берилади, нафақа тўланади.</li> <li><b>Янги тугилган болаларни бевосита тугуруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга <b>васий қилиб белгиланган шахсларга</b> бола фарзандликка олинган (<b>васийлик белгиланган</b>) кундан бошлаб, бола тугилган кундан эътиборан 56 кун (икки ёки ундан ортиқ бола асрар олинган) (васийлик белгиланган) тақдирда эса 70 кун ўтгунга қадар бўлган даврда нафақа тўланадиган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришилаш учун қўшимча таътиллар берилади.</b></li> </ul>



	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳомиладорлик ва түгии таътили түргаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришилаш учун таътил берилиб, бу даврда қонунчиликда белгиланган тартибида нафақа тўланади.</li> <li>• Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришилаш учун иши ҳақи сакчанмайдиган кўшимча таътил ҳам берилади.</li> <li>• Болани парваришилаш таътиллари даврида аёлнинг иши жойи (лавозими) сакчанади. Бу таътиллар меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлагандга кўни билан олити йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иши стажига ҳам кўшилади.</li> </ul>
--	---

**Изоҳ:** аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар, онасиз болаларни тарбиялаётган оталарга, вояга етмаганларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

### 3.7.2. Ёшлар ва ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар учун белгиланган кўшимча кафолатлар ва имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига ёшлар, хусусан 18 ёшга тўлмаган ва ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар учун бир қатор имтиёз ва қўшимча кафолатлар берилган.

Иш берувчи иши жойларининг белгиланган минимал иши жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириши тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш, уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши

мумкин бўлган меҳнат шароити нокулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг нормадан ортиқ **юқ кўтаришилари ва ташишлари** ман этилади.

### Меҳнат қонунчилигига 18 ёшга тўлмаган шахслар учун берилган имтиёзлар

- Иш вақтининг муддати **16–18 ёшгача** бўлган ходимларга **ҳафтасига 36 соатдан, 15–16 ёшгача** бўлган шахслар учун эса ҳафтасига **24 соатдан ошиши** мумкин эмас;
- Ўқишидан **бўш вақтларида** ишилаётган ўқувчиларнинг ўқув юли давомидаги иш вақти муддати юқорида кўрсатилган энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас
- **18 ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган** чоғда тегишили тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўлашади
- **18 ёшга тўлмаган ходимларга камида 30 кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун кулагай бўлган бошқа вақтида фойдаланишилари мумкин**
- **18 ёшга тўлмаган тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олии кунларидағи ишларга жалб этиши тақиқланади**
- **18 ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишига, меҳнат шартномасини бекор қилишининг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади**
- Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишили таълим муассасасини **тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичидаги биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига қўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт**



Иш берувчи *ишилаб чиқаршида касбга доир таълим олаётган, ишилаб чиқаршидан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқиётган ходимларга* ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитлар яратиб бериши шарт.

<p><b>Ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган шахслар учун имтиёзлар</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Иш берувчи ходимларга ишллик таътилларни уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳонсессиялари вақтiga тўғрилаб берилиши шарт.</li> <li>• Кириши имтиҳонлари топширишига руҳсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириши учун камида 15 қун, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юртлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бухисобга кирмайди.</li> <li>• Ходимлар диплом ишини бажарши ёки битириув имтиҳонлари топширишидан олдинги 10 ўқув ойи давомида машгулотларгатайёргарлик кўриши учун 6 кунлик иши ҳафтаси бўлганда ҳафтада 1 кун ўртача иши ҳақи сақланган ҳолда ишидан озод этиладилар. Иши ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишидан озод этиладиган кунлар миқдори иши сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишидан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланниб қолади.</li> <li>• Иш берувчи олий ўқув юртларида сиртдан таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиши мақсадида ўқув юрти жойлашган ерга бориши қайтиб келиши учун ишилга бир марта йўл киранинг эллик фоиздан кам бўлмаган қийматини тўлайди.</li> <li>• Шундай миқдордаги йўлкира диплом иши тайёрлаши, уни ёқлаш, битириув имтиҳонларини топшириши учун бориб келинганда ҳам тўланади.</li> </ul>
---	---

**Ижодий таътиллар** ишилаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни иммий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда

докторлик диссертациясини якунлаш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун бериладиган таътил туридир.

### **3.7.3. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар ва пенсия таъминоти**

Ўзбекистон Республикаси Мехнат қонунчилигида барча ходимлар давлат томонидан ижтимоий суғурта қилиниши назарда тутилган. Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар бадал тўлайдилар.

#### **Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъминот турлари**

- *Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси*
- *Ҳомиладорлик ва тугиши нафақаси*
- *Бола тугилганда бериладиган нафақа*
- *Дағн этиши маросими учун бериладиган нафақа*
- *Давлат томонидан бериладиган пенсиялар*

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлинганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиласинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади. Бу турдаги нафақа ходим меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг **тўлиқ миқдорида**, бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган **муддатига (умумий иш стажига), қарамогидаги вояга етмаган болаларининг сони** ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача миқдорда тўланади. Нафақанинг энг кам миқдори қонунчилиқда белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан оз бўлмаслиги** ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

**Ҳомиладорлик ва тугиши нафақаси** тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган **тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик ва-рақаси асос** бўлади. Ҳомиладорлик ва тугиши бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқари-

лади. Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинадиган **ҳақиқий иши ҳақига иши жойидан, сугурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иши ҳақи тўловлари** киради.

**Бола туғилганда бериладиган нафақа** бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа (суюнчи пули) **базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварини** ташкил этади. Бу турдаги нафақа:

ишлаётган аёлларга иш жойидан;

таълим олаётганаёлларга ўқиш жойидан;

ўқимайдиган ва ишламайдиган аёлларга – эри ишлайдиган ёки ўқийдиган жойидан;

ўқимайдиган ва ишламайдиган ота-оналарга Пенсия жамгармаси томонидан тўланади.

**Давлат хизматлари марказлари** ёки Ўзбекистон Республикаси **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали бола туғилган кундан бошлаб *б ой муддат* ичидаги мурожаат қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридан бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси томонидан кўрсатилади ва нафақа пули нафақа етказиб бериш (топшириш) юкландиган ташкилот томонидан тўланади. Нафақани олиш учун ФХДЁ бўлими томонидан берилган боланинг туғилганлик ҳақидаги маълумотномасини топшириши лозим.

**Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа** давлат фуқаролар томонидан уларнинг яқинлари вафот этганда “дафн этишга” бир марталик молиявий ёрдам тақдим этади. Нафақа **базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараварини** ташкил этади. *Нафақа юзасидан ҳар қандай “Халқ банки” бўлимига ёки онлайн Ягона интерактив давлат хизматлари портали* орқали мурожаат қилинади. Нафақа мурожаат қилиш кунида тайинланади ва худди шу куни тўланиши керак. Аризани дафн этилганнинг ўлимидан эътиборан 60 кун мобайнида бериш мумкин.

Пенсия турлари		
Ёшга доир пенсиялар	Ногиронлик пенсияси	Боқувчисини йўқотганлик пенсияси
<p><i>Сугурта қилинганиходимларга тайинланади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– <b>эркаклар 60 ёшагатўлиб, умумий меҳнат стажи 25 йилдан кам бўлмаган тақдирда;</b></li> <li>– <b>аёллар 55 ёшага тўлиб, умумий меҳнат стажи 20йилдан кам бўлмаган тақдирда;</b></li> <li>– <b>фуқароларнинг айрим тоифалари, ёшидан қатъи назар, умумий белгиланган ёшини 10 ва 5 йилга қисқартирилган ҳолда, имтиёзли пенсия олиши ҳуқуқига эга.</b></li> </ul>	<p>Қонунчиликда белгилангантартибда тайинланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– <b>I ва II ғурӯх ногиронлари деб топилган, сугурта қилинган ходимларга:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li><b>a) меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигига чалинганинг муддатидан қатъи назар;</b></li> <li><b>b) бошқа сабаблар туфайли — муддати сугурта қилинган ходимнинг ногиронлик рўй берган вақтдаги ёшига боғлиқтегишили умумий меҳнат стажига эга бўлгантақдирда;</b></li> </ul> </li> <li>– <b>Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиши ёки касаллик оқибатида III ғурӯх ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга</b></li> </ul> <p>Ногиронлик сабаблари ва гурулари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатгабелгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи <b>тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК)</b> томонидананикландади.</p>	<p>Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– <b>меҳнатда майиб бўлиши ёки касбкасаллиги туфайли вафот этган боқувчининг меҳнатга қобилиятизиоила аъзоларига, иши стажидан қатъи назар, агар у бошқа сабаблар натижасидавафот этганбўлса, шунгамувофиқ келадиган умумий меҳнат стажигақараб</b></li> </ul>



## 3.8. Мәхнат низолари

### 3.8.1. Мәхнат низолари комиссияси ва унда низоларнинг кўриш тартиби

Якка мәхнат низолари бу иш берувчи ва ходим ўртасида мәхнат тўғрисидаги қонун ва қонуности хужжатлари, мәхнат шартномасида назарда тутилган мәхнат шартларини қўлланиш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир.

Якка мәхнат низосини кўриб чиқувчи органлар	
<i>Мәхнат низолари комиссиялари</i>	<i>Фуқаролик ишилари бўйича туман (шаҳар) судлари</i>

**Мәхнат низолари комиссияси** корхоналар, муассаса ва ташкилотларда вужудга келадиган мәхнат низоларини ҳал этувчи бирламчи орган.

Мәхнат низолари комиссиялари иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан **тенглик асосида** тузилади. Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан ажратилган аъзолар тегишли органнинг қарори билан, иш берувчининг вакили эса, унинг буйруги билан тасдиқланадилар. Комиссия якка тартибдаги низоларни кўради. Агарда ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи билан бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, мәхнат низоси мәхнат низолари комиссиясида кўриб чиқилади.

## Мехнат низоларини комиссияда күриб чиқиши тартиби

- Низо ариза берилгандан кундан эътиборан, ходимнинг иштирокида **10 кун муддат ичида күриб чиқилади;** (ходимнинг иштирокисиз фақатгина бу ҳақида унинг ёзма аризаси бўлгандагина йўл қўйилади).
- Мажслисда комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларидан иборат **тeng миқдордаги аъзолари** иштирок этишилари керак.
- Мехнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари **ўртасидаги келишишувга** биноан қабул қилинади.
- Комиссиянинг тул ундириши талабларига оид қарорида ходимга тегиши **сумма аниқ қўрсатилиши** лозим.
- Комиссия қарорининг нусхаси қарор қабул қилинган кундан эътиборан **уч кун ичида** ходимга, иш берувчига ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига топширилади.

**Изоҳ:** Мехнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиши учун **белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши** керак. Иш берувчи белгиланган муддат ичида комиссия қарорини бажармаса, мехнат низолари комиссияси томонидан ходимга **ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади.** Мехнат низолари комиссиясининг қарори устидан манфаатдор ходим ёки иш берувчи комиссия қарорининг нусхаси топширилган кундан эътиборан **ўн кунлик муддат ичида туман (шаҳар) судига шикоят қилиши** мумкин.

### 3.8.2. Мехнат низоларининг фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилиши

Мехнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқиқига эга:

- ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;
- мехнат ҳуқуқ бўйича инспектор;

- иши берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;
- прокурор.

### Бевосита туман (шаҳар) судларида қўрилиши лозим бўлган меҳнат низолари

*ходимнинг иши жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;*

*меҳнат шартномасини бекор қилиши асосларидан қатъи назар, ишига тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиши вақти ва асослари таърифини ўзгартириши тўғрисида, мажбuriй прогул ёки камҳақ тўланадиган ишини бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;*

*ходим томонидан иши берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;*

*меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соглигига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мulkига етказилган зарарни иши берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;*

*ишига қабул қилиши рад этилиши билан боғлиқ ишлар (МКнинг78-модда-си2-қисмида назарда тутилган*

*иши берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошига вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиқсан бўлса*

**Изоҳ:** меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмайди.

**Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш муддатлари:**

- **1 ой:** ишига тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб;

- **1 йил:** ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тұлаш ҳақидағи низолар бүйича — зарар етказилғанлығы иш берувчига маълум бўлған кундан бошлаб;
- **3 ой:** бошқа меҳнат низолари бүйича — ходим ўз хукуки бузилғанлыгини билган ёки билиши лозим бўлған кундан бошлаб.

**Изоҳ:** ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Меҳнат низолари фуқаролик судларида мазкур тоифадаги ишларга хос алоҳида хусусиятлар инобатга олинган ҳолда умумий тартибда кўрилади. Судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидаларига кўра, даъво аризалари жавобгар, яъни иш берувчи – юридик шахс жойлашган ердаги судга берилади.

**Изоҳ:** ходимлар меҳнатга доир хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилғанларида **суд харажатларини тўлашдан** озод этиладилар.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилинганинг қонунийлиги ҳақидағи масала ҳал қилинаётганда, суд ходим билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганинг асослилигига баҳо бериб ўтади.

Суд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриконуний равища бекор қилишда ёки ходимни ғайриконуний равища бошқа ишга ўтказища айборд бўлған мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбурият, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда амалга оширилган ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса, юклатилади.

**Ходим суд қарори билан ишга тикланганда** иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади. Зарарни қоплаш: **мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан; меҳнат шартномаси бекор қилинганилиги ёки ходим бо-**

ишига ўтказилғанлиги устидан шикоят қилиши билан бөглиқ құшымча харажаттар (мутахассислардан маслағат олиш, иши юритиші учун кетған харажаттар ва бошқалар) учун компенсация тұлашдан; маңавий зарар учун компенсация тұлашдан иборатдир. Маңавий зарар учун тұланадиган компенсацияның миқдори иш берувчининг хатты-харакатында берилған баҳони хисобға олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлык иши ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимнинг илтимосига кўра суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига **камидат** ойлик иши ҳақи миқдорида қўшымча ҳақ ундириб бериши мумкин.

**Изоҳ:** ходим билан тузилған меҳнат шартномаси ғайриқонуний равищда бекор қилинганда уни ишга тиклаш, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари таърифини ўзgartириш тўғрисида суд чиқарған ҳал қилув қарори ёки ғайриқонуний равищда бошқа ишга ўтказилған ходимни аввалти ишига тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарған қарор дарҳол ижро этилиши лозим.

### **Савол:**

*Мени ноқонуний равишида ишидан бўшатишди. Шундан сўнг қасал бўлиб қолдим. Ишга тиклаш тўғрисида фуқаролик судига муражгаат қилмоқчи эдим, лекин орадан 2 ойга яқин вақт ўтибди. Судга ишга тиклаш тўғрисида ариза бериш имконинми?*

### **Жавоб:**

*Ҳа, сизнинг касал бўлғанлигинги, буни тасдиқловчи тиббий маълумотнома бўлса, узрли сабаб ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 270-моддасига кўра, белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилған тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.*

*Даъво аризадан намуна*

Фуқаролик ишлари бўйича  
\_\_\_\_\_туманлараро судига

Даъвогар: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш)

манзил: \_\_\_\_\_

телефон: \_\_\_\_\_, E-mail \_\_\_\_\_

Жавобгар: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш)

манзил: \_\_\_\_\_

телефон: \_\_\_\_\_, E-mail \_\_\_\_\_

### **Даъво аризаси**

(ишга тиклаш ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида)

“ ”-сонли буйруги асосида \_\_\_\_\_ кунгига ишга кабул килинганман.

Шу кунга қадар ўзимга бириткирлган хизмат вазифаларимни бажариб келмоқда эдим. Бироқ “ ” кунгиги “ ” сонли буйрук билан мен билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси МКнинг “ ”-моддасига асосан бекор қилинди. Буйрукқа асос қилиб, ички тартиб қоидаларининг “ ” бандини бузганлигим олинган.

Бироқ мен меҳнат вазифаларимни шу кунга қадар ҳалол, вижданан бажариб келганман. Иш берувчининг буйруғига асоссиз равишда Ички меҳнат тартиб-қоидаларининг “ ” бандини бузганлигим олинган бўлиб, буйрук ҳеч қандай асосга эга эмас.

Корхона жамоа шартномасига мувофиқ, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда албатта касаба уюшмасининг розилиги талаб этилади.



Бироқ мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қишишда юқоридаги қоидага зид равишда касаба уюшмасининг ёзма розилиги олинмаган.

Бундан ташқари иш берувчи Ички тартиб қоидаларида кўрса-тилган меҳнат вазифаларини бир маротаба кўпол тарзда бузганли-гим ҳақидаги ҳолатни исботлаб бера олмаган.

Мутахассислигим бўйича турли лавозимларда ишлаб келганли-гим, жамоада обрў- эътиборга эга эканлигим, ишдан асоссиз бўша-тилганлигим натижасида руҳан эзилиб, маънавий зарар кўрдим.

Шунга кўра, менга етказилган маънавий зарарни 10.000.000 сўм деб баҳолайман.

Юқорида қайд этилганларга кўра куйидагиларни

### **С Ў РАЙМАН:**

«\_\_\_\_\_» филиалининг «\_\_\_\_\_» «\_\_\_\_\_»  
йилги «\_\_\_\_\_» -сонли буйру- ини бекор қилишни.

Мени «\_\_\_\_\_» филиалига «\_\_\_\_\_»  
вазифасига ишга тиклашингизни.

Жавобгардан менинг фойдамга мажбурий прогул кунлари учун  
иш ҳақи ва 10.000.000 сўм маънавий зарарни ундириб беришин-  
гизни.

- Илова : 1. «\_\_\_\_\_» филиалининг «\_\_\_\_\_» -сонли  
буйруғи
2. Фукаролик паспорти нусхаси.
  3. Турап жойидан маълумотнома.
  4. Даъво аризаси нусхаси.
  5. Почта харажатлари тўланганлиги тўғрисида квитанция.

**Даъвогар (вакил) \_\_\_\_\_**

(имзо)

“\_\_\_\_” \_\_\_\_ йил.

### **3.8.3. Тавсия этиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).
13. Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида”ги Қонуни.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни.
16. Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни.
17. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисидаги низом.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта даги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялари”.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сонли «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ килишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида teng шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага кўйиш тартиби тўғрисидаги низом.
22. “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома” // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
23. Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари (рўйхат рақами: 746, 14.06.1999 й.).
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 297-сонли қарори 2012 й.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари.
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида»ги низом.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет элда ишлаттган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини хисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини хисобга олиш тартиби тўғрисида»ги низом.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низоми.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли «Вақтингчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 марта даги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)нинг бекор қилинишини тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги қарори.
32. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.
33. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 18-сонли «Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори.



IV БОБ.

ОИЛА ҲУҚУҚИ




Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки қунларданоқ демократик ҳуқукий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиши йўлини танлаб, бу мақсадни амалга оширишда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Қўлланманинг оила ҳуқуки бўлимида никоҳ тушунчаси, эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотин мулкининг шартнома режими, никоҳни бекор қилиш, ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент тўловларига тегишли мажбуриятлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, патронат, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оиласидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари келтирилган.

## 4.1. Никоҳ ва никоҳни тузиши


Никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий иттифоқ бўлиб, уни тузиши учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиши қобилиятига эга бўлиши керак.



**Изоҳ: диний расм-русумларга (шаръий никоҳ) биноан тузилган никоҳ ҳамда ҳақиқатанҳақиқатан ҳам бирга яши ҳолати қонуний аҳамиятга эга бўлмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фақат ФХДЁ органларида, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса элчихоналар ва консульлик муассасаларида тузилган никоҳ тан олинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилинishi мумкин.



### **Изоҳ: Никоҳ тузишга мажбурлаш таъқиқланади!**

Ўзбекистонда никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланган.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

## 4.2. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар

**Никоҳ тузишга қуидагилар  
үртасида йўл қўйилмайди:**

лоақал биттаси рўйхатта олинган бошқа  
никоҳда турган шахслар ўртасида

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар  
ўртасида, туғишиган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар  
ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчиilar билан  
фарзандликка олинганлар ўртасида

лоақал биттаси рухият бузилиши (рухий касаллиги ёки  
акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага  
лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди

Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муас-  
сасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқ  
кўлами ва ундан ўтказиш тартиби **Ўзбекистон Республикаси Ва-  
зирлар** Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори  
билан тасдиқланган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан  
ўтказиш тўғрисидаги низом”да белгиланган.

Никоҳланувчи шахслар эллик ёшдан ошган бўлса, шунингдек  
алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг ка-  
саллиги ва бошқалар) мавжуд бўлганда тиббий кўриқдан фақат ўз  
розилиги билан ўтказилади.

## 4.3. Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ор-  
ганларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар  
эр-хотин деб хисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўрта-  
сида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

Эр ва хотин оилада тенг хукуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар.

Никоҳ тузиш вактида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади.

Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзаришига олиб келмайди.

Болалар тарбияси ва оиласий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиласидилар.

Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эрклидир.

#### **4.4. Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

##### **Эр ва хотиннинг умумий мулки**

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача хол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек маҳсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг



никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблаглари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

*Изоҳ: дехқон, фермер ҳўжаликлари аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши ҳуқуқлари тегишили қонун ҳуҗисматларида белгиланган. Дехқон, фермер ҳўжаликлирининг мол-мулкини бўлиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.*

### **Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши**

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битими амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий қўчмас мол-мulkни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр) нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддаси).

### **Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки**

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мulkни, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мulkни улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланishi Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25- моддасида белгиланган.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мulkни ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати хисобига мол-мulkning қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмиrlаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) кўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мulkни уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Кимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзal ва бошқа шу қабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи хисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

### **Эр ва хотиннинг умумий мол-мulkини бўлиш**

Эр ва хотиннинг умумий мол-мulkини бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажralишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мulkдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мulkни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.



Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олинниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, шунингдек эр ва хотиннинг бу мол-мулқдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қараашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

**Изоҳ: оиласабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.** (Оила кодекси 27-моддаси)

#### *Суд амалиётидан:*

*Фуқаро З. Шарипова, жавобгар И. Шариповга нисбатан улар алоҳида яшаган даврда орттирилган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тан олиши тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожсаат қилган. Бунда у, эри Шарипов И. билан қарийб 10 ийлдан бери бирга яшамаётганинги, эри шу вақтгача Ангрен шаҳрида яшаб ва ишилаб келганинги, ўзи Тошкентда яшашини, улар ўртасидаги эр-хотинлик муносабатлари ўша вақтдан боишлаб тугаганини баён этган. Шу даврда ўзи юқори маошли ишида ишилаб, Тошкент шаҳри марказидан квартира сотиб олганини, буни унинг мулки деб тан олишини сўрайди. Суд З. Шарипованинг даъво талабларини қаноатлантирган.*

**Изоҳ: Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади!**

Яна бир мухим жихат – эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

### **Суд амалиётидан:**

*A. Аҳмедов, жавобгар Н. Аҳмедовага нисбатан умумий мулкни бўлиши тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, никоҳ даврида улар уй-жой ва квартира сотиб олганликларини, никоҳ пайтида жавобгарнинг номига валюта ҳисобваракчиари очиб, жавобгар барча пулларини A. Аҳмедовга хабар бермасдан, ечиб олганини ва уларни ўз хоҳишига кўра сарфлаганини кўрсатган. A. Аҳмедов даъво аризасида мол-мулкни бўлишини ва бунда депозитда бўлган чет эл валюта суммасини ҳам ҳисобга олишни сўрайди. Суд даъво талабларини қаноатлантирган.*

### **Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби**

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувни никоҳ шартномаси деб ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 29-моддаси). Шартнома никоҳ давлат рўйхатига олингунинга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

**Изоҳ: Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.**

**Никоҳ шартномасининг  
мазмуни (ЎзР ОК 31-моддаси):**

биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатиш

эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши

ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шугуулланиш бўйича ўз ҳуқук ва мажбуриятларини белгилаб олиш

никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниклаб олишга, шунингдек никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритиш

**Изоҳ: никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқук ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт- шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.**

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқук лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳукуқларини химоя қилиш учун судга му- рожаат қилиш ҳукуқларини чеклашни, эр-хотин ўргасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқук ва мажбуриятларини тартибга солишини, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтоҷ эр ёки хотиннинг ҳукукини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонунчиликнинг нормалари- га зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вактда ўзгаририлиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгаририлиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Агар тарафларнинг ўзаро розилиги бўлмаса, никоҳ шартномаси суд тартибида ўзгаририлади ёки бекор қилинади ҳамда суд орқали никоҳ шартномаси суд томонидан тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

#### **4.5. Никоҳнинг тугатилиши**

Эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди. Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муомалага ла-ёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин (Оила кодексининг 37-моддаси).

Никоҳ даъво аризаси асосида суд тартибида, бошқа ҳолларда эса фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида бекор қилиш мумкин.

**Изоҳ: хотинининг хомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр, хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас. (Оила кодексининг 39-моддаси)**

Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳдат тайинлаши мумкин ва бундай такдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, моддий таъминот бериш тўғрисида ёки

уларнинг биргалиқдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлмаса, уларнинг биргалиқдаги аризасига кўра, никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади (Оила кодексининг 42-моддаси).

Шунингдек, эр ёки хотиннинг аризасига мувофиқ никоҳни ФХДЁ органларида бекор қилиш мумкин, башарти суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса, суд томонидан рухияти бузилиши сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса ёки содирик қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса (Оила кодексининг 43-моддаси).

#### 4.6. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш

Агар никоҳни тузиш пайтида никоҳга кириш шартлари бузилган бўлса ёки уни тузишга тўқсюнликлар бор бўлган бўлса, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.



Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қи-лув қарори қонуний күчга киргач, ўн кун ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади.

## **4.7. Қон-қариндошлиқ ва болаларнинг насл-насабини белгилаш**

### **Қариндошлиқ тушунчаси**

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликтининг яқинлиги қариндошлиқ даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарарадаги биринчи, не-вара бобосига, бувисига нисбатан — иккинчи, эвара катта бобо-сига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа- сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўх-шашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликтининг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан бошқасига қараб олиб борилади.



Туғишган ақа-ука ва опа-сингил қариндошликтининг иккинчи даражасида, тога ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликтининг — учинчи, тогавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса — түртинчи даражасида турадилар.

### **Ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндошилик**

Ақа-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ақа-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиқсан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошилкда *ака-ука ва опа-сингиллар туғишиган*, ёт аралашган қариндошилкда эса, *ака-ука ва опа-сингиллар ўгай* ҳисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

### **Қайн-бўйинчилик ва қуда-андачилик**

Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайн-бўйинчилик ва қуда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

### **Болаларнинг насл-насабини белгилаш**

Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ хақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичida туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичida бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

## **Ота-онанинг аризаси бўйича боланинг насл-насабини белгилаш**

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилланлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

### **Оталикнинг суд тартибида белгиланиши**

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота- онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, Оила кодексининг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида

бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд тъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

### **Оталик (оналик) тўғрисида эътиroz билдириш**


Туғилишни ёзиш дафтарида туғилишга оид ёзув боланинг унда қўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил хисобланади.

Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътиroz билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб, боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, бир йиллик муддат мазкур шахс ўн саккиз ёшга тўлган вақтдан бошлаб хисобланади.

**Изоҳ:** оталикни суд тартибида белгилаш ўзига хос ҳуқуқий оқибатларга олиб келади ва болалар ўз ота-оналари ва қариндошларига нисбатан никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

## 4.8. Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

### Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари



### Боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ота- оналинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳмийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота) нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қиласди. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаганда, улар ота-оналини ҳуқуқидан маҳрум қилингандা, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек ота ёки она болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва хо-



мийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

### **Ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари). Ушбу бобда назарда тутилган ота- оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшга тўлғанларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлғанларида тугайди.

### **Вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқлари**

Вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола тугилганда ҳамда уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланганда ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равища амалга оширишга ҳақлидирлар. Вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга етгунга қадар, болани вояга етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун болага васий тайинланиши мумкин. Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Вояга етмаган ота-она ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда эътироф этиш ёки бунга эътиroz билдириш ҳуқуқига эгадир.

### **Ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир.

Улар ўз болаларининг соглиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳукуқка эга.

Ота-она болаларининг қонунчиликда белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

### **Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота- онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота- онаси зиммасига юклатилади.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган мусносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласидилар.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт.

### **Ота-оналийк ҳуқуқини амалга ошириш**

Ота-оналийк ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Ота-оналийк ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуслари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлиқдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак.

Ўз ота-оналиқ ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатлариға зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллукли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиқкан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота- она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар (улардан бири) бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшashi ота-она нинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оиласиий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

### **Боладан алоҳида яшаётган ота(она)нинг ота-оналиқ ҳуқуқини амалга ошириши**

Боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиши, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслиги керак.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналиқ ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равища келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан

vasiyilik va ҳомийлик органи iштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота-онага нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар кўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасдан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Отa (она) томонидан боланинг ҳайти ва соғлиги учун хавф-хатар бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот беришнинг рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

### **Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг бола билан кўришиб туриш ҳуқуки**

Бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга. Отa-она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига имконият бермасалар, вasiyilik va ҳомийлик органи отa-онани (улардан бирини) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин.

Агар отa-она (улардан бири) vasiyilik va ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки vasiyilik va ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низони ҳал қиласdi.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор отa (она)га нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар кўлланилади.

### **Отa-оналик ҳуқукини ҳимоя қилиш**

Отa-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо-



чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун сүдга мурожаат қилишга ҳақли. Бу талабларни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган холосага келса, боланинг фикрини хисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвасини рад қилишга ҳақли.

Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказишина таъминлай олмайдилар, деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради.

### **Ота-оналилк ҳуқуқидан маҳрум қилиш**

**Ота-оналар (ёки улардан биттаси) қўйидаги ҳолларда ота-оналилк ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:**

ота-оналилк мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа

узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруркхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса

ота-оналилк ҳуқуқини сунистельмол қиласа, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки рухий таъсир кўрсатса

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса

ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига карши қасддан жиноят содир килган бўлса

## **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибидаги амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш түғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш түғрисидаги ишлар прокурор ҳамда висийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш түғрисидаги ишларни кўриб чиқишида боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қиласди.

Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда ота-она (улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят алломатлари мавжудлигини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар берини шарт.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичидаги ушбу қарорнинг кўчирмасини боланинг тугилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

## **Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатлари**

Ота-она ҳуқуқларининг бекор қилиниши муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Шундай қилиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлиқ фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан



ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонун-чилиқда белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

### **Изоҳ: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.**

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргалиқда яшаш-яшамаслик масалалари суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонунчилиқда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота (она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкий ҳуқуқларини, жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота- онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамогига олиб берилади.

Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камидан олти ой ўтгач йўл қўйилади.

### **Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш**

Ота-оналик ҳуқуки ота-она (улардан бири) ўз хулқ-авторини, турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзgartирган ҳолларда тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибida амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналиқ ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам қўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналиқ ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналиқ ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришини рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналиқ ҳуқуқининг тиклашинишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналиқ ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

### **Ота-оналиқ ҳуқуқининг чекланиши**

Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилишдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ота-оналиқ ҳуқуқининг чекланиши каби чора ҳам кўзда тутилган. Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналиқ ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф тутдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналиқ ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб ота-онани (улар-

дан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштироқида кўрилади. Ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд ота-онадан (уларнинг биридан) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қиласди.

### **Ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш оқибатлари**

Ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болали фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, бироқ ота-оналиқ ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қиласди.

**Изоҳ: ота-она иккаласининг ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган тақдирда бола васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб берилади.**

**Боланинг суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши**

Суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган ота-онанинг боласи билан кўришиши унга салбий таъсир кўрсатмаса, бола билан кўришишига рухсат берилиши мумкин. Ота-онанинг бола билан кўришишига васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёхуд васий (ҳомий)нинг, боланинг тутинган ота-онаси ёки бола турган муассаса маъмуриятининг розилиги билан йўл қўйилади.

### **Ота-оналиқ ҳуқуқи чекланишини бекор қилиш**

Ота-оналиқ ҳуқуқи чекланишини бекор қилиниши ҳам мумкин. Агар ота-она (улардан бири)нинг ота-оналиқ ҳуқуқлари

чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан болани ота-онасига (улардан бирига) қайтариш ва чеклашларни бекор қилиш ҳақида ҳал килув қарори чиқариши мумкин.

Агар болани ота-онасига (уларнинг бирига) қайтариш унинг манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

### **Боланинг ҳаёти ёки соғлиги бевосита хавф остида қолганда болани олиш**

Боланинг ҳаёти ва соғлиги бевосита хавф остига тушиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд. Бундай ҳолатларда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамогига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади.

**Изоҳ: бола олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорга хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота- онани ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналий ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.**

### **Судда болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни кўришда васийлик ва ҳомийлик органининг иштироки**

Суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўрилаётганда, деярли барча ҳолатларда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак.

Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахс (шахслар)нинг турмуш шароитларини текшириши ва текшириш натижаларини ҳамда унга асосланган низо моҳиятига оид хулосасини судга тақдим қилиши шарт.



## **Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ ишлар бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиши**

Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ ишларга доир суднинг ҳал қилув қарорлари давлат ижрочиси томонидан ижро қилинади.

**Изоҳ:** агар ота-она (болани ўз қарамоғига олган бошқа шахс) суднинг ҳал қилув қарори ижро этилишига тўсқинлик қилса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198<sup>1</sup>-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноий кодексининг 232-моддасида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Болани олиш ва уни бошқа шахс (шахслар)га бериш билан боғлиқ суднинг ҳал қилув қарорларини мажбурий тартибда ижро этиш албатта васийлик ва ҳомийлик органининг ҳамда бола тарбиялашга берилаётган шахс иштирокида, зарур ҳолларда эса, ички ишлар органи вакили иштирокида амалга оширилиши лозим.

Суднинг болани олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини боланинг манфаатларига зарар етказилмаган тарзда ижро этишининг имкони бўлмаганда, бола суднинг ажримига кўра тарбиялаш муассасасига, даволаш муассасасига, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасига ёки шунга ўхшаш бошқа муассасага вақтинча жойлаштирилиши мумкин.

### **4.9. Оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари**

#### **4.9.1. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари**

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади (Оила кодексининг 96-моддаси).

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмагандага ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмагандага ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво кўзгатишга ҳақлидир.

Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво кўзгатишга ҳақли.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ҳамда вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар, лекин вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартиби ва шакли ҳақида ота-она ўртасидаги келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг:

*бир бола учун — тўртдан бир қисми,  
икки бола учун — учдан бир қисми,  
уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси ундирилади.*

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин (Оила кодексининг 99-моддаси)



**Изоҳ: ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак!**

Шунингдек, ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ болаларига таъминот бериши шартдир.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади, агарда бундай келишувга эришилмаса низо суд тартибида ҳал қилинади ҳамда ота- онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оиласвий ва моддий ахволи ҳисобга олинниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

#### **4.9.2. Болаларнинг таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатлар**

Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, қасал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош торган ота (она)дан суд уларнинг оиласвий ва моддий ахволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади ҳамда чет эл валютасида олинадиган даромадлар алимент ундириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сўмларда ҳисобланади.

**Изоҳ: алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб,**

**моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент ола-ётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.**

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий ахволини ҳисобга олиб, тўланашётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли.

#### **4.9.3. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасиға таъминот бериш мажбурияти**

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ ўз ота-онасиға таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт ҳамда ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қilmайди.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасиға ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оиласавий ва моддий ахволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-она, алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низоси узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ва бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шарт (Оила кодексининг 111- моддаси).

**Изоҳ: вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.**

**Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари**

Эркак ва аёл ўртасида тузилган никоҳ хуқукий оқибатларнинг пайдо бўлишига олиб келади, хусусан, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт.

**Етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан суд тартибида алимент талаб қилиш хуқукига қўйидагилар эга:**

меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож хотин (эр)

хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида

ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр)

болалиқдан I гурӯҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр)

#### **4.9.4. Никоҳдан ажралганидан кейин собиқ эр (хотин)нинг таъминот олиш ҳуқуқи**

Етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 118-моддаси билан тартибга солинган.

**Куйидагилар собиқ эр (хотин)дан суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга:**

сobiқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида

ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан I гурух ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтоҷ собиқ хотин (эр)

никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтоҷ собиқ хотин (эр)

никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтоҷ хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин, эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори суд томонидан эр ёки хотиннинг (собиқ эр ёки хотиннинг) моддий ва оиласиий ахволини ҳамда тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини эътиборга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади, бироқ бу сумма қонунчиликда белгиланган меҳнатга хақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим (Оила кодексининг 119-моддаси)



#### 4.9.5. Қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари

Вояга етмаган, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш мажбурияти суд томонидан уларнинг қариндошлари: бобо, буви, невара, aka-ука, опа-сингил, шунингдек ўгай ота ва ўгай она, ўгай ўғил ва ўгай қиз, доимий тарбияда бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин. Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотинидан) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва буви-нинг зиммасига юклатилиши мумкин.

Шунингдек, ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли неваралар зиммасига юклатилиши мумкин.

Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган aka-ука ва опа-сингилларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган aka-ука ва опа-сингиллар зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож aka-ука ва опа-сингилларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият aka-ука ва опа-сингилларнинг зиммасига юклатилиши мумкин.

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаган ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, амалда уларни тарбиялаганларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг доимий тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар зиммасига юклатилиши

мумкин. Бундай мажбурият васийлиқда (хомийликда) турган шахслар зиммасига юклатилмайды.

Суд тарбияда бўлганларни, агар улар тарбиячиларнинг тарбияси ва таъминотида беш йилдан кам турган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган мажбуриятдан озод қилишга ҳақли.

Ўгай ота ва ўгай онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёхуд ўз ота- онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ота ва ўгай она зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган ёрдамга муҳтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалири бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, ўгай ота ва ўгай онанинг зиммасига уларга нисбатан ҳам шундай мажбурият юклатилиши мумкин.

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ ўгай ота ва ўгай онанинг ота- онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ўғил ва ўгай қизлар зиммасига юклатилиши мумкин.

Агар ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай ота ва ўгай она беш йилдан кам вақт давомида тарбиялаган ва таъминот берган бўлса, шунингдек улар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса, суд ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай отаси ва ўгай онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилишга ҳақли.

**Изоҳ: қариндошлар ва бошқа шахслардан вояга етмаган болалар учун, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ шахслар таъминоти учун ундириладиган алиментнинг микдори суд томонидан алимент ундирилаётган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ва оиласиий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қаттий суммада белгиланади.**



#### **4.9.6. Ташкилот маъмуриятининг алимент ушлаб қолиш мажбурияти**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 137-моддасига кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш жойидаги иш берувчи ташкилот маъмурияти ёки пенсия, нафака, стипендия олаётган жойидаги ташкилот маъмурияти алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувга ёки ижро ва рақасига асосан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақидан ва (ёки) бошқа даромадидан ҳар ойда алимент ушлаб қолиб, алимент тўлаши шарт бўлган шахсга иш ҳақи тўланган ва (ёки) бошқа даромадлар олинган кундан бошлаб, уч кундан кечиктирмай алимент олувчи шахсга алимент тўлаши ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисобидан унга ўтказиши шарт.

Иш берувчи (ташкилот маъмурияти) алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномасини бекор қилган тақдирда ташкилот маъмурияти алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида, шунингдек унинг янги иш, ўқиши жойи ёки турар жойи унга маълум бўлса, бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро этиладиган жойидаги давлат ижрочисига ёки алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичига хабар берниши шарт.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс уч кун муддат ичига ўз иш, ўқиши жойи ёки турар жойи ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек қўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади тўғрисида давлат ижрочисига ҳамда алимент олувчи шахсни хабардор қилиши шарт.

#### **4.9.7. Алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент сумма-

сининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлади.

Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганлигида айборд алимент тўлаши шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча заарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини ундиришга ҳам ҳақлидир.

## **4.10. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари**

### **4.10.1. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш**

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуки чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узок муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вاصийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни аниқлади, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ҳар бир холатга қараб, болаларни жойлаштириш шаклларини танлайди, шунингдек бундан буён уларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт- шароитларини назорат қилиб боради.

**Изоҳ: Васийлик ва ҳомийлик органидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.**

Ташкилотларнинг (мактабгача таълим ташкилотларининг, умумтаълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг барча мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар килмаганлик, шунингдек бундай болаларни жойлаштиришда қонунчилик талабларини бузганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муассасаларнинг раҳбарлари ва органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 150-моддасига мувофиқ, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмагандан эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

#### **4.10.1.1. Фарзандликка олиш**

Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади ҳамда болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хulosаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

**Изоҳ: ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно.**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 150-моддаси талабла-рига мувофиқ фарзандликка олиши мумкин бўлмаган шахслар до-ираси белгиланган, улар қўйидагилардир:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
- асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда ту-рувчилар;
- ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўй-ин товлаш, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш, фарзанд-ликка олинувчиларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиш ва муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлиш сабабли фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзан-дликка олувчилар;
- ҳаётга, соғлиққа карши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавф-ли бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахснинг озодлигига, шаъни ва қадр-қиммати-га қарши (бундан тухмат, ҳақорат қилиш мустасно), фуқаролар-нинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳукуқла-рини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг хавфсизли-гига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўз-ганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш билан боғлик бўлган жиноятлар, жиноий йўл билан топилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартиби-га, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа со-лиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни



камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (бундан учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари хукм қилингандар;

- жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун илгари хукм қилингандар;
- фарзандликка олишга монелик қиласидиган касалликларга чалингандар. Мазкур касалликларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**Изоҳ:** фарзандликка оловчилар ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, бундан ўгай ота ва ўгай она ёхуд фарзандликка олинувчининг яқин қариндошлари томонидан фарзандликка олиш ҳоллари мустасно.

**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддасига мувофиқ, фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридағи ва бошқа хужжатлардаги фарзандликка оловчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка оловчиларнинг розилигисиз, агар улар

**вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш қатъян тақиқланади ҳамда фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-моддаси билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.**

**Фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига  
эга бўлган шахслар:**

турар жойидан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари

ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар

фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс

ўтай ота ва ўтай она

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

касаллик, баҳтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажralган шахслар

**Изоҳ:** Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади, боланинг бундай розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда аниқланади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддаси). Лекин бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланадиган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фар-



**зандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.**

Шунингдек, агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади ва одатда бундай розилик нотариус тарафидан тасдиқланади.

Агар эр-хотин оиласавий муносабатларни тутатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлсалар ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди.

Васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади.

Болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб этилади.

Ота-она боланинг муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик беришлари ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола килишлари мумкин.

Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган жойдаги ёхуд ота-она доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак, шунингдек фарзандликка олиш тўғрисида иш юритилаётганда бевосита судда баён этилиши мумкин (Оила кодексининг 159-моддаси).

**Изоҳ:** суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олишга ҳақли.

**Фарзандликка олиш қўйидаги холларда ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади:**

ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса

ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса

ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидағи боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса

### **Давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 161-моддаси талабарига мувофиқ, давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, агар уларнинг ота-онаси розилиги талаб этилмайдиган бўлса, шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

**Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш**

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат ҳудудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш мазкур бола до-

имий яшаётган давлатнинг қонунчиликда белгиланган тартибда, фарзандликка олинаётган бола етим ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яқин қариндоши бўлган ёки ўз ватанида турли сабабларга кўра фарзандликка олиниши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, бошқа давлат худудида доимий яшаётган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиша боланинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг рухсатномаси талаб қилинади.

**Изоҳ:** суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичida **ФХДЁ** органлари фарзандликка олинаётганинг туғилиши қайд этилган дафтарга ўзгартиришлар киритиши лозим. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши ёзилган дафтарга, агар бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган бўлса, унинг ота-онаси деб ёзилиши керак ҳамда зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ўшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

#### 4.10.1.2. Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади ҳамда фарзандликка олингандар ва уларнинг ота-онаси (ота-она қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларни йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинган тақдирда, унинг манфаатларини кўзлаб, боланинг шахсий номулкий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг илтимосига кўра ёки, агар фарзандликка олувчи

аёл бўлса, отасининг илтимосига кўра сақланиб қолиши мумкин. Агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган отасининг ёки онанинг ота-онаси (бува ёки буви) илтимосига кўра боланинг шахсий номулкий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар боланинг манфаатлари шуни талаб этса, вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошларига нисбатан сақланиб қолиши мумкин.

Фарзандликка олиниш вақтида бокувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

**Изоҳ:** фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзgartиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

### Фарзандликка олишни бекор қилиш асослари

**Фарзандликка олиш бекор қилиниши лозим,  
агарда фарзандликка олувчилар:**

ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни  
бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни  
лозим даражада бажармаётган бўлсалар

ота-оналик ҳуқуқини сунистеъмол қилаётган  
бўлсалар

фарзандликка олинувчиларга нисбатан  
шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар

муттасил ичкликбозликка ёки гиёвандликка  
мубтало бўлган бўлсалар

**Изоҳ: суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир, табиийки бунда унинг фикри ҳисобга олинади.**

**Фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

Фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идорала-раро комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга (Оила кодексининг 170-моддаси).

Фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибида йўл қўйилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб суд уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка оли-наётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Фарзандликка олишни бекор қилиш ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради, яъни фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка оловчиларнинг (фарзандликка оловчиларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқук ва мажбуриятлари тутатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота- онанинг қариндошлари) ўргасидаги ҳуқук ва мажбуриятлар тикланади.

**Изоҳ: фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади ҳамда боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, у васийлик ва ҳомийлик органлари қарамогига берилади.**

Суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмини сақлаш-сақланмаслиги қўрсатилиши керак.

**Ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.**

#### 4.10.2. Васийлик ва ҳомийлик

**Ўн тўрт ёшга тўлмаган** етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **васийлик белгиланади**.

**Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган** етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **ҳомийлик белгиланади**. Соғлигининг ҳолатига кўра мустақил ра-вишда ўз хуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин. Васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади (Оила кодексининг 174-моддаси).

Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтоҷ бўлган шахснинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойга кўра, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойга кўра белгиланади.

#### 4.11. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиши

##### Фуқаролик ҳолати далолатномалари

Фуқаролик ҳолати далолатномалари — фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажralиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир.



Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида акс эттирилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат аҳамиятига молик хужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари асосида қатъий ҳисобда турадиган, маълум серияси, тартиб рақами бўлган, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг муҳри ва мансабдор шахснинг имзоси қўйилган, давлат герби тасвирланган гувоҳномалар, масалан тугилганлиги ҳақидаги, никоҳ ҳақидаги гувоҳнома кабилар берилади.

Давлат герби тасвирланган гувоҳномани қалбакилаштириш қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 228-моддасига мувофиқ таъқиб этилади.

Одатда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиши ФХДЁ органларида, чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқаролар учун эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ консул томонидан амалга оширилади.

#### **4.12. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш**

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуклардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонунчилигига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никохлар, агар никоҳ тузишга монелик қиласидан ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.\*

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонунчилигига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги, шунингдек чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган эри (хотини) билан тузилган никоҳдан, мазкур шахс қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси судида ажралишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш мумкин бўлган ҳолларда бундай никоҳдан ажралиш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тегишли чет эл давлатининг қонунчилигига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш тегишли чет эл давлатининг қонунчилигига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.



V БОБ.

УЙ-ЖОЙНИНГ БУЗИБ  
ТАШЛАНИШИ:  
МУЛКДОР ГА ҲУҚУҚИЙ  
МАСЛАХАТЛАР

## 5.1. Мулк ҳуқуқининг моҳияти

Мулк ҳуқуқи ҳар қандай замонавий жамиятнинг иқтисодий асоси ҳисобланади. Инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларациясиning 17-моддасида ҳар ким ўз мулкига якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқига эга ва ҳеч ким ўз мулкидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Шундай қилиб, мулк ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида таснифланади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддасида мустаҳкамланган инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқукларидан бири бўлган уй-жойга бўлган ҳуқук мулк ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқdir. БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуклар қўмитасининг позициясига кўра, ушбу ҳуқуқнинг пактда кўрсатилган жиҳатлари қуидагилардан иборат:

- яшашнинг ҳуқуқий таъминоти;
- хизматлар, материаллар, иншоотлар ва инфратузилманинг мавжудлиги;
- харажатлар нуқтаи назаридан арzonлиги;
- яшаш учун қулайлик;
- фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- жойлашган жой;
- маданий жиҳатдан мослик<sup>1</sup>.

Халқаро ҳуқуқнинг юқоридаги умумэътироф этилган нормалари Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунида ўз ифодасини топган. Конституциямизнинг 53-моддасида Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган асосини турли кўринишдаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилган. Давлат барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳукукий ҳимоясими кафолатлади. Айниқса, хусусий мулк бошқа мулк шакллари қатори дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани алоҳида таъкидланади. Мулкдор ундан фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда маҳрум этилиши мумкин.

1 <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Repcomm4.html>

Ушбу мухим ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тамойиллари ва механизмлари бугунги кунда турли қонуности ҳужжатларида акс эттирилган. Шунингдек, 29.06.2022 йилда “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ти Қонун қабул қилиниб, унда мазкур соҳадаги муносабатлар тизимли равишда тартибига солинди. 01.10.2022 йилда кучга кириши назарда тутилган ушбу Қонунда жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтингчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкаси, унда жойлашган кўчмас мулк обьектларининг ҳуқук эгаларига компенсация бериш тартиб-таомиллари белгиланмоқда. Мазкур Қонун бу борадаги кўплаб ҳуқуқбузарликларни, амалдаги меъёр ва кафолатларга риоя қилинmasлик ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиласди.

### **Изоҳ:**

«The World Justice Project» халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2021 йилда Ўзбекистон мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиши даражаси бўйича дунё мамлакатлари рейтингида охиргидан одинги ўринни эгаллади. Шундай қилиб, 2021 йил ҳолатига бўлган ҳисоботда Ўзбекистон 139 давлат орасида 138-ўринни эгаллади<sup>2</sup>.

Ушбу кўлланмада фуқаролардан ер участкалари, уй-жой ва бошқа кўчмас мулкни олиб қўйиш тартиби, шунингдек, улар учун компенсация тўлаш ҳамда мулқдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари билан боғлиқ кўп учрайдиган саволларга етарлича жавоблар келтирилган.

## **5.2. Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ ер миллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим ва у давлат муҳофазасидадир.

2 <https://repost.uz/pozor>

2021 йилгача ер участкалари фуқароларга умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик, доимий эгалик ва вактингчалик фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган. Эгалик ҳуқуқи фақат ер участкала-рида жойлашган бино ва иншоотларга берилган.

2021 йилда қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга кўра, ер участкалари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида эркин муомалага чиқарилди. Ер участкаларини хусусий секторга **мулк ҳуқуқи** ва ижара **асосида** бериш тартиби белгиланди. Ер участкаларини умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, вактингчалик фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тартиби бекор қилинди, бунда илгари берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар амалдаги тартибда уларнинг эгаларида сақланиб қолади<sup>3</sup>.

Бундан бўён ер участкаларини, шу жумладан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган **ер участкаларини хусусийлаштириш имконияти** ҳам назарда тутилмоқда<sup>4</sup>.

**Хусусийлаштирилган ер участкалари эгалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда хусусийлаштирилган ер участкасига ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шу жумладан ундан гаров предмети сифатида фойдаланиш, юридик шахснинг устав капиталига (устав фонди) ҳисса қўшиш, ижара бериш;
- хусусийлаштирилган ер участкасига эгалик ҳуқукини бузиш ҳолатларини бартараф этишни талаб қилиш;

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 8-иондаги ПФ-6243-сонли “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоғлики таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони (хавола: <https://lex.uz/docs/5450181>)

4 Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 15-ноябрдаги “Кишлек ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ти ЎРҚ-728-сонли Конуни (хавола: <https://lex.uz/ru/docs/5729969>)

- хусусийлаштирилган ер участкасини мустақил бошқариш;
- турар-жой, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа бинолар ва иншоотларни қуриш, уларни қайта қуриш ва бузишни амалга ошириш.

Бу янгиликларнинг барчаси ер ресурсларини ўғирлаш, ерни ўзбошимчалик билан тортиб олиш, шунингдек ерни бозор мулкига айлантириш ва молиявий муомалага киритиш орқали ноқонуний сотиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган. Шунга кўра, зарур ҳолларда ер участкаларини олиб қўйиш мулкдорлар ҳуқуқларининг устуворлиги, шу жумладан уларга бозор баҳоси бўйича тўлиқ қопланишини таъминлаш тамойилини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### **5.3. Хусусийлаштирилган ер участкаларини сотиб олишнинг ўзига хос жиҳатлари**

Илгари хусусийлаштирилган ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун сотиб олиш:

- фақат ер эгасининг ёзма розилиги олингандан кейин амалга оширилади;
- ер участкасининг эгаси ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари номидан ўртасида тенг шартларда ер участкасини **олди-сотди шартномаси** орқали расмийлаштирилади;
- ернинг шартнома қийматини давлат томонидан **олдиндан** тўлаш шарти билан амалга оширилади.

Жамоат манбаатларини (мудофаа, хавфсизлик, экология ва иқтисодиёт эҳтиёжлари, ижтимоий аҳамиятга эга объектлар қуриш ва бошқалар) таъминлаш мақсадида хусусийлаштирилган ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва сотиб олишга йўл қўйилади.

Хусусийлаштирилган ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун сотиб олишдан олдин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шартноманинг нархи ва сотиб олиш шартларини мулкдорлар

билин **очиқ муҳокама** ўтказишлари шарт. Сотиб олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни қоплашнинг **максус Марказлаштирилган жамғармаси билан келишилиши** керак.

Хусусийлаштирилган ер участкасининг сотиб олиш қийматини тўлаш ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи давлатга ўтказилгунга қадар **тўлик ҳажмда** амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган ер участкасининг эгаси билан ҳокимлик ўргасидаги ер участкасини олди-сотди шартномасини тузиш бўйича келишмовчиликлар **суд тартибида** ҳал қилинади.

### **Изоҳ:**

Турли мамлакатларда мажбурий олиб қўйиши шартлари ҳар хил – АҚШда “Eminent domain” (давлатнинг хусусий мулкни мажбурий экспроприация қилиши ҳуқуқи), Буюк Британия, Янги Зеландия, Ирландияда “compulsory purchase” (мажбурий экспроприация, мажбурий хариð), Австралияда “compulsory acquisition” (мажбурий тасаррүф), Канадада, Жанубий Африкада “expropriation” (экспроприация), Германияда “Enteignung” (экспроприация), Францияда “L'expropriation” (экспроприация). Бирорқ берилган атамаларнинг семантик мазмуни ўхишаидир.

Ушибу мамлакатларда мажбурий экспроприация масалаларини тартибга солувчи қонунчилик нормаларининг таҳлилига кўра, мажбурий олиб қўйишни мулкдорларнинг розилиги билан ёки розилигисиз жамоат манфаати учун ўз фойдаланиши учун ёки учинчи шахслар манфаати учун тегишли компенсацияни мажбурий таъминлаши билан давлат органларининг хусусий мулкни экспроприация қилиши (олиб қўйиши) ҳуқуқи сифатида аниqlасак бўлади. Аксарият юрисдикцияларда давлат томонидан олиб қўйиши ҳуқуқи олинадиган мулк эгасига “адолатли компенсация” тўлаши ҳуқуқига боғлиқ. Нархнинг “адолатлилиги” мезонлари, одатда, ҳақиқий бозор нархига асосланади ва бу нарх бўйича низолар суд томонидан ҳал қилинади.

*Жамоат фойдаси (мақсад, манфаат) деганда давлат орғанинг кўчмас мулкни олиб қўйши ваколати асосида хусусий мулк олиб қўйилиши мумкин бўлган ягона мақсад тушиунилади<sup>5</sup>.*

***Фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаган ерни олиб қўйши ва унда жойлашган кўчмас мулкни бузишига қандай ҳолларда йўл қўйилади?***

Ҳозирги вақтда ер участкаларининг мутлақ кўпчилиги умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан фуқароларга тегишли. Бундай ер участкаларида яшовчи ёки уларда нотураржой мулкига эга бўлган шахслар ер участкалари олиб қўйилганда хусусий ер эгалига нисбатан табиий равишда камроқ ҳимояланади. Шунинг учун бундай ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйиш ва уларда жойлашган кўчмас мулк эгаларига етказилган зарарни қоплаш тартиби **алоҳида норматив-ҳуқуқий хужжат билан тартибга солинади**<sup>6</sup>.

Хусусий ер участкаларида бўлгани каби умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ер участкаларини ҳам кўйидаги **мақсадларда** олиб қўйишга йўл қўйилади:

- мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий худудлар эҳтиёjlари учун ер бериш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини юритиши;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;
- фойдали қазилмалар конларини очиш ва ўзлаштириш;
- автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аеродромларни, аeronавигация иншоотларини ва авиация техника марказлари-

5 Шаҳарни қайта куришнинг ҳуқукий ва шаҳарсозлик жиҳатлари: хорижий тажриба. Шаҳар иктисодиёти институти фонди, 2017 йил, 4, 5-бетлар (хавола: [https://urbanecomconomics.ru/sites/default/files/pravovye\\_i\\_gradostroitelnye\\_aspekty\\_gorodskogo\\_redevelopmenta\\_-\\_zarubezhnyy\\_oput\\_institut\\_ekonomiki\\_goroda.pdf](https://urbanecomconomics.ru/sites/default/files/pravovye_i_gradostroitelnye_aspekty_gorodskogo_redevelopmenta_-_zarubezhnyy_oput_institut_ekonomiki_goroda.pdf)).

6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 16.11.2019 йилдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуклари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон карори (хавола: <https://lex.uz/docs/4597638>).

- ни, темир йўл транспорти обьектларини, қўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергия тизими обьектлари ва электр узатиш линиялари, алоқа линиялари, космик фаолият обьектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик ва муҳандислик иншиотларини қуриш (реконструкция қилиш) алоқа тармоқлари;
- аҳоли пунктларининг бош режаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан обьектлар қуриш бўйича, шунингдек қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида бевосита назарда тутилган бошқа ҳолларда бажариш.

Бундан ташқари, худудларни ривожлантириш ва аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган **инвестиция лойиҳаларини** амалга ошириш мақсадида ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулк обьектларини бузишга рухсат берилади.

### **Изоҳ:**

Рухсат берилмаган иншиотларни бузии маҳсус қоидалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси билан тартибга солинади. Ушбу мақсадлар учун ажратилмаган ер участкасида рухсатнома олмасдан ёки архитектура-қурилиши нормалари ва қоидаларини жиҳдий бузган ҳолда қурилган турар-жой биноси, бошқа бино, иншиот ёки бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган қурилиши ҳисобланади. Умумий қоидага кўра, ўзбошимчалик билан қурилган бино суд қарори билан бузилиши керак. Бундай ҳолда, бузии ишлари айборор шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан амалга оширилади.

## **5.4. Ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби**

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда уй-жой ва нотурар жой обьектларининг фаол қурилиши муносабати билан давлат органлари, курувчи ташкилотлар ва фуқаролар ўргасида кўплаб зиддиятили вазиятлар ва келишмовчиликлар юзага келди. Шу муносабат билан давлат ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузиш

тартиб-таомилларини сезиларли даражада мураккаблаштириди. Ер участкаларини олиб қўйиш ва қўчмас мулкни бузишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик жиддий қонун бузилиши ҳисобланган ҳолда кейинчалик бу борада қабул қилинган қарорларнинг ўз кучини йўқотишига, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари эса қонунга хилоф деб топилишига олиб келади.

Ер участкаларини олиб қўйиш ва қўчмас мулк обьектларини бузиш қонуний бўлиши учун қўйидаги **ҳужжатлар** талаб қилинади:

- *Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйши ёки мулкни бузиши тўғрисидаги қарори;*
- *ер эгасининг ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачининг ер участкасини олиб қўйши ва мулкни бузишига розилиги;*
- *олиб қўйилган ер участкасидаги мол-мулкни бузишига йўл қўйилиши тўғрисида адлия органининг ижсобий хulosаси;*
- *ер участкаси олиб қўйилганлиги муносабати билан компенсация (компенсация тўлаши) тўғрисида олиб қўйши ташаббускори ва олиб қўйилган ер участкасидаги қўчмас мулк эгаси ўртасида нотариал тасдиқланган шартнома. Унда компенсация миқдори ва тури, тўлов шартлари ва бошқалар кўрсатилади. Мулқдор томонидан шартноманинг имзоланиши ер участкасини олиб қўйши ва мулкни бузишига розилек деб ҳисобланади;*
- *бузилган мулк учун эгасига тўлиқ компенсация берилишини тасдиқлаш;*
- *Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ёки Тошкент шаҳар, туман ёки шаҳар ҳокимининг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган мулкни бузиши тўғрисидаги қарори.*

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорлар олиб қўйилишига режалаштирилган ер участкаларида жойлашган қўчмас мулк эгалари билан **очик мухокама** ўтказиш, фойда ва харажатларни баҳолаш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги муносабати билан зарарни қоплаш бўйича



тегишли Марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий келишидан сўнггина йўл қўйилади.

Ер участкалари олиб қўйилганда кўчмас мулкни бузишни фақат бино ва иншоотларнинг **ҳақиқатан ҳам бўшатилгандан** кейин, шунингдек кўчмас мулк объектларининг тўлиқ бозор қиймати ва у билан боғлиқ барча харажатлар мулкдорга ва унинг оила аъзоларига **қоплангандан** кейингина бошлашга рухсат этилади.

Ушбу схемада давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерни олиб қўйиш, шунингдек, компенсация беришнинг асосий босқичлари кўрсатилган<sup>7</sup>:

*Савол: Ҳусусий мулк бузилган ҳолатда мулк ўрнига нима берилиши керак?*

Бузилаётган уйларнинг эгаларини битта савол қийнайди: уларнинг мол-мулки учун компенсация пули қанча миқдорда бўлади?

Мулкдорга қуидагилар **қопланади**:

- бузилган мулкнинг бозор қиймати;
- олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;
- кўчиш, шунингдек вақтинча бошқа кўчмас мулкни сотиб олиш харажатлари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг йўқотилган даромади;
- қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар;
- рухсатсиз биноларнинг нархи: уй-жой, саноат ва бошқа бинолар ва иншоотлар.

Бузилиши учун компенсация **қуидаги шаклда** амалга оширилади:

- пул бериш;
- ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулкни бериш;
- шартномада назарда тутилган бошқа турдаги компенсациялар.

---

7 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 16.11.2019 йилдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуклари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон карори. (хавола: <https://lex.uz/docs/4597638>)

Томонларнинг келишувига кўра, мулқдор **аралаш компенсацияни**, яъни бир вақтнинг ўзида бир нечта компенсация турлари ни олиши мумкин.

Агар тарафлар ўзаро келишувга кўра, мулқдорга бузилгани ўрнига янги уй-жой берилиши тўғрисида келишувга эришган бўлса, у ҳолда мулқдор янги қурилган мулкни вақтингчалик уй-жойга жойлаштирилган кундан бошлаб 2 йил ичидаги олиши шарт. Агар ушбу муддатлар кечиктирилган бўлса, ташаббускор эгасига кечиктирилган ҳар бир кун учун бузилган мулк қийматининг 0,01 фоизи миқдорида, лекин ўша қийматнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эктиёжлари учун олиб қўйишни назарда тутувчи  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилинади.

Қарор Президентнинг фармони, қарори, фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг  
қарори, фармойиши, баённома қарори шаклида бўлиши мумкин.



Авариявий ҳолатдаги ва эскирган уй-жой обьектлари эгаллаб турган ер участкалари,  
фойдаланилмаётган кўчмас мулк обьектлари аниқланади.

Ушбу тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар,  
Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ўтказилади.



Ер участкасида қурилишларни олиб бориш лойиҳаси ишлаб чиқилади ва лойиҳани амалга  
ошириш жарабёнида лойиҳа таъсири остига тушадиган кўчмас мулк обьектлари аниқланади.

Мазкур ишни Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар,  
туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ташкил  
этадилар.

Ишлар қурилиш, ер тузиш ва давлат кадастри  
органлари томонидан бажарилади



Олиб қўйилабётган ер участкасидаги қўчмас мулк объектларининг тўлиқ рўйхати тайёрланади, ер участкаларининг олиб қўйилиши ва уй-жойларнинг бузилиши муносабати билан компенсацияларни тўлаш бўйича дастлабки харажатлар аниқланади.

Ушбу тадбирлар қурилиш, ер тузиш ва давлат кадастри органлари томонидан бажарилади, шундан сўнг харажатлар молия органлари томонидан баҳоланади.



Курилишларни олиб бориш лойихаси ва зарур компенсацияларнинг дастлабки хисоб-китоблари тасдиқланани учун Қорақалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари кенгашларига юборилади.

Лойиха ва хисоб-китоблар маъқулланган тақдирда Қорақалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ёки Халқ депутатлари кенгаши олиб қўйилабётган ер участкаларида яшовчилар (мулкдорлар) билан очиқ муҳокамалар ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.



Очиқ муҳокамалардан сўнг баённома шаклида қарор қабул қиласди; лойиха барча мулкдорлар томонидан маъқулланган тақдирда, кейинчалик шартномалар тузиш ва компенсация тўлаш учун қўчмас мулк объектлари баҳоланади.

Кўчмас мулкни ташаббускорнинг маблагларни ҳисобидан баҳолаш ташкилотлари баҳолайдилар.

Шартномалар асосида ҳокимлик мулкдорларга компенсацияни олиб қўйилиш ва бузилишдан олдин тўлиқ тўлайди.

Бузуб ташлаш ва уни ижро этиш тўғрисидаги ҳокимнинг қарори аддия органи билан келишишлган ҳолда қабул қиласди.

## Изоҳ:

*Тузилган компенсация шартномаси нотариал тасдиқланган бўйиши керак.*

*Адвокат билан маслаҳатлашиши ва томонларнинг тўлиқ реквизитлари, компенсациянинг аниқ миқдори ёки квадрат метрлари, балкон, лоджиянинг мавжудлиги, изоляция даражаси, блок(подъезд), қаватлар ва хонадон раҳамлари кўрсатилган хонадоннинг режаси шартномага киритилганинига ишонч ҳосил қилиши тавсия этилади.*

*Агар томонлар бузилган уй ўрнига хонадон бершига келишии олган бўлса, у ҳолда қурувчи янги хонадонни қуриши ва таъмирлаш тугагунига қадар ижарага олинган уй-жой учун тўловни тўлаш бўйича фуқароларнинг харажатларини қоплаши шарт. Бу нотариус томонидан тасдиқланган шартномада ҳам қайд этилиши керак.*

Бундай ҳолда, уй-жойни топшириши санаси күрсатилиши кө рак. Уй-жой қурилишини тугатиши кечиктирилган тақдирда, форс-мажор ҳолатларига ва жарималарга эътибор берииш талаб этилади.

## 5.5. Компенсация бериш тартиби

Компенсация қуидаги тартибда амалга оширилади:

- пул маблағлари эгасининг тегишли банк (депозит) ҳисобварағи га ўтказиш йўли билан;
- қўп қаватли уй жойлашган ер участкаси олиб қўйилган тақдирда, хонадонларнинг ҳар бир мулкдорига улар билан келишув бўйича майдони кам бўлмаган хонадон берилади.

**Изоҳ:**

*Яқин атрофда (бир кўча, мавзе, кичик даҳада) истиқомат қилган мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида, уларга шу ҳудудда жойлашган янги уйлар ёки битта кўп қаватли уйдаги хонадонлар берилади. Бунда мулкдорнинг ўзи га ва унинг оила аъзоларига янги уй-жой берилгунга қадар ташаббускорнинг маблаглари ҳисобидан вақтинча ижарага бериладиган уй-жой берилади.*

- турар-жой бўлмаган обьект эгаллаб турган ер участкаси олиб қўйилганда, тарафларнинг келишувига қўра мулкдорга майдони бўйича ундан кам бўлмаган турар жой обьекти берилиши мумкин;

**Изоҳ:**

*Мулкдорга қурилаётган нотураржой обьектига эгалик ҳуқуқи ўтказилгунга қадар – ташаббускорнинг маблаглари ҳисобидан вақтинча фойдаланиш учун унга бошқа нотурар жой обьекти берилади.*

- якка тартибдаги турар-жой биноси эгаллаб турган ер участкаси олиб қўйилганда, томонларнинг келишувига қўра, мулкдорнинг ўша ёки бошқа туман (шахар) ҳудудида жойлашган, якка тартибдаги яшаш шароити олининиб қўйилганницидан ёмон бўлма-



- ган туарар-жой жойлашган, майдони кам бўлмаган ер участкаси мулкига ўтказилиши мумкин;
- эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтингчалик фойдаланиш ҳуқуқида бўлган ер участкаси олиб қўйилганда мулкдорга олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўланади.

Агар мулк бир вақтнинг ўзида бир нечта шахсга тегишли бўлса (умумий мулк), унда компенсация уларнинг умумий мулкдаги **улушларига мутаносиб равишда** амалга оширилади.

**Савол: Қурувчилар, инвесторлар ва бошқа тадбиркорлар томонидан ер участкаларини олиб қўйши ва кўчмас мулк объектларини бузишга рухсат бериладими?**

Қонун ҳужжатларида ҳусусий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилаш имкониятлари кўзда тутилган. Бу Вазирлар Маҳкамаси ёки ҳокимликлар томонидан белгиланган тартибида тасдиқланадиган шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг **бош режалари** асосида амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чоғида ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкка етказилган зарарни қоплаш тартиблари давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузиш билан бир хилда тартибга солинади<sup>8</sup>. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ушбу тартибининг муайян ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Муҳими, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорга **Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари** асосида йўл қўйилади.

---

8 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.2019 йилдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон қарори. (хавола: <https://lex.uz/docs/4597638>)

Халқ депутатлари Кенгаши инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида Президент ва Ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган қарорлар қабул қилишга **ҳақли эмас**.

Президент ва Ҳукуматнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг ваколатли давлат органлари ушбу лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдирган инвесторларни танлаб оладилар. Инвесторлар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашлари ва белгиланган процедуралардан ўтишлари шарт.

*Савол: Ерни олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузишни назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш тартиби қандай?*

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш мусносабати билан ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузишнинг мураккаблаштирилган тартиби белгиланган.

Хусусан, аҳоли пунктининг бош режасини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат ёки ҳокимнинг (вилоят даражасидаги) қарорлари мавжуд бўлса, **инвестор** лойиҳа олди ҳужжатларни, тақдимот ва бошқа материалларни тайёрлайди. Ушбу ҳужжатлар инвестор томонидан маҳаллий ҳокимликка тақдим этилади.

Ўз навбатида, **ҳокимлик** инвестордан олинган ҳужжатларни кўриб чиқади ва **курилиш ва кадастр органларига** юборади. Улар фикр билдирадилар ва ҳудуддаги кўчмас мулк рўйхатини тақдим этадилар.

Инвестор инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида таъсир кўрсатадиган кўчмас мулк таркибини аниқлагандан сўнг дастлабки ҳисоб-китобларни амалга оширади ва ҳокимликка компенсация тўлаш ва қурилиш ишларини олиб бориш учун етарли маблағга эга эканлигини тасдиқлайди. Бироқ бу ҳисоб-китоб компенсациянинг аниқ микдори эмас, балки фақат лойиҳани амалга



ошириш жараёнида инвестор қоплаши керак бўлган тахминий харжатлар миқдори ҳисобланади.

Ҳокимлик лойиҳани амалга ошириш учун маблаг етарлилиги тўғрисидаги дастлабки тасдиқни олгач, материалларни кўриб чиқиш учун **Халқ депутатлари кенгашига** юборади.

Кенгаш мажлис ўтказади ва куйидаги масалаларни кўриб чиқади:

- Инвестиция лойиҳаси ҳудуддаги фуқароларнинг уй-жой ва майший шароитларини яхшилашга қаратилганлиги ёки қаратилмаганлиги, маҳаллий аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга обьектлар қуриш таъминлангани ёки таъминланмагани;
- биринчи навбатда эскирган ва авария ҳолатидаги уй-жой фонди обьектлари, жумладан фойдаланилмаётган обьектлар жойлашган ер участкалари олиниши ёки олинмаслиги.

Мазкур саволларга ижобий жавоблар олинган тақдирда Кенгаш инвестиция лойиҳасини амалга оширишга **розилик бериш тўғрисида қарор** қабул қиласди.

Шу билан бирга, Кенгаш тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан инвестиция лойиҳасининг очиқ муҳокамасини ташкил этиши тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Очиқ муҳокамани ўтказмаслик ноконуний ҳисобланади.

### **Изоҳ:**

*Ташаббускор Кенгаш очиқ муҳокама ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан икки кун ичida, лекин муҳокама ўтказишдан камида етти кун олдин мулкдорларга хабарнома юборориши шарт.*

*Ташаббускор очиқ муҳокама ўтказиладиган сана ва жой тўғрисида мулкдорларни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Оммавий ахборот воситалари ва Интернет орқали хабар берориши қўшимча чора ҳисобланади, лекин ташаббускорни мулкдорларга ёзма хабарнома юборориши шартидан озод қилмайди.*

Очиқ муҳокамада инвестор мулқдорларнинг **олдиндан розилигини** олишга мажбурдир. Инвестор мулқдорларнинг дастлабки розилигини олгандан кейингина ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва компенсация тўлашни келишиш ва у бўйича шартномалар тузиш жараёни бошланади.

### **Изоҳ:**

*Агар компенсация тўлаш бўйича музокаралар жараёнида инвестор олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк обьектлари эгаларининг 75 фоизи билан шартнома тузса, лекин қолган 25 фоиз мулқдорлар компенсация тўлаши тўғрисида шартнома тузшидан бош тортса, инвестор судга даъво аризаси билан муорожсаат қилиши мумкин. Бунда норози бўлган 25 фоизга тенг мулқдорларнинг кўчмас мулк қийматига компенсация тўлаши миқдори, турлари ва муддатлари суд қарори асосида белгиланади.*

## **5.6. Ер участкаси, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк обьектлари учун компенсация миқдорини аниқлаш**

Олиниб қўйилаётган ер участкасида жойлашган барча кўчмас мулк обьектлари компенсация қилиниши шарт.

Кўчмас мулк обьектларига бинолар ва иншоотлар (шу жумладан ер ости иншоотлари) ва кўп йиллик дов-дараҳтлар киради. Шунинг учун, ер участкаси олиб қўйилганда, ундаги кўп йиллик дов-дараҳтлар ҳам компенсация қилинади.

Кўпчилик ер участкасига бўлган ҳуқуклар ҳам баҳоланишини билмайди. Бу ер участкасида жойлашган бино ва иншоотлар билан бир қаторда ўз қийматига эга бўлган умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқига ҳам тааллуқлидир.

Бузилиши керак бўлган кўчмас мулкни баҳолаш ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ва Шартнома тузилгунга қадар амалга оширилади. У баҳоловчи ташкилотлар томонидан ташаббускор (ҳокимлик, курувчи, инвестор) маблаглари хисобидан амалга оширилади. Бунда кўчмас мулк



объектининг ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қиймати кўрсатилади.

### **Изоҳ:**

*“Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунинг<sup>9</sup> 7-моддаси биринчи қисмига кўра, баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш объектининг очиқ бозорда рақобатчилик шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатларини йўлида оқилона ва ихтиёрий равшида ҳарамат қиласди, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушибу битимга қўшилиши мажбурияти акс этмайди.*

У ёки бу томон баҳолаш натижаларидан норози бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, норози томон баҳолаш ҳисоботининг ишончлилиги ва асослилигини текширишни талаб қилиши мумкин. Экспертиза билан боғлиқ харажатларни баҳолаш натижаларига рози бўлмаган томон қоплайди.

Шуни таъкидлаш керакки, баҳолаш ташкилоти баҳолашни амалга ошириш шартномасини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган заарлар учун жавобгардир.

**Савол: Бузилиши керак бўлган кўп қаватли уйнинг ер участкаси учун компенсация тўланадими?**

Қонун хужжатларида кўп қаватли уйлар остидаги ер участкаси хонадон эгаларига ҳеч қандай ҳуқуқлар берилиши назарда тутилмаган. Шу сабабли, бундай уйлардаги хонадонларнинг эгалари ўз уйлари жойлашган ер участкаларига алоҳида ҳуқуқларга эга эмаслар. Шу муносабат билан, ер участкасига бўлган ҳуқуқ бу ҳолда алоҳида баҳолаш обьекти бўлмайди.

Бироқ баҳоловчи кўчмас мулк бозорини таҳлил қилганда, хонадон жойлашган худуддаги кўчмас мулк бозорининг умумий хусу-

---

9 Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни (ҳавола: <https://lex.uz/acts/24701>).

сиятларини ҳисобга олади ва хонадонни баҳолашда уйнинг жойлашган жойини ҳисобга олади, бу эса баҳолашга таъсир қиласи.

Масалан, бир хил хусусиятларга (параметрларга) эга бўлган, лекин турли туманларда жойлашган хонадонлар бошқача баҳоланиди (шаҳар марказидаги хонадонлар чеккадаги уй-жойларга қараганда қимматроқ бўлади).

### *Олиб қўйилган ер участкаси ва бузилган мулк эгалари ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилишилари мумкин?*

Агар мулкдор ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобласа, у ҳокимлик, қурилиши ташкилоти ёки бошқа ташкилотнинг қарорлари ва харакатлари устидан шикоят қилишга ҳақли.

Аксарият ҳолларда низолар мулкдорларни олиб қўйилаётган ер ва бузиб ташланбаётган мол-мулк учун таклиф қилинган компенсация миқдоридан қониқмаганлиги сабабли юзага келади. Бошқа ҳолларда, фуқаролар ҳокимлик ёки бошқа маъмурий органнинг ер участкаларини олиб қўйиш ёки кўчмас мулкни бузиш муносабати билан қабул қилинган қарори билан мутлако келишмайди.

Шу сабабли, фуқароларнинг ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ё маъмурий судларга, ё фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш керак.

Шикоят судга мурожаат қилиш билан бир вактда қуидаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига юборилиши мумкин:

- юкори турувчи орган;
- прокуратура;
- аддия органлари ва бошқалар.

Бу, хеч бўлмаганда, мулкдорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги факти тўғрисида кўшимча маълумот тўплаш, ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулкни бузиш билан боғлиқ муносабатлар доирасини аниқлаш имконини беради.

## **Изоҳ:**

Давлат органига мурожсаат кимнинг номига, кимдан (*ФИШ*) юборилаётганлиги, алоқа маълумотлари ва имзоси кўрсатилган ҳолда тўғри расмийлаштирилиши керак. Мурожсаат хати ҳар бир инстанция учун 2 нусхада (бира адресатга, иккинчиси ариза берувчидаги қолади) чоп этилади. Ариза расмий равишда канцелярия орқали топширилади ва иккинчи нусхада канцелярия ходими қабул қилганлигини тасдиқловчи ва қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши керак. Мурожсаат хатлари почта орқали қабул қилинганлиги маълум қилинадиган буюртма хати орқали ҳам юборилиши мумкин.

Мурожсаатларни кўриб чиқши муддати 15 кунни, агар қўшимча ўрганиши зарур бўлса, бу муддатни мураккаб ҳолатларда яна 1 ойга узайтириши имконияти билан 1 ойни ташкил этади<sup>10</sup>.

**Савол: Маъмурий судларда ҳуқуқларни ҳимоя қилишининг ўзига хос жиҳатлари қандай?**

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг **маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан** келиб чиқадиган бузилган ёки баҳслашаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар маъмурий суднинг судловига киради. Оддий қилиб айтганда, бу мажбурий қарорлар қабул қилишга ваколатли давлат органи ва ушбу қарорларга бўйсунишга мажбур бўлган фуқаро (агар қарор қонуний бўлса) ўртасидаги хокимият ва бўйсуниш муносабатлариdir.

## **Мұхим!**

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекси (*МСИЮтК*)<sup>11</sup> 27-моддаси биринчи қисми 2-бандига мувофиқ, маъмурий суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, **маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни** амалга оширишига ваколатли бўлган

10 Жилемоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни (ҳавола: <https://lex.uz/docs/3336171>).

11 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекси (ҳавола: <https://lex.uz/docs/3527353>).

бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқарши органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчилликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашии тўғрисидаги ишларни ҳал қиласди.

Шундай қилиб, мулкни бузиш тўғрисидаги ҳокимнинг қарори устидан шикоят қилиш зарурати туғилганда, **ҳокимнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза (шикоят)** билан ҳокимлик жойлашган жойдаги маъмурий судга мурожаат қилиш зарур.

### **Изоҳ:**


*МСИЮОтКинг 185-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахс маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқарши органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан, агар бу қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли):*

- унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузган;
- унинг ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишига ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаршига тўсиқлар вужсудга келтирган;
- унинг зиммасига қонунга хилоф равиида бирор-бир мажбурият юклаган;
- унинг у ёки бу соҳадаги фаолиятни амалга ошириши учун бошқа тўсиқлар вужсудга келтирган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишига ҳақли.

Маъмурий судларни маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ги ишларни қўрувчи судлар билан янгиштирмаслик керак. Кичик ҳуқуқбузарликлар (масалан, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисидаги материаллар ва бошқалар) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

асосида жиноят ишлари бўйича туман судлари томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқадиган **маъмурий судлар тизими** қўйидаги схемада кўрсатилган:



Маъмурий судларда низонинг ҳолатларини кўриб чиқиш ва баҳолашга **расмий ёндашув** устунлик қиласди. Уларда шикоят бериш ва ишларни кўриб чиқишнинг нисбатан қисқартирилган муддатларига қатъий риоя қилинади, томонлардан эса маъмурий тартиб-таомиллар ва процессуал қоидаларга қатъий риоя қилиш талааб этилади. Бундай расмиятчилик объектив сабабларга кўра пайдо бўлган – давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги тамойили устун бўлиши керак, низоларни чўзиб юбориш эса бошқарув фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин.

Маъмурий судга ариза (шикоят) беришда қўйидаги **процессуал талабларни** ёдда тутиш ва қўйидаги саволларга жавоб бериш керак:

- агар ариза берувчи давлат божи тўлашдан озод этилмаса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (1 БХМ) аризага илова қилиндими?
- почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи квитанция (БХМнинг 8 фоизи) илова қилиндими?

- ариза (шикоят) ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхалари жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилғанлигини тасдиқловчи почта квитанциялари илова қилиндими?
- аризани (шикоятни) имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланған бўлса, тасдиқловчи ҳужжат илова қилиндими (агар бир нечта мулқорлар ўзларидан бирига ўз вакили сифатида судда ишни юритиш ҳуқуқини берган бўлса, уларнинг ҳар бири нотариал тасдиқланған ишончномани тақдим этиши шарт)?
- давлат органи ёки мансабдор шахснинг қарори ёки ҳаракати устидан шикоят қилиш муддати ўтказиб юборилмадими?

**Изоҳ:**

*МСИЮтКининг 186-моддасига мувофиқ маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқарши органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилғанлиги тўгерисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин.*

*Давлат ижерочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топши тўгерисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилғанлиги тўгерисида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кун ичида судга берилиши мумкин.*

Мулқор хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилғанлиги бўйича давлат ва бошқа органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод қилинади. Аммо агар маъмурий суд ўз қарорида давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларининг қонунийлигини тасдиқласа, бу холда даъвогардан 1 БХМга тенг йигим ундирилади.

## Изоҳ:

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 11-бандига<sup>12</sup> мувофиқ, маъмурий судларда мулкдорлар хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқарии органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиши ҳақидаги ишлар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Маъмурий низо суд томонидан ишни суд мұхокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб **бир ой** муддатда кўриб чиқилиши керак. Алоҳида ҳолларда суд мұхокамаси муддати суд раиси томонидан, лекин **бир ойдан ортиқ бўлмаган** муддатга узайтирилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига биноан суд **дастлабки ҳимоя чораларини** кўриши мумкин. Бу фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ёки келгусида суд қарорини ижро этишининг имкони йўқлиги (қийинлиги)нинг олдини олиш мақсадида суд ажрими асосида айрим шахсларга нисбатан чеклашлар кўлланилишини билдиради.

Масалан, ҳокимнинг бузиш тўғрисидаги қарорини эътироф этиши тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилганингизда, ушбу қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш орқали дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш тўғрисида ариза беришингиз мумкин. Аризада дастлабки ҳимоя чораси нимадан иборат бўлиши аниқ кўрсатилиши керак (“суд қарори қонуний кучга киргунга қадар ишни кўриб чиқиши муддатига бинони бузишни тўхтатиб туриш” ва ҳ.к.).

---

12 “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (ҳавола: <https://lex.uz/docs/4680944>).

### **Изоҳ:**

*МСИЮтКинг 93-моддасига мувофиқ дастлабки ҳимоя чоралари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:*

- жавобгарга муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш;
- бошқа шахсларга низо предметига тегишили муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш;
- мулкни сотишни тўхтатиб туриш;
- низолашилаётган қарорнинг ижросини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш.

*Суд бир вақтнинг ўзида бир нечта дастлабки ҳимоя чоралари ни кўриши мумкин, аммо улар талабга мутаносиб бўлиши мумкин.*

НАМУНА

**Тошкент туманлараро маъмурӣ суди****Ариза берувчи:****Фамилияси, исми, отасини исми**

яшаш жойи (почта манзили), зарур ҳолларда,  
телефон рақамлари, факс рақамлари, электрон почта манзили

**Жавобгар:****Н тумани ҳокимлиги**

жойлашган жойи (почта манзили), зарур ҳолларда,  
телефон рақамлари, факс рақамлари,  
электрон почта манзили

**АРИЗА**

**N туман ҳокимининг 2021 йил 1 мартағи 0001-сон  
қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тұғрисида**

(Аризанинг кириши қисмидә ишининг моҳияти баён этилған ва даъвога асос бўлган ҳолатлар кўрсатилади).

(Баён этилған талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар көлтириллади).

асосида

(Ариза берувчининг даъволари қонунчилик хужжатларига ҳаволалар билан санаб ўтилади, бир нечта жавобгарларга нисбатан ариза берилганда, уларнинг ҳар бири бўйича даъволар санаб ўтилади).

**СЎРАЙМАН:**

– N туман ҳокимининг 2021 йил 1 мартағи 0001-сон қарорини ҳақиқий эмас деб топишни.

**Иловалар:** 1) давлат божи ва почта ҳаражатлари тўланганлиги тўғрисидағи квитанциялар;

2) жавобгарга ариза нусхаси юборилганлигини тасдиқловчи почта квитанцияси;

3) талабларни тасдиқловчи хужжатлар – “\_\_\_” варакда.

**ФИШ****Имзо, сана**

Ишни моҳиятган кўриб чиқиши натижаларига кўра суд **қарор** қабул қиласди. Агар суд низолашилаётган ҳал қилув қарори ёки унинг алоҳида қисмлари ёки ҳаракатлари (харакатсизлиги) қонунга зид эканлигини ҳамда ариза берувчининг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузгандигини аниқласа, ҳал қилув қарори ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёки ҳаракатлар (харакатсизлик) ноконуний деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Акс ҳолда, суд кўрсатилган талабни қондирини рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Қарор ҳақиқий эмас, ҳаракат (харакатсизлик) ноконуний деб топилган тақдирда суд тегишли орган ёки мансабдор шахс зиммасига:

- қонун хужжатларига мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд ариза берувчининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бошқача тарзда бартараф этиш;
- агар суд томонидан бошқа муддат белгиланмаган бўлса, суд қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой муддатда йўл қўйилган хукуқбузарликларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарори ижроси тўғрисида судга ва ариза берувчига хабар бериш мажбуриятларини юклайди.

Суд қарори, агар апелляция тартибида шикоят қилинмаса, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ўтгандан кейин **қонуний кучга киради**. Апелляция шикояти берилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

## 5.7. Маъмурий суд қарори устидан шикоят қилиш тартиби

Туманлараро маъмурий суднинг ҳал қилув қарори устидан **апелляция шикояти** берилиши мумкин.

Апелляция шикояти биринчи инстанция судининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичida берилиши мумкин. У Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан кўриб чиқиласди.



Туманлараро маъмурий суднинг ҳал қилув қарори устидан шикояти беришнинг куйидаги ўзига хос жиҳатларини хисобга олиш зарур:

- апелляция шикояти нафақат ишда иштирок этувчи шахслар, балки ишда иштирок этмаган, лекин суд уларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари тўғрисида қарор қабул қилган шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин;
- давлат божи (дастлаб тўланган давлат божи суммасининг 50 физи) ва почта тўлови (БХМнинг 8 фоизи) тўланганлиги тўғрисидаги квитанциялар, шунингдек, шикоят ва (агар шикоят вакил томонидан имзоланган бўлса) ишончнома нусхаларини жавобгар ва учинчи шахсларга юбориш учун почта квитанциялари шикоятга илова қилинади;
- шикоят апелляция инстанцияси судининг номига ёзилади, лекин тўғридан-тўғри қарор қабул қилган туманлараро маъмурий судга берилади.

Ишни кўриб чиққандан сўнг апелляция суди **ажрим** чиқаради, бунда у:

- суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга;
- қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёки унинг мазмунини ўзгартириш хукукларига эга.

Биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилиб, апелляция инстанцияси суди шикоят қилинаётган қарордан тубдан фарқ қиласидиган янги қарор қабул қилиши мумкин.

Масалан, туманлараро маъмурий суди ҳокимнинг бузиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни рад этган тақдирда, юкори турувчи суд апелляция шикоятини кўриб чиқиши ва суд қарорини бекор қилиши ҳамда ҳокимнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Ишнинг муҳим ҳолатларининг тўлиқ аниқланмаганлиги; бундай ҳолатларнинг далиллари йўқлиги; суд хulosаларининг ишнинг ҳолатларига мос келмаслиги; моддий ёки процессуал қонунчилиги нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри кўлланилганлиги capability қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Ариза берувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфатлари на биринчи инстанция суди, на апелляция суди томонидан тикланмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Олий судига (Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига) **кассация шикояти** билан мурожаат қилиш зарур.

Апелляция шикоятидан фарқли равишда кассация шикояти **бевосита** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича **судлов ҳайъатига** берилади.

Кассация шикояти учун **бир йил муддат** белгиланган, бу муддат апелляция инстанцияси судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Кассация шикоятини бериш талаблари апелляция шикояти билан бир хил.

Биринчи инстанция судининг қарори апелляция инстанцияси ажрими чиқарилгандан кейин қонуний кучга киргланлиги сабабли мансабдор шахснинг низолашилаётган қарорини ижро этиш ёки мансабдор шахснинг низолашилаётган ҳаракатларининг давом этиши хавфи мавжуд. Бунда кассация инстанцияси суди (судъяси) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув **қарори**, апелляция инстанцияси судининг қарори **ижросини** кассация инстанциясида иш юритишнинг тутатилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Судья кассация шикоятини (протестини) иш юритиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ажримда суд хужжати ижросини тўхтатиб туриш ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этишни кўрсатади.

### **Изоҳ:**

*МСИЮтКинг 241-моддасига мувофиқ, суд ишини кассация тартибида кўриши чоғида биринчи ва апелляция инстанциялари суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини иш материаллари бўйича текширади. Кассация инстанцияси суди янги далилларни текшириши ва янги факtlарни аниqlаishiga ҳақли эмас. Биринчи инстанция судида кўриб чиқши предмети бўлмаган янги*



*талааблар кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайды ва күримайды.*

Апелляция инстанцияси сингари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси сифатида:

- қуий судларнинг хужжатларини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;
- қуий судларнинг хужжатларини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёки уларнинг мазмунини ўзгартириш тўғрисида **карор** чиқариши мумкин.

Мулкдор ўзининг бузилган деб ҳисоблаган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашининг охирги имконияти – бу **ишни кассация тартибида қайта кўриб чиқиш** институтидир.

Иш Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилгандан сўнг ишни кўриб чиқиш натижасидан норози бўлган шахс ишни кассация тартибида қайта кўриш учун протест келтириш тўғрисида ариза бериши мумкин.

Ушбу ариза кассация шикояти бериш муддати ичida, ушбу муддат тугаган тақдирда эса қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичida берилиши мумкин.

Мурожаат қуидаги мансабдор шахслардан бирига ёзилади:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари.

Ваколатли мансабдор шахс ишни кўриб чиқиша моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри кўлланилишига йўл қўйилган деган холосага келган тақдирда, ишни кассация тартибида қўрилган ишлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисида протест беради.

Ишни кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги протест кассация инстанциясида ишларни кўриш учун белгиланган тартибида ўхшаш умумий асослар бўйича кўриб чиқилади.

## 5.8. Фуқаролик судларида ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

Фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ўзининг моддий-ҳуқуқий моҳиятига кўра анча фарқланадиган ишлар кўриб чиқилади. Аммо бу ҳолатларнинг барчасини умумий хусусият – фуқаро иштирокида мулк ҳуқуқи (моддий бойлик) ёки шахсий но-мулкий ҳуқуқ (эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, исм олиш ҳуқуқи ва бошқалар бўйича) юзасидан низонинг мавжудлиги бирлаштиради.

Масалан, ер участкасини олиб қўйиш ва мулкни бузиш учун компенсация ундириш талаб этилса, фуқаролик судига **ҳокимлик, курувчи ёки бошқа жавобгарлардан компенсация ундириши тўғрисида даъво аризаси** билан мурожаат қилиш зарур. Агар компенсация давлат маблағлари ҳисобидан ундирилса, қўшимча жавобгар сифатида молия органни кўрсатилади.

### Изоҳ:

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)<sup>13</sup> 26-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судга **фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидағи ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан** юзага келадиган низолар бўйича ишлар тааллуқидир, агар тарафлардан ҳеч бўлмагандаги биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиши бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно.*

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга аризалар жавобгарнинг доимий яшаш жойи ёки доимий касби бўлган фаолият соҳаси бўйича берилади. Та什килотларга аризалар ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўtkазилган жойидаги судга берилади. Фуқаро ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар зарап етказилган жойдаги судга ҳам берилиши мумкинлигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Фуқаролик судлари тизими маъмурий суд тизимига ўхшайди.

13 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (ҳавола: <https://lex.uz/docs/3517337>).

**Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
судининг Фуқаролик  
ишлар бўйича  
судлов ҳайъати:**

- Тошкент шаҳрида жойлашган;
- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади;
- одатда ишларни кассация инстанцияси суди сифатида кўриб чиқади.

**Туманлараро  
фуқаролик ишлар  
бўйича суд:**

- ҳар бир вилоят, Қорақалпогистон Республикаси ёки Тошкент шаҳрининг бир нечта туманларининг ишларини кўриб чиқади ("хизмат қилади");

- одатда ишларни биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқади.

**Қорақалпогистон  
Республикаси,  
вилояtlар ва  
Тошкент шаҳар  
судларининг  
Фуқаролик ишлари  
бўйича судлов  
ҳайъати:**

- ҳар бир вилоят марказида, Нукус ш. ва Тошкент ш.да жойлашган;
- одатда ишларни апелляция инстанцияси суди сифатида кўриб чиқади.

Бугунги кунда **бир нечта бир-бирига боғлиқ талаблар** мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари фуқаролик ишлари бўйича суднинг, бошқалари эса маъмурий суднинг юрисдикциясига кирадиган ҳолатда, барча талаблар фуқаролик судида кўриб чиқилади деган қоида мавжуд.

Масалан, мулкдор ҳокимнинг мулкни бузиш тўғрисидаги қарорига эътиroz билдириши, шунингдек, бундай қарор билан боғлиқ моддий ва маънавий зарар миқдорини ундириши керак. Ушбу талаблар кўрсатилган даъво аризаси улар бўйича қарор қабул қилалигидан фуқаролик судига берилади.

Фуқаролик судларида, одатда, **мулкий низолар** кўриб чиқилади. Фуқаролик ишлари бўйича судларга берилган мулкка оид даъволар бўйича даъво қийматининг **4 фоизи** миқдорида, лекин бир БҲМдан кўп бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилади.

Масалан, мулкдор олиб қўйиладиган ер участкаси ва бузиладиган уйнинг қиймати 250 000 000 сўм бўлган баҳоси билан рози бўлмай, Республика Суд экспертизаси марказида экспертиза ўтказишини сўрайди. Экспертиза натижаларига кўра, мулкнинг бозор

қиймати 500 000 000 сўмни ташкил этади. Мулқор компенсация суммасини ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилганда ундирилган сумманинг 4 фоизи, яъни 20 000 000 сўм (500 000 000 нинг 4 фоизи = 20 000 000) миқдорида давлат божи тўлайди.

Суд давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечикитириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаттиришига, шуниндек ушбу харажатлар миқдорини камайтиришга ҳақли.

### **Изоҳ:**

*Судья ариза берувчининг илтимосига биноан, унинг мулкий ҳолатидан келиб чиқиб, ишини қўзгатиш босқичида тўлашини кечикитириши, бўлиб-бўлиб тўлаши ёки давлат божи миқдорини камайтириши тўғрисида қарор қабул қилишига ҳақли.*

Ушбу масалани ҳал қилишида ФПК 133-моддасига асосан, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қўриб етмаслиги ҳолатларини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни (масалан, иши ҳақи (даромади), банкда маълаглари мавжудлиги, унинг эгалигида бўлган мулклар ҳақидаги маълумот, вояга етмаган фарзандлари, бошقا боқимандалари борлиги ва ҳ.к. тўғрисидаги маълумотларни) текшириши лозим. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 10-сонли “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириши амалиёти тўғрисида” қарорининг 10 ва 11-банлари)<sup>14)</sup>.

Шуни эсда тутиш керакки, фуқаролик судларида ҳам, маъмурий судларда ҳам “**ютқазган томон тўлайди**” тамойили қўлланилади. Хусусан, процессуал қонунларга мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахслар томонидан қаноатланган даъволар миқдорига мутаносиб равища қопланади.

Даъво аризаси **шакли ва мазмуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган талабларга **мос** бўлсагина, суд томонидан иш юритиш учун қабул қилинади.

14 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009-йил 24-ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириши амалиёти тўғрисида”ги 14-сон қарори (хавола: <https://lex.uz/docs/1617261>).



## Изоҳ:

*Аризада қўйидагилар кўрсатилиши керак:*

- *ариза берилгаётган суднинг номи;*
- *даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг яшиш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса – унинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва реквизитлари, шунингдек вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг манзили, агар ариза вакил томонидан берилган бўлса;*
- *жавобгарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшиш жойи, агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва реквизитлари;*
- *даъвогарнинг талаби;*
- *даъво қўймати, агар даъво баҳоланиши керак бўлса;*
- *даъвогар ўз даъвосини асослаётган ҳолатлар ва даъвогар томонидан кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;*
- *агар қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, жавобгар билан низони ҳал қилишининг судгача бўлган тартибига риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар;*
- *аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати (давлат бојси ва почта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги квитанциялар, агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, ишончнома).*

*Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.*

Шуни эсда тутиш керакки, даъво аризаси судга **жавобгарлар сони бўйича нусхалари** билан берилади (электрон шаклда ариза бериш бундан мустасно).

Агар қонунда ёки шартномада жавобгар билан низони ҳал қилишининг **судгача бўлган тартибига риоя қилиш** назарда тутилган бўлса, даъвога ушбу тартибнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (даъво, талаб ва бошқалар) илова қилиниши керак.

НАМУНА

**Фуқаролик ишлари бўйича N туманлараро суди**

**Даъвогар:**

**Фамилияси, исми, отасини исми**

яшаш жойи (почта манзили), зарур ҳолларда, телефон рақамлари, факс рақамлари, электрон почта манзили

**Жавобгар:**

**МЧЖ “XXX”**

жойлашган жойи (почта манзили), реквизитлари, зарур ҳолларда, телефон рақамлари, факс рақамлари, электрон почта манзили

**ДАЪВО АРИЗАСИ**  
**бузилаётган кўчмас мулк обьекти ва олиб қўйилаётган ер**  
**участкаси учун пул компенсациясини ундириш тўғрисида**

---

*(Даъво аризасининг кириши қисмida ишининг моҳияти баён этилади, даъволар асоси бўлган ҳолатлар ва даъво баҳоси кўрсатилади).*

---

*(Баён этилган талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар келтирилади).*

---

асосида  
*(Даъвогарнинг даъволари қонун ҳужжатларига ҳаволалар билан санаб ўтилади ва бир нечта жавобгарларга нисбатан даъво қўзгатилганда уларнинг ҳар бирнига бўлган талаблар санаб ўтилади).*

**СЎРАЙМАН:**

– жавобгар МЧЖ “XXX”дан XXXX манзилида жойлашган бузилаётган мулк ва олиб қўйилаётган ер участкаси учун 500 000 000 (беш юз миллион) сўм пул компенсацияси ундирилишини.

- Иловалар:**
- 1) давлат божи ва почта тўловлари тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;
  - 2) даъво аризасининг жавобгарлар сони бўйича нусхалари;
  - 3) баҳолаш тўғрисидаги хисбот;
  - 4) экспертиза хulosаси;
  - 5) даъвонинг бошқа далиллари “\_\_” варакда.

**ФИО**

**Имзо, сана**

Фуқаролик ишлари суд томонидан ишларни суд мұхокамасига тайёрлаш тугаган кундан бошлаб **бір ойдан кечіктірмай** күриб чиқылади. Үта мураккаб ишлар бүйича бу муддат судьянинг асослантирилган қарорига биноан **икки ойгача узайтирилиши** мумкін.

Ишни мөхияттан күриб чиқыш натижаларига күра суд **қарор** қабул қылади. Одатда, судьялар қарорнинг қарор қисмини иш бүйича суд мұхокамаси тугаган йиғилишда әйлон қыладилар. Шу болан биргә, ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал құлув қарорини қачон олишлари мүмкінligи ҳақида хабар берилади. Суд қарорнинг қоғоз ёки электрон шаклдаги тұлық матни, одатда, у әйлон қилинганидан кейин беш кун ўтгач тақдим этилади.

### **Изоҳ:**

*Суд актінинг нусхасы ишда иштирок этувчи шахсларга акт чиқарылған кундан эътиборан беш кундан кечіктірмай топширилғанligи маңылум қылнағыдан буюртма хати билан юборилади ёки тілхат билан топширилади, башарты электрон манзиллар бор бўлған ҳолларда электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкин.*

## **5.9. Фуқаролик ишлари бүйича суд қарори устидан шикоят қилиш тартиби**

Фуқаролик ишлари бүйича суднинг ҳал құлув қарори устидан тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан **апелляция тартибида шикоят** берилishi мүмкін. Бундан ташқари, ишда иштирок этмаётган, лекин ҳуқук ва мажбуриятлари тұғрисидаги масаланы биринчى инстанция суди ҳал қылған шахслар ҳам юқори турувчи судга апелляция шикояти билан мурожаат қилишлари мүмкін.

Апелляциялар Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бүйича судлов хайъати томонидан күриб чиқылади.

Шикоят апелляция инстанцияси суди номига ёзилади, лекин қарорни қабул қылған судга топширилади. Бунда шикоят ишда

иштирок этувчи шахслар сонига кўра нусхалари билан судга берилади (электрон хужжат шаклида юборилган шикоятлар бундан мустасно).

Апелляция суд қарори қабул қилинган кундан бошлаб **бир ой** ичida берилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, апелляция шикояти берилганда даъво аризаси берилганда тўланган **давлат божи** суммасининг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланади. **Почта тўловларини** тўлаш ҳам талаб қилинади – фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилишда БХМнинг 3,5 фоизи (дастлаб тўланган сумманинг ярми) тўланади. Апелляция шикоятига ушбу суммаларни тўланганлиги тўғрисидаги квитанциялар илова қилинади.

Суд ишни апелляция тартибида кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори **ўзгаришсиз қолдирилганлиги** ёхуд унинг тўлиқ ёки қисман **ўзгартирилганлиги** ёки **бекор қилинганлиги** тўғрисида **ажрим** чиқаради. Агар суднинг ҳал қилув қарори билан ҳуқуқлари даҳлдор бўлган шахслар ишни кўришда иштирок этмаган бўлса, ҳал қилув қарори бекор қилинади ва иш янгидан кўриб чиқишига юборилади.

Бундан ташқари, апелляция тартибида кўрилган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан **кассация шикояти** берилиши мумкин. Шикоят тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этмаган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан суд масалани ҳал қилган шахслар томонидан берилиши мумкин.

Кассация шикояти бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Апелляция инстанцияси судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан **бир йил** ичida кассация тартибида куйи судларнинг қарори устидан шикоят қилиш мумкин.

Кассация шикоятининг шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар апелляцияга қўйиладиган талабларга ўхшашдир. Бу давлат

божи ва почта тўловлари миқдорини тўлаш, шикоят ва вакилнинг ишончнома нусхаларини мажбурий илова қилиш учун амал қиласди.

Суд ишни кассация тартибида кўраётганда иш материаллари асосида биринчи ва апелляция инстанциялари суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари қўлланилишининг тўғрилигини ва процесувал қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини текширади. Кассация инстанцияси суди янги далилларни текширишга ва янги фактларни аниқлашга ҳақли эмас.

Апелляция инстанцияси сингари, кассация инстанцияси ҳам:

- қуий судларнинг ҳужжатларини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;
- қуий судларнинг ҳужжатларини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёки уларнинг мазмунини ўзгартириш тўғрисида **ажрим** чиқарishi мумкин.

**Ишни кассация тартибида қайта кўриб чиқиши** фуқаролик процессида ҳам назарда тутилган. Кассация тартиби ишни кўриб чиқиши мумкин бўлган охирги инстанция бўлиб бунда кўп нарса тегишли аризани кўриб чиқаётган судьяларнинг ихтиёрига боғлик.

Хусусан, ишни Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кўриб чиққандан сўнг ҳал қилув қарорига рози бўлмаган процесс иштирокчиси ишни кассация тартибида қайта кўриш тўғрисида протест келтириш тўғрисида ариза беришга ҳақли.

Протест бериш тўғрисидаги ариза кассация шикояти бериш муддати ичida, белгиланган муддат ўтган тақдирда эса ажрим чиқарилган кундан бошлаб бир ой ичida берилиши мумкин. Ариза қуидаги мансабдор шахслардан бирининг номига ёзилади:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари.

Агар ишни кўриб чиқиша моддий ёки процесувал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллашга йўл кўйилганлиги аниқлан-

са, ишни кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган актлар бўйича кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тўғрисида протест берилади. Ишни кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги протест кассация инстанциясида ишларни кўриш учун белгиланган тартибида ўхшаш умумий асослар бўйича кўриб чиқилади.

***Савол: Ерни ноқонуний олиб қўйшии ва кўчмас мулкни бузии учун жавобгарлик белгиланганми?***

2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-667-сонли “Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритилди<sup>15</sup>.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** 200<sup>2</sup>-модда билан тўлдирилди, унга кўра Ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (30 млндан 45 млн сўмгача).

Агар ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши натижасида бозор қиймати ва етказилган зарар (30-100 БҲМ ёки 9 миллион сўмдан 30 миллион сўмгача) олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бино (иморат, иншоот ёки дов-дараҳт ёхуд уларнинг қисми) бузилган бўлса, айбдор мансабдор шахсларга БҲМнинг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача (45 миллион сўмдан 60 миллион сўмгача) жарима солинади.

Бундан ташқари, **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига** ер участкасини қонунга хилоф равища олиб қўйганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи 229<sup>5</sup>-модда киритилган. Бун-

---

15 Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 14-январдаги ЎРҚ-667-сон “Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конуни (ҳавола: <https://lex.uz/docs/5221462>).



дай жавобгарликка тортиш ушбу ҳаракат учун олдиндан маъмур ий жавобгарликка тортишни талаб қиласи. Санкция сифатида 70 миллион сўмгача жарима, 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари кўзда тутилган.

Ғайриқонуний олиб қўйиш йўли билан эгасига катта, йирик ёки ўта йирик зарар етказиш ёки умумий хавфли йўл билан содир этилган худди шундай ҳаракатлар (масалан, ичида одамлар бор бинони бульдозер билан бузишга уриниш) – саккиз йил озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ерларни ноқонуний олиб қўйиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов прокуратура терговчилари томонидан амалга оширилади.

Жиноят ишини тергов қилиш ва уни жиноят судида кўриб чиқилишида мулкдор ўз ҳуқуқларини тиклаш ва айборни адолатли жазолаш учун барча зарур ҳуқуқлар берилган жабрланувчи сифатида иштирок этади.

### ***Савол: Ҳалқаро ташкилотларда мулкдорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши механизmlари мавжудми?***

Шуни билиш мухимки, агар миллий даражадаги барча ҳимоя воситалари қўлланилиб бўлган бўлса, ҳуқуқлари бузилган шахс ҳалқаро даражадаги ҳимояга мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ҳалқаро ҳуқуқий механизми сифатида эътироф этилган ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Ҳар бир инсон БМТ эътиборини ўз ҳуқуқларининг бузилиши муаммосига қаратиши мумкин ва ҳар йили бутун дунёдан минглаб одамлар буни қилишади.

**Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг<sup>16</sup> Факультатив протоколига аъзо давлатлар томонидан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактни бузганликлари ҳақидаги шахсий му-**

---

16 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (1966-йил 16-декабрда қабул килинган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрда кучга кирган) (хавола: <https://lex.uz/docs/2686024>).

## **рожаатларни (хабарларни) БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси қўриб чиқиши мумкин.**

Шундай қилиб, Пактнинг 11-моддаси биринчи бандида айтилишича, “Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар кимнинг ўзи ва унинг оиласи учун муносиб турмуш даражаси, шу жумладан, етарли озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, яшаш шароитларини доимий такомиллаштириш ҳуқуқини тан оладилар. Иштирокчи давлатлар эркин розилик асосидаги халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳимлигини тан олиб, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилишини таъминлаш учун тегишли чораларни кўрадилар”.

Ҳар қандай шахс Пактнинг иштирокчиси бўлган ва алоҳида шикоятларни қўриб чиқиш бўйича Кўмитанинг ваколатига рози бўлган Ўзбекистон Республикасига қарши қўмитага шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Кўмита шикоятларни барча ички (миллий) ҳимоя воситалари кўлланиб тугатилгандан кейингина қабул қиласди. Ушбу воситалардан фойдаланиб бўлгандан кейин имкон қадар тезроқ шикоят қилиш муҳимdir. Шикоят беришнинг кечикиши давлатга адекват жавоб беришни ва шартнома органи учун фактларга асосланган маълумотларни баҳолашни қийинлаштириши мумкин.

### **Изоҳ:**

*Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Факультатив протоколининг 3-моддаси 2(а) бандида айтилишича, “Кўмита қўйидаги ҳолларда мурожаатни қабул қилиб бўлмайдиган деб эълон қиласди: (а) ички ҳимоя воситалари тугатилгандан кейинги бир йиллик муддат ичida тақдим этилмаса, муаллиф ушибу муддат ичida мурожаатни юбориши мумкин эмаслигини исботлай олган ҳоллар бундан мустасно”.*

Кўмита шикоятни мақбул деб топса, Ўзбекистон Республикасидан тушунтиришлар (шарҳлар) сўралади. Шундан сўнг, Кўмита ишни қўриб чиқади ва қарор қабул қиласди, у бир вақтнинг ўзида ариза берувчига ва жавобгар давлатга юборилади. Иш мазму-



ни ёки номақбуллиги тўғрисидаги ҳар қандай якуний қарорнинг матни қўмита қарорлари йигилиши доирасида Инсон ҳуқуклари бўйича Олий комиссари Бошқармаси (ИҲОКБ) веб-сайтида эълон килинади. Халқаро миқёсда ахборот алмашиш зарурати, шикоятлар бериш тартибининг мураккаблиги ва Кўмитага келиб тушган аризаларнинг қўплиги сабабли муайян ишни кўриб чиқиш бир йилдан уч йилгача давом этиши мумкин.

Агар қўмита пакт бузилган деган хulosага келса, давлатдан тавсияларни амалга ошириш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида 180 кун ичидан маълумот тақдим этиши сўралади. Шундан сўнг давлатнинг жавоби ариза берувчига юборилади, шунда у жавобни шарҳлаш имкониятига эга бўлади. Агар давлат тегишли чоралар кўрмаса, иш кейинги тартибда қўмитада қолади. Шундай қилиб, давлат билан мулоқот давом этади ва қониқарли чоралар кўрилмагунча иш очиқ қолади.

Инсон ҳуқуклари бўйича шартномалар бўйича индивидуал шикоятлар бериш тартиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий веб-сайтида батафсил баён этилган<sup>17</sup>.

Ушбу веб-ресурсдаги маслаҳат ва тавсиялардан келиб чиқиб, ер участкасини олиб қўйиш ва уй-жойни бузиш муносабати билан ўз ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган деб хисоблаган, шунингдек, ишнинг адолатли ҳал этилишига миллий даражада эриша олмаган ҳар қандай мулкдор мустақил равишда БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитасига Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддаси Ўзбекистон Республикаси томонидан бузилганлиги тўғрисида шикоят тайёрлаши ва юбориши мумкин.

---

17 БМТнинг Расмий веб-сайти / Инсон ҳуқуклари бўйича Шартнома органлари - Индивидуал хабарлар (хавола: <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies/human-rights-treaty-bodies-individual-communications#ICESCR>).

VI БОБ.

ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ  
СҮРАГАН ЭДИНГИЗ



Маълумки, жамиятимизда юзага келадиган ҳар қандай ижтимоий-хуқукий муносабатлар албатта алоҳида қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Фуқароларимиз кўпгина холларда ижтимоий-хуқукий муносабатлардан келиб чиқадиган масалалар юзасидан етарлича асослантирилган, қонуний жавоб берадиган, бунга ихтисослашган ташкилот бор ёки йўқлиги тўғрисида савол билан мурожаат қиладилар.

Куйида биз, фуқаролар кундалик турмушкида қўплаб дуч келадиган ва бошқа ҳаётий муҳим хуқукий масалалар бўйича малакали жавоб берадиган тажрибали хукуқшунослардан иборат таркибда фаолият юритувчи “Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ва унинг жойлардаги хуқукий маслаҳат бюроларига мурожаат қилувчилар учун мўлжалланган эслатма маълумот тариқасида ҳавола қилинмоқда.

**“Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат  
ташкилоти туман (шаҳар) хуқукий маслаҳат бюроларига  
мурожаат билан ташриф буюрган фуқаролар учун**

**ЭСЛАТМА**

**1. “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти нима мақсадда ташкил этилган?**

“Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти (кейинги ўринларда Муассаса деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 741-сон “Ахолига хуқукий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, фуқароларга хуқукий масалалар бўйича, шу жумладан, онлайн маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш йўли билан бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

**2. Муассасанинг жойларда таркибий тузилмалари мавжудми?**

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида таъкидланган қарорига асосан жойларда фуқароларни бевосида қабул қилиш ёки уларнинг

телефон алоқа воситалари орқали мурожаатларига тегишли хуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар бериб бориш мақсадида туман (шахар) хуқуқий маслаҳат бюролари (кейинги ўринларда хуқуқий маслаҳат бюролари деб юритилади) ташкил этилган.

### **3. Хуқуқий маслаҳат бюролари фаолиятининг асосий мақсади нимадан иборат?**

Хуқуқий маслаҳат бюролари фаолиятининг асосий мақсади – фуқароларнинг хуқуқий масалалар бўйича мурожаатлари асосида бегараз юридик ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашишдан иборат.

### **4. Хуқуқий маслаҳат бюроларига қандай масалаларда мурожаат қилиш мумкин?**

Фуқаролар хуқуқий маслаҳат бюроларига хуқукнинг барча соҳалари бўйича ўзларини қизиқтирган ёки бошқа ҳаётий муҳим масалалар юзасидан ихтиёрий равишда мурожаат қилишлари мумкин.

### **5. Хуқуқий маслаҳат бюроларига қандай тартибда мурожаат қилиш мумкин?**

Фуқаро, ўз хоҳишига кўра, хуқуқий маслаҳат бюроси жойлашган манзилга бевосита ташриф буюрган ҳолда ёки телефон алоқа воситаси орқали мурожаат қилиши мумкин.

Шунингдек, фуқаролар оммавий ёки сайёр қабуллар амалга оширилаётган жойларда ҳам хуқуқий маслаҳат бюроси ходимларига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролар жойларда хуқуқий маслаҳат бюроларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беришини сўраб, якка тартибда ёки кўпчилик бўлиб мурожаат этиш хуқуқига эга.

Қонун хужжатларида белгиланган тартибда вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг қонуний вакиллари ҳам мурожаат қилишлари мумкин.



Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам белгиланган тартибда ҳуқуқий масалалар бўйича жойлардаги ҳуқуқий маслаҳат бюроларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Конунчиликка мувофик, жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзолари-ни, улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари-ни рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқий маслаҳат бюроларига мурожаат қилгани, шунингдек мурожаатда баён этилган масалалар юзасидан ўзининг шахсий фикр-мулоҳазалари-ни билдирганлик учун таъкиб этиш ман этилади.

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги, тухмат ва ҳақоратдан иборат мазмунда мурожаат қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

## **6. Ҳуқуқий маслаҳат бюроларига ёзма шаклда мурожаат қилиш мумкинми?**

Йўқ. Чунки, ҳуқуқий маслаҳат бюроларида фуқароларнинг мурожаатларини реал вақт режимида кўриб чиқиш ва уларга тезкор оғзаки шаклда маслаҳат бериш тартиби белгиланган.

Шунга кўра, бундай шаклда мурожаат этиш истагида бўлган фуқаро, ўз мурожаатини тўғридан-тўғри Муассасанинг advice.uz (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталига онлайн тарзда ёки телеграм каналидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда ёхуд почта алоқа воситаси орқали ёзма шаклда юборилиши мумкин.

Муассаса томонидан мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, муаллифга ёзма ёки электрон шаклда жавоб юборилиши таъминланади.

## **7. Ҳуқуқий маслаҳат бюролари томонидан қўшимча равишида фуқароларга яна қандай юридик ёрдам кўрсатилиши мумкин?**

Аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами (кам таъминланган оиласалар, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсионерлар, бокувчинини йўқотганлар)га уларнинг сўровларига биноан, кейинчалик тегишли давлат органи ёки бошқа

ташкилотларга белгиланган тартибда мурожаат қилиши лозим бўлган хуқуқий хужжатлар намуналарини тақдим этиш ёки бундай хужжатлар лойиҳаларини уларнинг номидан тузиб беришда кўмаклашиш йўли билан амалий ёрдам кўрсатилади.

#### **8. Хуқуқий маслаҳат бюроларида иш вақти тўғрисида:**

Хуқуқий маслаҳат бюроларида беш кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлиб, ходимлар ўз фаолиятини соат 9:00 дан 18:00га қадар (соат 13:00 дан 14:00гача тушлик вақтидан ташқари) узлуксиз амалга оширадилар, шанба ва якшанба дам олиш кунлари хисобланади.

#### **9. Хуқуқий маслаҳат бюроларида фуқароларни қабул қилиш тартиби тўғрисида:**

Фуқаролар, хуқуқий маслаҳат бюролари бош мутахассиси томонидан белгиланган вақтда ўзига ажратилган хизмат хонасида ёки заруратга қараб, фуқаролар қабули ўтказилаётган бошқа жойларда амалга оширилади.

Фуқароларни қабул қилиш вақти, жойи ва тартиби акс эттирилган эълонлар Муассасанинг расмий веб-сайтида, шунингдек хуқуқий маслаҳат бюролари жойлашган биноларнинг асосий кириш жойидаги стендларга ёки бошқа техник воситаларига жойлаштириб қўйилади.

Хуқуқий маслаҳат бюроларида фуқаролар навбат билан қабул қилинади.

Ҳомиладор, уч ёшгача фарзанди бор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кекса ёшдаги фуқаролар навбатсиз қабул қилинади.

Хуқуқий маслаҳат бюроларида фуқаролар белгиланган тартибда одоб-ахлоқ ва ички-тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда қабул қилиниб, уларнинг сўровлари эшитилади, важларини шахсан баён этишлари ва мурожаатда келтирилган ҳолатлар юзасидан тушунтиришлар бериш имкониятлари таъминланади.

Шахсий қабул давомида ҳуқукий маслаҳат бюроси ходимнинг тақлиғига кўра ва бу хақда мурожаат этувчига маълум қилган ҳолда маҳсус техника воситалари (аудио ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) кўлланилиши мумкин.

Мурожаат этувчи шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб, унинг камситилишига йўл қўйилмайди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқукий маслаҳат бюроси ходимига аён бўлиб қолган шахсига оид ёки шахсий ҳаёти билан боғлиқ бошқа маълумотларни улар томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Қабулга келган фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, жинси, яшаш манзили, телефон рақами, агар мавжуд бўлса, электрон почта манзили) шунингдек, уларнинг сўровлари мазмун-моҳияти ва берилган жавоблар матни ҳуқукий маслаҳат бюrolари бош мутахассиси томонидан навбат билан monitoring.advice.uz электрон дастурига киритилиб, рўйхатга олиб борилади.

Мурожаатда баён қилинган ҳолатлар ҳуқукий маслаҳат бериш йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, фуқарога бу масала юзасидан кайси давлат органи ёки ташкилотига қандай тартибда мурожаат этиш мумкинлиги тушунтирилади.

## **10. Ҳуқукий маслаҳат бюrolарига мурожаат этувчи фуқаролар қўйидагиларга:**

- мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини янада тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритишга;
- мурожаатлар юзасидан берилган жавобларнинг қанчалик даражада етарли ва асосли эканлиги хусусида, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга, шунингдек, ноаниқ ҳолатларга аниқлик киритиш учун тақороран мурожаат қилишга;
- мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини ихтиёрий равища СМС электрон тизими орқали 1 баллдан 5 баллгача баҳолашга;
- мурожаатларни кўриб чиқишнинг белгиланган тартибини бузган ходимга нисбатан унинг жавобгарлик масаласини кўриб

чиқиши ҳақида Муассасага ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишга ҳақли.

Шунингдек, фуқаро сўралганда ўз шахсини тасдиқловчи хужжатини кўрсатиши:

- ўз шахсига оид маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, телефон рақами, агар мавжуд бўлса, электрон почта манзили)ни аниқ ва тўғри маълум қилиши;
- ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ҳозир бўлган бошқа шахсларнинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига путур етказмаслиги;
- фуқароларни қабул қилиш тартиб-қоидаларига риоя қилиши;
- ўз мурожаати мазмун-моҳияти ва талабини аниқ, лўнда ва тушунарли тарзда баён қилиши;
- муомала маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, шунингдек, мурожаати ва хукукий маслаҳат бюролари фаолиятига дахлдор бўлмаган бошқа масалалар юзасидан қўшимча изоҳ ва тушунтиришлар берилишини талаб қилмаслиги керак.





Мұхаррир: У. Раджабова  
Дизайн ва компьютерда тайёрловчи: ???

Нашриёт тасдиқномаси № 9183-7961  
Босишга рухсат этилди 00.00.2023 й.

Бичими \_\_\_\_ / \_\_\_\_  
«\_\_\_\_» гарнитураси.  
Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи \_\_\_\_.  
Адади \_\_\_\_ нусха.

“ «BAKTRIA PRESS” нашриёт уйи  
1000000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
Тел.: +998 (71) 233-23-84  
e-mail: [baktriapress@gmail.com](mailto:baktriapress@gmail.com)

«\_\_\_\_» МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
Манзил:

ISBN 978-9943-8658-1-5

